

40



БАНКЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШДАН ОДАМЛАРГА НИМА НАФ? 10.

@mahalladoshuz @mahalladosh_uz www.mahalladosh.uz

Маҳалла



№ 6
(1988) 2021 йил
11 – 18 февраль



ИЧКИ САЁҲАТЛАР 40 ФОИЗГАЧА АРЗОНЛАШТИРИЛАДИМИ? 2.

ЭҚТИЁЖДАН УЧ БАРОБАР
КЎП ГАЗИМИЗ ҚАЕРГА
ҲОЙИБ БЎЛЯПТИ?



6.

АДОЛАТСИЗ КРЕДИТ БЕРИШ
ТАРТИБИ ҚАЧОНГАЧА
ДАВОМ ЭТАДИ?



14%

10.



РАИС НОҲАҚ ИШДАН
БЎШАТИЛГАНМИ? 12.

ҲАЯЖОН ВА
ЁМОН ХАЁЛЛАР
ХАСТАЛИКНИ
ЧАҚИРАДИМИ? 27.



МАЖБУРИЙ
МЕҲНАТ ЖИНОЙ
ЖАВОБГАРЛИККА
САБАБ БЎЛАДИМИ? 16.

ФОЛБИНГА
ИШОНИБ,
ЯРАТГАНГА
ОСИЙ БЎЛМАНГ!
28.

«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! ОБУНА ИНДЕКСИ: 148

Туризм бўйича янги тартиб: ИЧКИ САЁХАТЛАР 40 ФОИЗГАЧА АРЗОНЛАШТИРИЛАДИМИ?

Зиёрат туризми — туризм соҳасининг асосий йўналишларидан бири саналади. Юртимизда ҳам мазкур тармоқни ривожлантириш имконияти кенг. Сайёҳларнинг аксариятини мусулмон давлатлари фуқаролари ташкил этишини ҳисобга олсак, зиёрат қилишга арзиғулик қадамжоларимиз, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган мутафаккирларимизнинг муқаддас зиёратгоҳлари имкониятларимизни оширади.



Бирок, тан олиб айтиш керакки, ҳали бу соҳада қиладиган ишларимиз, Урганадиган халқаро тажрибаларимиз талайгина. Жумладан, мусулмон туристлар учун ҳалол овқатланиш шароитлари тўлиқ яратилмаган, улар учун ихтисослашган сифатли хизмат кўрсатадиган меҳмонхона ва дам олиш масканлари тўлиқ шаклланмаган. Бундай туристлар зиёрат қилиш билан бирга, саёҳатларини ноёб таассуротлар ва маданий-маърифий дастурлар билан бойитилиши истаёди. Бунга Қуръон ва ҳадисшунослик мусобақалари каби маданий дастурлар, мусулмонлар учун қулай тоғ туризми ва ҳалол

круизлар мисол бўла олади.

Яна бир гап: маҳаллий туристларга қулайлик яратиш борасида ҳам қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Мисол учун, водий вилоятларидан Самарқанд, Бухоро, Хивага автомобилда бормоқчи бўлган киши асосий вақтини йўлда (камида 10-15 соат) ўтказишга мажбур. Наҳотки, шу йўналишлар бўйича арзон авиарейсларни йўлга қўйиш имкони бўлмаса? Авиа ва темир йўл йўналишларида чипталар учун имтиёз бериш имконияти ҳам кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Хуллас, тизимда ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар жуда кўп.

Энди 920 минг сўмлик чиптани 587 минг сўмга олиш мумкин

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 февралдаги «**Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чоратadbirlari тўғрисида**»ги фармони билан тармоқдаги кўплаб масалалар ечими кўрсатиб берилди.

— Фармон билан соҳада янги тизим жорий этилмоқда, — дейди **Бош вазир ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов**. — Жумладан, транспорт логистикасини яхшилаш мақсадида ҳудудлар ўртасида янги авиатемир йўл қатновлари йўлга қўйилмоқда. Ички туризмни ривожлантириш мақсадида юртдошларимизга субсидиялар ажратилади. Унга кўра, янги жорий этилаётган авиақатновларга чипталар Ўзбекистон фуқароларига 25 фоиз арзон сотилади, агар ушбу чипта туроператор орқали харид қилинса, ушбу чегирма миқдорига 15 фоиз қўшилиб, умумий 40 фоизлик чегирма тақдим этилади. Шу билан бирга, туроператор орқали харид қилинган меҳмонхона хизматлари ҳам 10 фоизга арзонлаштирилган нархда сотилади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси берган маълумотга кўра, мисол учун, 2020 йил 3 февралдан йўлга қўйилган «Урганч — Фарғона — Урганч» авиарейси чиптасининг энг арзон нархи — 920 минг сўм. Маҳаллий сайёҳ ушбу чиптани бевосита авиакассадан сотиб олганда унинг нархи 25 фоизга арзонлашиб, 690 минг сўмни ташкил қилади. Туроператор орқали харид қилганда эса яна 15 фоиз чегирма тақдим қилиниб, чипта нархи 587 минг сўмни ташкил қилади.

Ўз навбатида, фуқаро туроператор орқали меҳмонхонани бронь қилса, шартли равишда «Ўзбекистон» меҳмонхонасидаги 1 кишилик стандарт хона нархи 270 минг сўм бўлса, бу фуқаро учун туроператорга тақдим қилинган корпоратив нархлар асосида 200 минг сўмни ташкил қилади. Юқоридаги 10 фоиз чегирма ҳисобига эса меҳмонхона нархи 180 минг сўмга айланади. Худди шу каби темир йўл қатновларидаги чипталарга ҳам 15 фоизлик чегирма тақдим этилади.

Ушбу навбатида, фуқаро туроператор орқали меҳмонхонани бронь қилса, шартли равишда «Ўзбекистон» меҳмонхонасидаги 1 кишилик стандарт хона нархи 270 минг сўм бўлса, бу фуқаро учун туроператорга тақдим қилинган корпоратив нархлар асосида 200 минг сўмни ташкил қилади. Юқоридаги 10 фоиз чегирма ҳисобига эса меҳмонхона нархи 180 минг сўмга айланади. Худди шу каби темир йўл қатновларидаги чипталарга ҳам 15 фоизлик чегирма тақдим этилади.

Байрамлар саёҳатга мослаштирилади... (ми?)

Тан олиш керак, юртимиз бўйлаб оилавий саёҳатга чиққан фуқаролар орамизда кўпчиликини ташкил этмайди. Бунга баъзан иш ёки ўқиш, бошқа ташвишлар йўл қўймаган бўлса, эндиликда бунинг учун ҳам кенг имкониятлар яратилади. Ўрни энди байрам ёки дам олиш кунлари саёҳатга мослаштирилади.

— Жумладан, бешта расмий байрам — Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик куни, Янги йил байрами ҳамда Рамазон ҳайити («Ийд ал-Фитр») ва Қурбон ҳайити («Ийд ал-Адҳа»)ни нишонлаш даврида қўшимча ва кўчириш ҳисобига ишланмайдиган кунлар учун кундан кам бўлмаган муддатга белгиланади, — дейди **Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси масъул ходими Лола Раҳмонбоева**. — Шунингдек, ота-оналар, қариндошлар, қариялар ва устозлар билан биргаликда саёҳат қилишни назарда тутувчи беш иш кунидан кам бўлмаган «**оилавий саёҳат таътили**» тизими жорий қилинади. Бунда, «**оилавий саёҳат таътили**» йиллик асосий таътил ҳисобидан тақдим этилади ва жамоавий шартномаларга мувофиқ, иш берувчининг розилиги билан амалга оширилади.

Туристтик йиғимни ким тўлайди?

Яна бир жиҳат: 1 мартдан Ўзбекистон фуқаролари ва Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслардан меҳмонхона, хостел ва меҳмон уйларида, улар яшаган ҳар бир кун учун **туристик (меҳмонхона) йиғим** ўндирилади. Янги тартиб бўйича йиғим миқдори **БҲМнинг 0,4 фоизини** ташкил этиб, ҳозирда бу 980 сўмни ташкил қилади. Ўз навбатида, туристик йиғимдан тушган маблағлар тўлиғича ички саёҳатларни рағбатлантирувчи дастурларга йўналтирилади.

Шунингдек, ҳужжатга мувофиқ, «**Фарғона — Урганч — Фарғона**», «**Термиз — Урганч — Термиз**» ҳамда «**Қарши — Урганч — Қарши**» авиарейслари йўлга қўйилади. 1 мартдан бошлаб, бир қатор мамлакатлар фуқаролари учун **визасиз режим** белгиланади. «**Имом Бухорий**» зиёрат туризми йўлдош телеканални ишга туширилиб, туризм объектлари инфратузилмасини яхшилашга 1 триллион сўм миқдоридоги маблағ ажратилади.

С.ИСМАТОВ тайёрлади.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

БАРЧА ЙЎНАЛИШЛАРГА ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИМИ?

Айтиш керакки, чипта бўйича имтиёзлар янги ташкил этилаётган «**Фарғона — Урганч — Фарғона**», «**Термиз — Урганч — Термиз**», «**Қарши — Урганч — Қарши**» авиарейслари, «**Анджон — Хива — Анджон**», «**Термиз — Қарши — Хива**», «**Хива — Урганч — Нукус**» ва «**Термиз — Қарши — Самарқанд**» темир йўл йўналишларида, шунингдек, Тошкент шаҳридан Бухоро, Нукус, Термиз, Урганч шаҳарлари ҳамда фарғона водийсига қатнов йўналишлари бўйича авиарейсларга таъбиқ этилади.

НЕГА ПАРТИЯЛАР ЖАМИЯТДА ЎЗ ОВОЗИГА ЭГА БЎЛА ОЛМАЯПТИ?

Тан олиш керак, бугунги кунда сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармоқда, деб айтолмаймиз. Улар ҳанузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгида ўзининг мустақкам ўрнини эгаллай олмади. Устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар деярли сезилмаяпти.

Ташаббус йўқ, аравани қуруқ олиб қочиш кимга керак?

Хўш, партиялар қачон халқ ишончини қозонади? Нега партиялар жамиятда ўз сўзи ва овозига эга бўла олмаяпти? Айрим депутатларни ҳисобга олмаганда, қолганлари нега юмшоқ курсиларда мудраб ўтирадиган, шароитга тез мослашувчан, қарсақбоз, юқорининг изнисиз бирон иш қилолмайдиган кадрлар сифатида тасаввур уйғотмоқда? Айнан уларнинг «шарофати» билан депутатларга халқнинг ишончи сустроқ. Тўғри-да, майший муаммолар ҳақида жар соладиған, катта муаммолардан гап кетса, аравани қуруқ олиб қочадиган, халқ дардидан йироқ депутатларга ким ҳам ишонсин?!


Жорий йил 2 февраль кунини сиёсий партиялар раҳбарлари билан бўлган учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев 2,5 миллион аъзога эга сиёсий партиялар ва ижро ҳокимияти ўртасида жойларда яқин ҳамкорлик умуман йўқлиги, бугунги кунда сиёсий партиялар энг қуйғача, маҳаллагача тушиб, халқнинг муаммоларини ўрганиб, уларни ҳал қиладиган чинакам кучга айланмаётганини таъкидлади. «Биз мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ деярли барча масалаларни Президент ҳужжатлари билан тартибга солишга мажбур бўляпмиз. Мисол учун, ўтган йили парламент томонидан қабул қилинган 70 та қонун орасида депутатлар ташаббуси билан партия вазифаларидан келиб чиқиб кири-

тилган қонунларни бармоқ билан санаса бўлади», — деди давлатимиз раҳбари.

Қизик, ислохотларни амалга ошириш учун фақат Президент фармон ва қарорлари қабул қилиниши керакми? Унда қонун ижодкорларидан не наф? Афсуски, парламент фаолияти кўп ҳолларда шунчаки расмий йиғилишлардан иборат бўлиб қолаётгани ҳам бор гап. Аниқланган муаммолар ёки сайловчилар кўтарётган масалалар тегишли қонунлар қабул қилиш йўли билан ёки ижро ҳокимияти олдига масалани қатъий қўйиш билан ҳал этилмаяпти. Сайловлар арафасида айtilган гаплар, берилган ваъдалар эса унутилгандек... Бугун одамлар ўзи сайлаган депутатини танимаслиги, уни сайловлардан сўнг бирон марта кўрмагани, қайсидир муаммосини айнан депутат иштирокида ҳал қилмаганини билдириши эса, шунчаки, ачинарлидир. Уларда ташаббускорлик етишмаётгани ҳам бор гап. Хўш, нега шу аҳволга келиб қолдик?

Ҳаракатсизлар қатордан тушиб қолиши лозим... (ми?)

Халқ уларни кўплар ичидан танлаб олган, ишонч билдирган. Бугун ислохотлар қойилмақом натижа бераётганидан лоф урадиган оғизботирлар эмас, ваъдасига вафодорлар керак. Депутат давлат машинасининг мурвати бўлиб қолиши керак эмас. У бошқарувчи бўлсин! Ана шунда ҳаммаси ўзгаради. Бугунги парламентда эса ана



шундай шахслар етишмайди, назаримизда. Борларнинг ҳам овози «хор жамоа»нинг қарсақлари ичра эшитилмаяпти.

— Тан олишимиз керак, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечимини бўйича таклифлар бериш, аиниқса, таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича қилган ишларимиз етарли эмас, — дейди ЎзЛиДеп Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ақтам Ҳанитов.

— Жумладан, халқ билан мулоқот қилиш, улар билан мустақкам алоқани йўлга қўйишда сустремиз. Сайлов йилида бу камчилик бизга панд бериши мумкин. Қолаверса, бугун маҳаллий Кенгашларда ҳам, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам сон жиҳатдан энг катта депутатлик корпусига эгамиз, лекин вакилларимизнинг имкониятларидан тўла фойдалана олмаяпмиз. Бундан буюғига халқ ишончини оқлаш — биринчи галдаги вазифамизга айланади.

— Партиялар жамиятда ўз сўзи ва овозига эга бўла олмаяпти, ишончини қозона олмаяпмиз, — дейди «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров. — Президентга очик айтдик: сизнинг ташаббусингиз билан бошланган янги Ўзбекистон ислохотларига 4 йил бўлди. Парламент ўзгарди, партиялар ўзгарди, лекин халқимиз ишончини қайта қозониш осон бўлмаяпти. Хатоларни ҳеч ким яшир-

маяпти, уларни тузатишга ҳисса қўшайлик. Зеро, муваффақият ҳаммамизники бўлгани каби инқироз ҳам ҳар биримизни дастурхонимизга келиб тушади. Муаммоларимиз кеча пайдо бўлиб қолмаган, бир ҳаракат билан эртага ҳал бўлиб ҳам қолмайди. Ҳамма ҳаракат қиляпти, қилолмаганлар қатордан тушиб қоляпти.

Депутатлик фақат қўл кўтариб тасдиқлаш дегани эмас...

Парламент қонунларни қабул қилиш билан чекланмай, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини ҳам назорат қилиши, суистеъмол қилинишига қарши туриши лозим. Зеро, ҳокимият тармоқларининг бир-бирини ўзаро тийиб туриш таъмоили ана шундай қатъий назоратни талаб этади. Очигини айтиш керак, бу борада маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, фаолликка ундаш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти.

— Инкор этмайман, нуқул қўл кўтариб, қарсақбозлик қилиб, муҳокама-ларга қўшилмасдан, «сизники маъқул», деб ижро этувчи ҳокимият органига маддоҳлик кайфиятида бўлган депутатлар ҳам йўқ эмас, — дейди фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Баҳодир Раҳмонов. —

Айнан шуларнинг «шарофати» билан ҳам депутатларга бўлган ишонч сусаяди. Яна бир тоифа борки, уларнинг профессионал савияси, ҳуқуқий саводхонлиги, депутатлик фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш кўникмалари бугунги кун талаблари даражасида эмас. Демак, депутатлар фаолияти учун зарур бўлган махсус энциклопедик мажмуа тайёрлаш, электрон ҳисоботларни ўқиш, электрон муносабат ва электрон овоз бериш тизимини жорий этиш зарурати бор. Агар маҳаллий Кенгаш сессияларида очиклик, шаффофлик ва сиёсий фаолликни кучайтиришни истасак, албатта, бу жиҳатларда онлайн режимда кўрсатилиши лозим. Баҳонада кўпчилик раҳбарлар ва халқ вакилларининг сиёсий савия ва билим даражалари ойдинлашарди.

* * *

Энди халқни кўркам суратлар, жимжимадор гаплар билан алдаб бўлмайди. Халқимиз демократияни ўз қадриятлари қаторига қўшишга тайёр. У энди кўр-кўрона бўйсунушни истатамайди, ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигининг асосий кафили бўлишига айланмоғи, парламент ҳақиқий халқ вакилларининг мажлисига айланмоғи, халқ эса ҳар соҳада фаолу ташаббускор бўлмоғи лозим.

Санжар ИБРОҲИМОВ,
журналист.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.



Ишсизлик — мамлакатимиздаги энг оғриқли муаммолардан бири. Қолган деярли барча йирик камчиликлар унинг оқибатлари, холос. Шуни ҳисобга олиб, ҳукумат турли дастурлар, кредитлаш, ўзини ўзи банд қилиш лойиҳалари орқали масалани ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Туман ва шаҳар аҳли бандлигига кўмаклашиш марказлари бўш иш ўринларини тақсимлашга кўмаклашмоқда. Аммо...

МЕХНАТ БИРЖАЛАРИ

«Ёғлиқ» иш ўринларини яширадими?

Аммо мазкур марказлар ҳамиша ҳам тўғри иш-ляптими? Улар фаолиятида одамларни иш билан таъминлаш учун ажратилган пулларни талон-торож қилиш, пора олиш, ойлик маоши кўп бўлган бўш иш ўринларини яшириш, иш берувчилар билан келишиб, бор штатларни ноқонуний йўқ қилиш каби ҳаракатлар учраб турибди. Мақоламуз юқоридагилар ҳақда.

Карантиндан кимлар фойда кўрди?

Бу воқеалар, айниқса, ўтган йили — одамлар карантин туфайли даромадларидан айрилган, қийналиб турган пайтда кўп содир бўлди.

— Дарҳақиқат, бандлик марказлари фаолиятида ноқонуний халти-ҳаракатлар ҳамон учраб турибди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлудахон Хўжаева. — Масалан, Косонсой тумани аҳоли бандлиги кўмаклашиш маркази масъул раҳбарлари одамларни иш билан таъминлаш учун давлат бюджетидан ажратилган 350 миллион сўмни айнан карантин пайти «туя» қилишганди. Бундан ташқари, улар 2019 йил пахта мавсумида 53 кишининг Сирдарё ва Жиззах вилоятларига пахта теримига юборилгани тўғрисида сохта ҳужжат қилиб, сохта имзолар билан 48 миллион сўмни ҳам ўзлаштирган.

Тўрақўрғон туманида эса соҳани янада «қўзи оч» раҳбарлар эгаллаб олган экан. Бу ерда бандликка кўмаклашиш маркази директори пахтага бормаган одамлар номига сохта

ҳужжат қилиб, 350 миллион сўмни ўзлаштириш билангина чекланмаган. Эл бошига тушган қулфатдан фойдаланиб, пандемия шароитида жамоат тадбирларига жалб қилинган фуқароларга иш ҳақлари жамоат ишлари жамғармасидан тўланиши белгиланганидан фойдаланиб, ушбу маблағларни ҳам ўзлаштириш пайига тушади. Президентимизнинг тегишли қарори эълон қилиниши билан у дарҳол яқинлари номига 6 та сохта фирма ташкил қилган. Фирмаларга, гўёки, пандемия даврида 179 нафар ишсиз жамоат ишларига юборилгани ҳақида сохта ҳужжатларни тузиб, яна 325,5 миллион сўм маблағни ўзлаштирди. Жиноий йўл билан топилган маблағлар ҳисобига 2 та «Lasetti» ва 2 та «Damas» русумли автомашиналарни сотиб олиб, легаллаштирган.

«Роддом» раҳбарлиги 30 минг доллар турадими?

Ҳуқуқ идоралари ва депутатлар кузатувлари, ҳисоботлари бандликка кўмаклашиш марказлари раҳбарлари пора олишдан ҳам қайтмаётганини кўрсатади. Масалан, Бектемир тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори танишини юқори лавозимдаги «дўстлари» орқали Тошкент шаҳридаги қўғруқ комплексларидан бирига раҳбар лавозимига тайинлатиб бериш учун 30 минг АҚШ доллари талаб қилган. Порахўр сўралган пулларнинг 10 мингини олганида қўлга тушди.

Шу ўринда юқоридаги саналганлар бандликка кўмаклашиш марказларида содир бўлаётган ноқонуний



ҳаракатларнинг айримларига эканини айтиб ўтиш лозим. 3 миллион нафарга яқин юртдошларимиз чет давлатларда меҳнат муҳожирлигида қийналиб, нон топаётган пайтда тизимдаги бу каби ҳолатларни нима деб аташни ҳам билмайсан киши.

Таклиф қилинган ишлар эҳтиёжни қондирмайди

Бундан ташқари, кўпчилик бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан таклиф қилинаётган ўринлар ўта кам маошли, ҳеч кимга керак бўлмаган лавозимлар эканидан нолийди.

— Тушлик учун кунига ўртача 15 минг сўм сарфласа, бир ойда 400 минг сўм атрофида бўлади, — дейди Нодира Камолова. — Йўлқира 80 мингдан ошади. Бошқа чиқимлар... Рўзғор харажатлари ва ҳоказо. Бандлик марказларида таклиф қилинаётган ўринларнинг маоши эса 700-800 минг, борингли, бир миллион сўмдан ошмайди. Бу шароитда ким ҳам ишлашга рози бўларди. Ҳозирги пайтда ўзи 10 миллион сўм маош ҳам рўзғор, болалар таълими ва тарбияси учун

етарли эмас. Аммо жилла курси, 2-2,5 миллион сўм ойлик бўлса ҳам ишлашга тайёрлар кўп.

Бу ўринда статистикадаги номувофиқликларга ойдинлик киритиш мумкин. Масалан, статистикага кўра, биргина Тошкент шаҳрида 75 мингдан кўпроқ бўш иш ўрни мавжуд. Иш қидираётган ва ишсизлик рўйхатида турганлар сони эса 110 минг нафарни ташкил этади. Бу ҳолат қаердан келиб чиқмоқда?

— Биз иш қидирганларнинг 100 фоиз бандлигини таъминлаш имконига эгамиз, — дейди Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ойгул Сатторова. — Лекин биз таклиф қиладиган ишлар бюджет ташкилотлари бўлиб, уларда хусусий корхоналарга нисбатан ойлик маошлар камроқ. Бизда кўпроқ халқ таълими, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим каби тизимда вақант ўринлар бўлади. Бу жойлар олий маълумот ва малака талаб этади. Келаётган ёшларни бу жойларга юбормоқчи бўлсак ёки малакаси етарли бўлмайди ёки маълумоти тўғри келмайди.

Ойлик маоши яхши бўлган ўринлар яшириладими?

Бундан ташқари, одамлар орасида бандликка кўмаклашиш марказлари ходимлари ойлик маоши кўп бўлган «ёғлиқ» иш ўринларини яшириши тўғрисида гапиришади. Гўёки, бандлик марказлари бу ўринларни «сотар» экан. Аммо марказ ходимлари бундай ҳолатлар мавжудлигини инкор қилишади. Бундай ҳолатлар корхона ва ташкилотларнинг ўзида учраб туради. Улар баланд маошли иш жойларини бандликка кўмаклашиш марказларидан яширишади.

— Ҳозир ягона меҳнат тизими яратилган ва у орқали идоралар текширилмоқда, — дейди Ойгул Сатторова. — Биз ишга йўллама берганимиздан кейин корхона рад қилса, буни асослаб бериши керак. Агар асоссиз рад қилсак, жой тўлиб қолди, дейдиган бўлса, жаримага тортилади. Мисол учун: яқинда туғруқхоналардан биринда тозалаш ишлари учун учта вақант борлиги маълум бўлди. Одам юборсак, жой тўлиб, деган ҳақибоб келди, биз буйруқ ва ишга олинган одамнинг ҳужжатларини сўраганимиздан кейин улар биз юборган одамларни ишга олишга мажбур бўлди. Бундай ҳолатлар ҳақиқатда учрайди.

Умуман олганда, бандликка кўмаклашиш марказлари мутасаддилари нима демасин, муаммо ўз ўрнида турибди. Миллионлаб ватандошларимиз чет мамлакатларда меҳнат муҳожирлигидан нон топмоқда. Юртимизнинг ўзида ҳам юз минглаб ёшлар ишсиз. Демак, тизимда жиддий ислохотлар ўтказиш фурсати етган.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Янги қонун билан сайловлар эндиликда октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланди.

КАДАСТР соҳаси қачон БАДАСТИР бўлади?



Бугунги кунда кадастр тизимига бир қанча янгиликлар киритилса-да, сохта кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ҳануз учраб турибди. Аҳоли ўртасида «исталган жойга пора бериб, кадастр ҳужжатини қилиб олиш мумкин», деган фикр ҳам йўқ эмас. Айрим ҳолларда шу орқали ҳам пулга, ҳам ҳужжатга куйиб қолаётган, шикоят қилиб, тўрт тарафга зир югураётганлар ҳам орамизда учраб турибди. Хўш, бу ҳолатлар қачонгача давом этади? Қачон сохта кадастр ҳужжатларига қарши кескин чоралар қўлланилади?

лик қилиш ҳуқуқи пайдо бўлмайди.

Ҳозирда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган кўчмас мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар вужудга келган, бошқа шахсга ўтган, бекор бўлган ёки кўчмас мулк объектининг ҳуқуқий ҳолати ўзгарганини тасдиқлаш юзасидан мурожаат қилинганда, ариза берувчига Давлат хизматлари марказлари орқали янги намунадаги пластик кўринишдаги кадастр паспорти берилмоқда.

Барча кадастр маълумотлари бир жойда ягона маълумотлар базасида сақланади. Смарт-карта ичидаги маълумотлар онлайн равишда базага уланган ҳолда кўрилади. Тез орада уй-жой билан узвий боғлиқ бўлган коммунал, солиқ, ипотека ва суғурта хизматларини смарт-карта орқали ишлатишни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Президент совғаси фирибгарлар тузоғига илдиндими?

Кадастр агентлигининг маълумотиغا кўра, ўтган йилнинг декабрь ойида тизим раҳбарларининг 61

фоизи аттестациядан ўта олмаган. Бу дегани, соҳада кадрлар муаммосини яхшилаб ўрганиб чиқиш зарур. Охириги икки йилда 122 нафар кадастр ходими жиний жавобгарликка тортилгани бунинг далилидир.

— Тан олиш керак, соҳада тўпланиб қолган муаммолар етарлича, — дейди **Ф.Тўхташев**. — Айни жиҳатдан тизимни жиддий ислоҳ қилиш бошланди. Шаффофликни таъминлаш, порахўрлик, бюрократик ҳолатларга чек қўйиш мақсадида тизимни тўлиқ электронлаштиришга катта эътибор қаратиляпти. Аҳолининг қўмита раисига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконини берувчи телеграм бот (@yugkuzbot) ишга туширилди. Мурожаатларни ўрганиш жараёнида лавозимини суиистеъмол қилиб, вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашётган, бу соҳада халққа хизмат қилиш эмас, балки бошқа мақсадда юрган раҳбар ва ходимлар лавозимидан озод этиляпти.

2020 йилда кадастр ходимлари билан боғлиқ 21 та коррупцион ҳолат аниқланган. Тизимда малакали кадрларнинг етишмаслиги, кадрларни жалб қилиш учун маблағнинг етарли эмаслиги, мавжуд маблағлардан самарали фойдаланишнинг йўлга қўйилмагани, таниш-билишчилик, маҳаллийчиликнинг авж олгани коррупцион ҳолатларни келтириб чиқарувчи омиллардир. Мисол учун, Тошкент шаҳрида жорий йил январь ойида кўп болали оилага «Президент совғаси» сифатида берилган уйга фирибгар-

лар томонидан сохта кадастр ҳужжати тайёрлангани аниқланган. Фирибгар кадастр ходимидан таниши борлиги ҳақидаги важларни келтириб, керакли микдордаги пулни етказиб келишни сўраган. Жиноятчилар миқозидан пул олаётган пайтда қўлга олинган.

Маълумотларга кўра, бундай ҳолатларнинг 70 фоиздан кўпроғи собиқ кадастр ходимлари томонидан содир этилмоқда. Масалан, 5 январда собиқ ходим 5 миң АҚШ доллари билан қўлга тушган. Унинг ҳужжатлари ўрганилганда, 2020 йил 25 июнда Меҳнат кодексининг 100-моддаси билан ишдан бўшатилгани аниқланган.

Нима қилмоқ керак?

Биринчи навбатда, соҳага етук кадрларни жалб қилиш, ходимларни муносиб иш ҳақи билан таъминлаш зарур. Бу тизимдаги кадрлар кўнимсизлигининг олдини олади. Лавозимга тайинлашда шаффофликни таъминлаш керак. Бунда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик каби омилларни бартараф этиш, танловни очиқ-ойдин амалга ошириш лозим. Ниҳоят, соҳага йўналтирилаётган маблағларни тўғри сарфланишини назорат қилиш шарт. Юқоридаги тақдирларнинг барчаси мавжуд муаммоларни бартараф этибгина қолмай, кадастр соҳасининг сезиларли ривож топишига ҳисса қўшади. Зеро, қачонки, ҳар бир соҳанинг ўз мутахассиси сидқидилдан ишлар экан, тизим ривожланади. Аҳоли ишончи ортади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Кадастр ҳужжати эгалик ҳуқуқини берадимизми?

Янги тартиб бўйича аҳоли ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилади. Бу эса аниқ маълумот ва статистика юритиш учун жуда зарур тизимдир.

— Айни пайтда мамлакатимиздаги 7,3 млн.га яқин мулкдор ва фойдаланувчиларга тегишли бино ва иншоотларнинг кадастр ҳисоби юритилади, — дейди



Кадастр агентлиги бошқарма бошлиғи Фарҳод Тўхташев.

Кадастр ҳужжати — техник ҳужжат. Авал, солиққа тортиш мақсадида шу каби ҳужжатлар қилиб берилган. Шу масала юзасидан кўп жойларга борганимизда, раҳбарлар ҳам кадастр ҳужжати яхши англамайди. Унда ёзиб қўйилганки, бу ҳужжат эгалик қилиш ҳуқуқини бермайди, бу — техник ҳужжат ҳисобланади. Агар ўша жой бирор шахс томонидан ҳокимнинг қарори ё тегишли олди-сотди ҳужжати орқали қўлга киритилмаган бўлса, унинг эга-

Кадастр паспорти бепул берилладими?

— Қандай ҳолларда кадастр паспортини расмийлаштириш бепул амалга оширилади?



Мурод ФАЙЗУЛЛОВ,
Давлат кадастрлари палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи:

— Кадастр паспортини расмийлаштириш кўчмас мулк объекти бўйича бирламчи кадастр йиғмажилди (пас-

МЕНДА САВОЛ БОР...

Н.ЭРГАШЕВА.
Тошкент шаҳри.

порти) мавжуд бўлиб, бегоналаштирилганда ёки объектда ўзгаришлар (реконструкция, қўшимча ва алоҳида қурилиш) мавжуд бўлмаганда, унинг бир қисми бегоналаштирилиши натижасида объектнинг қолган қисмига ёки реконструкциясиз тоифаси ўзгарганда ҳамда кадастр йиғмажилди (паспорти) йўқолганда (яроқсиз ҳолга келганда) бепул амалга оширилади.

Эндиликда Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари тузилмайди.

ЭҲТИЁЖДАН УЧ БАРОБАР КЎП ГАЗИМИЗ ҚАЕРГА ҚОЙИБ БЎЛЯПТИ?

Қиш ҳар йили халқимиз учун синовли давр ҳисобланади. Қишлоқларда яшовчи аҳоли совуқдан қийналади. Айниқса, мурғак болаларнинг муздек уйда қалин кийимларга ўралиб, дийдираб ўтиришини кўриб ачинасан, киши.

Бу кўп йиллардан буён давом этиб келётган вазият бўлсада, унга кўникишнинг иложи йўқ. Боиси мамлакатимиз улкан ерости газ захирасига эга бўла туриб, одамларимизнинг иссиқликка муҳтож бўлиши ғирт адолатсизлик бўлиб туюлади. Одамлар соҳа раҳбарларини сўкишдан чарчашмайди. Бу йилги қиш ҳам шу тарзда адоғига яқинлашаётир. Озгина вақтдан сўнг кейинги мавсумга қадар тизим вакилларнинг қуллоғи ҳам дам олади.

Албатта, бу муаммодан қутулишнинг йўли эмас. Шундай экан, одамларни энергетик манбалар билан таъминлаш учун нима қилиш керак? Жавоби битта: бошқа мамлакатдан сотиб келиш шарт эмас, Аллоҳ ато этган ўзимизда мавжуд газни халққа бериш керак. Бу шунчалик мушкул ишми? Энергетика соҳасига масъул тизим нега шунча йилдан бери бу масалага ечим тополмайди?

70 фоиз корхоналардаги ускуналар энергияни тежашга мўлжалланмаган

— Юртимизда қазиб олинаётган газ учта Ўзбекистонни таъминлашга етади, — дейди



Энергетика вазири Алишер Султонов. — Айтайлик, 95 миллион аҳоли яшайди-

ган Туркия йилига 45 миллиард куб метр газ истеъмол қилса, 35 миллион аҳолига эга бўлган Ўзбекистонда ҳам газ сарфи шунча миқдорни ташкил этади. Энергия самардорлиги бизнинг ширимиз бўлиши, тизимдаги асосий ислохотимиз энерготехнологияларни қаратилиши лозим. Буни болалардан бошлаб ўргатиб бориш талаб қилинади. Ҳар бир хонадонда ота-оналар фарзандларига ёшлагиданоқ сувни тежашни, уйдан чиқаётганида чироқни ўчиришни ўргатишса, уларда шунга кўникма ҳосил бўлади.

Ўзбекистондаги 70 фоиз корхона ва ташкилотларда энергияни тежашга мўлжалланмаган ускуналар ўрнатилган. Хонадонларга ва корхоналарга энергияни тежовчи ускуналар ўрнатилсагина, Ўзбекистонда энергия сарфини камида 3-4 баробарга камайтириш имконияти пайдо бўлади. Ҳозир шу жараён бошланди.

Тизимимизда ислохотларни қўйи поғонадан бошлаш керак. Энг асосий вазифа — тизимни тўлиқ рақамлаштиришга эришишдир. Бу жараёнга инсон омили аралашмаслиги зарур. Ҳеч қачон электромонтёр истеъмолчи билан учрашиши керак эмас. Бу газ ишлаб чиқаришдан бошлаб, у магистраль қувурларга жўнатилиб, истеъмолчи ишлатган

нига қадар рақамлаштириш жараёнини ўз ичига олади. Мисол учун, уяли телефони-миз ўчиб қолса, ҳеч қандай эътиросиз пулини тўлаб ёқамиз. Бизнинг тизимимиз ҳам шунга ўхшаш бўлади.

Талаб қилиш энергетика тизимининг вазифаси эмасми?

— Бугунги кунда халқимизга қарата газни тежаш ҳақида ваъз ўқиш жуда кулгили, — дейди блогер Камрон Турғунов. — Бор бўлса тежалмайди, йўқ нарсани қандай тежаймиз? Тўғри, корхона-ташкilotлар, завод-фабрикаларда тежамкор технологиялар йўқ. Нега йўқ? Уни талаб қилиш энергетика тизимининг вазифаси эмасми? Корхоналарга бориб, «бир ой ичида фалон марказдаги тежамкор техникани ўрнатмасанг, газдан узаман», дея талаб қўйилса, бу иш амалга ошади-ку. Қайтага бунинг акси рўй бергани эсимиздан чиқмайди. Икки йил илгари Мажбурий ижро бюроси туман бўлимларидан бирининг бошлиғи туман ҳокимининг шебен ишлаб чиқарадиган корхонасини электр токини ўғирлаётгани учун тармоқдан узоқчи бўлганида, уни тўхмат бўлганлар билан ишдан олишганди. Ваҳоланки, у ҳаммасини халқ кўзи олдида интернетда видеолари билан исботлаб берган.

Қувурларнинг ўтказувчанлик даражаси паст

— Газ тарқатиш тизимимизда берк ва халқа йўллар ҳаддан ташқари кўпайиб кетган, — дейди мустақил тадқиқотчи, муҳандис Гулбаҳор Султонова. — Газ қувурларининг ўтказувчанлик даражаси паст, траекториялари аксарият ҳолларда нотўғри, исроф ниҳоятда юқори. Босим беқарорлиги (соғда қилиб давление ўйнаши деймиз) бўйича таҳлиллар йўқ. Шу билан бирга, соҳадаги аксарият ходимларнинг қувурларга, умуман, тизим мулкига муносабати шу даражада ёмонки, ҳайрон қоласан киши.

Мутасаддилар муаммо аҳолининг газдан нотўғри фойдаланишида, дейишади. Хўш, одамларимизда танлов имконияти борми? Мисол учун, вилоят марказларидаги аксарият кўп қаватли уйларда иссиқлик тизими мавжуд эмас. Совуқ мавсум тўртбеш ойлаб давом этса, ўтин, таппи, кўмирдан фойдаланишнинг имкони бўлмаса, ғўзапоета, аҳоли нима қилсин?!

Капитал лойиҳаларни бошқариш тизими воқеликка тўғри келадими?

Энергетика вазирлигининг сайтида кўп

миллиардли инвестицияларни талаб қиладиган ўнлаб истиқболли инвестиция лойиҳаларини кўриш мумкин. Ушбу лойиҳаларнинг иқтисодий манфаатли экани баҳсли масала. «Ўзбекнефтгаз» АК ҳар йили мавжуд конларда газ қазиб чиқаришни ушлаб туриш ҳамда янги, айниқса, қийин бориладиган ҳудудларда жойлашган конларни разведка қилиш ва ўзлаштиришни ўз ичига олувчи йирик инвестицион лойиҳаларга миллиардлаб доллар сарфлайди. «Ўзбекнефтгаз»нинг иштаҳасини, ҳатто пандемия ҳам пасайтирмади. Табиий газ экспортга бўлган нархлар тушяпти, саноатнинг, айниқса, мамлакат экспорт салоҳиятининг 60 фоизгачасини берадиган кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ички эҳтиёжи эса қондирилмапти.

Соҳа экспертлари иқтисодиётдаги ҳозирги вазиятни ва лойиҳаларнинг ўзи объектив тарзда таваққалга асосланганини ҳисобга олган ҳолда, капитал лойиҳаларни бошқариш тизими ҳозирги воқеликка мутлақо тўғри келмаслиги билан изоҳлайди.

Хуллас, газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш билан таваққалга керакли чораларни кўриш лозим. Биринчи навбатда, истеъмолчига талаб қўйишдан аввал, газ қувурларини янгилаш, замонавий технологиялар асосида тақсимотни амалга ошириш лозим. Керагидан уч баравар кўп газимиз бўла туриб, 50 фоиз эҳтиёжимизни ҳам қондирилмасак, буни ақл қабул қилолмайди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

«Ijro.gov.uz» тизими орқали қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими жорий қилинади.

АДОЛАТСИЗ КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

Чорва — оила баракаси, дейишади. Чиндан ҳам, ҳовлисида битта соғин сигири бор рўзгорнинг дастурхони файзли, қўшимча даромадли бўлади. Шу боис оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида фуқароларга чорва молларини сотиб олиш учун арзон ва имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Улар БҲМнинг 150 бараваригача миқдорда, 3 йилга (6 ойлик имтиёзли давр), 14 фоизлик устама билан берилади.



Албатта, белгиланган фоизнинг бошқа кредит фоизларидан пастлиги, имтиёзли даврнинг мавжудлиги яхши. Бироқ кредит олиш учун керакли ҳужжатлар билан танишар экансиз, битта жиҳат — «мол етказиб берувчилар билан тузилган олди-сотди шартномаси» бўлиши кераклиги эътиборни тортади. Хўш, у нега керак? Кредит одамларга нақд ёки пластик картага ўтказиш йўли билан берилмайдими? Маблағ қарзга берилаётган бўлса, фоизи билан қайтарилса, нега аҳоли чорва молларини аниқ белгиланган таъминотчидан олиши керак, уни ўзи истаган жойдан сотиб олса бўлмайдими?



қамига ўтказилиши шарт. Хўш, бу жиҳат ҳисобга олинса, кредитнинг арзонлиги ўз аҳамиятини буткул йўқотмайдими?

Чунки ўша аввалдан белгиланган хўжалик субъекти товарни нисбатан ва баъзида каррасига қиммат нархларда сотади. Бундан келиб чиқадики, чорва моллари бозорда 10 миллион сўмни ташкил қилсаю, таъминотчига пул ўтказиш йўли билан тўлов қилинган учун чорва молларининг нархи ўз-ўзидан 15-20 миллионга айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу ўринда яна бир жиҳатга эътибор бериш керак: маҳсулот сифати талабга жавоб берадими? Дейлик, шунча суммага олинган чорва молларининг соғломлиги, эртага яшаб кетишига ким жавоб беради?

Биргина мисол: аввалроқ Шаҳрисабз шаҳрида яшовчи У.Қодиров туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилиб, 26 млн. 880 минг сўмга сотиб олинган зотли қорамолларнинг энг йириги касаллик туфайли нобуд бўлганини маълум қилган. Ветеринар врач томонидан молнинг ўлимига ундаги турли касалликлар сабаб бўлгани қайд этилган бўлса-да, таъминотчи зарарни тўлашдан бош тортган. Федерация аралашуви билангина истеъмолчига етказилган қарийб 6 миллион сўмлик зарар қоплаб берилган.

— Юқоридаги каби мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин, — дейди **Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари**

федерацияси мутахассиси Шаҳбоз Абдусатторов. — Аслида, Президентнинг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сонли қарорига асосан, дастлаб шартнома асосида кредит олувчига маҳсулотлар (масалан, қорамол) етказиб берилиши, агар у маҳсулотдан қаноатланиш ҳосил қилса, шундан сўнггина тегишли маблағлар банк томонидан таъминотчининг ҳисоб-рақамига ўтказиб берилиши керак. Афсуски, ҳамма жойда ҳам иш шу тартиб асосида ташкил этилмаяпти. Натижада айримлар нобуд бўлган қорамол учун кредит тўлашга мажбур бўлаётгани ҳам бор.

лиги ҳамда банк томонидан пул маълум бир ферманинг ҳисоб-рақамига кўчириб берилиши Ҳукумат томонидан белгиланган. Банк бу ерда фақат ижрочи.

Таъминотчи ҳам баъзан «югуриши»га тўғри келади...

Айни жараёнда танганинг иккинчи томони ҳам кун тартибига чиқади: ҳокимлик томонидан белгиланган агрофирма ва фермерларлар ҳам баъзан ортиқча «югур-югурлар»га дуч келади. Мисол учун, «урра-уррачилик» билан ҳокимлик топшириғига кўра, улар фуқароларга чорва молларини тарқатади. Уч томонлама шартномалар тузилиб, чорва пуллари банк томонидан қопланиши керак бўлса-да, айрим ҳолларда қарсақлар билан ўтган тадбирлардан сўнг пуллардан дарак бўлавермайди. Боз устига, улар аҳолидан чорвани қайтариб олай, деса, одамлар бунга розилик бермайди, баъзилари эса уларни пуллаб ҳам улгурган бўлади...

Қисқаси, ёзаман деса, гап кўп. Бундай ишлаш орқали ривожланиб бўлмайдми. Ривожланиш учун ҳақиқий бозор иқтисодиёти керак. Қолаверса, тадбиркорликка кириш арзон ва имтиёзли кредитлар орқали рўй берадими, тадбиркорлик қобилияти бор субъект росмана бозор шароитидагина ўзини намоён қилади. Бозор қоидалари асосида пайдо бўлмаган ва маъмурий йўл билан рағбатлантирилаётган ҳар қандай лойиҳанинг бош мақсади — пул ишлаш, ҳудда-беҳудда маблағ сарфлашдан иборат бўлиб қолаверадими. Халқимиз изланувчан, шароит яратилса, ўз бизнесини ўзлари яратади. Бунда ҳокимлик ва яна қайсидир ташкилотларнинг аралашуви умуман керак эмас.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»

Нега кредитга бозордан мол олиб бўлмайди?

Дарҳақиқат, дастур доирасида берилаётган кредит қайсидир таъминотчига пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Кўпинча бу вазиятдан ҳам «уддабурон тадбиркорлар» унумли фойдаланиб қолаётгани бор гап. Зеро, кредит маблағи айнан ҳокимлик рўйхатидан ўтган агрофирма ёки фермер хўжалиги ҳисоб-ра-

Таъминотсиз микрокредит кимларга ажратилади?

— Касб-хунар ва тадбиркорлик курсларини тугатганларга таъминотсиз микрокредит ажратилиши ростми?

МЕНДА САВОЛ БОР...

Умида СОЛИЕВА.
Сурхондарё вилояти.

Зафар РАҲМОНОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Давлатимиз раҳбарининг «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил

этиш учун 33 миллион сўмгача микрокредитлар таъминотсиз ажратилади.

Микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга эса учинчи шахс кафилиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, асосида 225 миллион сўмгача микрокредитлар ажратилади. Бунда микрокредитлар 3 йил муддатгача 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида берилади.



Бозорга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ёки кийим харид қилганингизда савдони банк карталарида амалга ошириш, афсуски, ҳамон қийин масала бўлиб қолмоқда. Аҳоли эса хариди учун тўловни ноилож нақд пулда амалга оширмоқда. Сабаб нимада? Тадбиркорлик субъектларида тўлов терминаллари йўқми?



Тадбиркорлар

ТЕРМИНАЛДА НЕГА САВДО ҚИЛМАЙДИ?

Аслида, республикамизда чакана тўлов тизими инфратузилмасини кенгайтириш ҳамда тўловларни осон амалга ошириш мақсадида «HUMO» ҳамда «UZCARD» тизимидаги банк карталари ҳамда терминаллари жорий қилинди. Дастлаб амалиётга татбиқ этилган «UZCARD», монополияга айланиб қолмаслиги учун унга рақобатчи сифатида «HUMO» карталари тақдим этилди. Шунга мос равишда икки турдаги терминаллар тадбиркорларга тарқатилди. Аммо натижаси кутилганидек эмас...

– Аҳоли учун қулай тўлов хизматларини жорий қилиш бўйича тўлов терминаллари инфокиоскалар тармоғи ҳамда банкоматлар жорий қилинди, – дейди Марказий банк Тўлов тизимлари департаменти директори Улуғбек Маҳмудов. – Хусусан, 44 мингта тўлов терминаллари тадбиркорлик субъектларига тарқатилган. Шунингдек, банкларда 130 мингдан ортиқ терминаллар захираси ҳам шакллантирилган. Ўтган йил ҳисобида терминаллар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми ортди. Жойларда 11 мингдан ортиқ банкомат ва инфокиоскалар ўрнатилган. Бироқ барча терминаллар ҳам фойдаланилаётгани йўқ. Тижорат банклари ҳамда солиқ инспекцияси билан биргаликда мониторинг қилинган

нида тақдим этилган тўлов терминалларининг 55 фоиздан фойдаланилмаётгани маълум бўлди. Тўлов терминали бўлса ҳам ишлатишни истамайдиган тадбиркорлар борлиги аниқланди.

Тадбиркорнинг зарарига хизмат қилади

Хўш, нима сабабдан тадбиркорлар терминалда савдо қилишни иштамайди? Нега нақд пулни афзал кўришади? Жавоби оддий, ҳисоб рақамидаги маблағдан фойдаланишда улар бир қанча қийинчиликларга учрайди.

Биринчидан, тадбиркор ҳам товар сотиб олади, ҳам тўловни нақд пулда амалга оширади. Агар электрон шаклда тўлов қилмоқчи бўлса трансляцияси учун маълум миқдорда фоиз ҳисобланади. Демак, бу унинг зарарига хизмат қилади. Иккинчидан, пулни нақдга айлантириш ҳам фоизда бўлиб, ҳар 100 минг сўмдан 1000 сўмини йўқотади. Табиийки, кўпчилик учун бундай йўқолишдан кўра нақд пулда савдо қилиш фойдалироқ.

– Терминалнинг ишлаши учун, аввало, сим-карта ва интернет ҳаводек зарур, афсуски, интернет билан боғлиқ муаммолар кўп, – дейди исмини сир сақлашни сўраган сотувчи.

– Кўпчилик харидорлар терминал сўрашади, ваҳоланки унинг ишлаши учун интернет яши эмас. Бори ҳам жуда секин ишлайди, баъзан функцияни яқунлай олмайди. Натижада, харидорлар билан тушунмовчиликлар юзага келмоқда.

Биз ҳам харидорларни йўқотишни истамаймиз, лекин ишлаши секин бўлган бу каби тўлов тизими бизга ҳам фойда келтираётгани йўқ. Ҳар ой иккита терминал сим-карталари учун алоҳида тўлов қиламиз, бироқ интернет ва алоқа антенналари муаммоси сабабли кўнгилдагидек ишлата олмаймиз.

Тадбиркорлар зарарига хизмат қиладиган, ишлатиб бўлмайдиган ёки ишлатиш исталмайдиган тўлов терминаллари нима кераги бор? Фақат текширув келганда кўрсатиш учунгина олинандими?

Саводхонлик керак...(ми?)

– Бу борада аҳолининг молиявий саводхонлигини ҳам ошириш зарур, – дейди Улуғбек Маҳмудов.

– Яъни терминали бўла туриб ишлатишни истамайдиган тадбиркорлардан харидорлар талаб қилишни билиши керак. Терминалда савдо қилишни истамаган тақдирда бу ҳақида ишонч телефонларига кўнгириқ қилиб, маълумот бериш ёки мурожаат қилиш мумкин. Аслида, «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонуннинг 36-моддасида «Товарлар ва хизматларни чакана реализация қилишни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар тўловларнинг банк карталаридан фойдаланган ҳолда қабул қилинишини таъминлаши шарт», дейилган. Шунингдек, Солиқ кодексининг 221-моддасида назорат-касса техникасини ва ҳисоб-китоб терминаллари қўллаш тартибини

бузиш жаримага тортилишга сабаб бўлиши айтилган. Шундай экан, мижоз талаб қилишни билиши керак.

Назорат-касса техникасининг ёки ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилиши мажбурий бўлгани ҳолда уларни қўлламасдан савдони амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш 5 миллион сўм миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талон, чекларни ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш учун ҳам жаримага тортилади. Ҳисоб-китоб терминаллари орқали тўловларни қабул қилишни рад этган шахсларга ҳам бу қонун амал қилади.

Сиз нима дейсиз?

Талаб қилиш ўз йўлига, бироқ бозор ёки дўконга кирган харидор рўзғори учун зарур маҳсулотларни сотиб олади. Ўша маҳсулот жуда керак бўлсаю, сотувчи «Кечирасиз, бизда терминал йўқ, терминализмиз ишламай қолди» сингари жавоб қилса, у ҳолда талаб қилишни билса ҳам, билмаса ҳам харидор нақд пулда тўлов қилишга мажбур бўлади.

– Бозорга боришдан олдин банкоматлардан пулимни нақд қилиб оламан, – дейди тошкентлик Ҳилола Алланазарова. – Сабаби пластик карталар орқали харид қилиш қийинчилик туғдиради. Дўкон эгалари қайси турдаги картангиз борлигини билиб

олиб, «менда у эмас, бошқаси бор», дея баҳона қилишади ёки бошқа дўконни кўрсатиб юборишади. Ортиқча сарсон бўлмаслик учун ҳам нақд пулда савдо қилишга мажбурмиз.

Сотувчининг нега бундай баҳоналар тўқиши зарарига ишламаслик учундир эҳтимол. Аммо бундан фақат аҳоли жабр чекиб, қолмаётими? Ахир улар ҳам банк картадаги пулни нақд қилиш учун 1 фоизлик йўқотиш қилади-ку... Шусиз ҳам камбағаллик ва моддий етишмовчиликлардан азият чекаётган аҳоли учун ҳар бир сўмнинг кадри бор. Тўғридан-тўғри қилиш ва хизматлар кўрсатиш учун ҳам жарима нарса олиши мумкин-ку?

* * *

Бу каби муаммолар қачон барҳам топиб, халқимиз нақд пулсиз юра оладиган бўлади? У.Маҳмудовнинг айтишича, яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича халқаро экспертлар кўмағида республикада узоқ муддатли нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Бугун банк карталари орқали тўловни амалга ошириш имконини берувчи онлайн ККМ назорат касса машиналари тарқатилмоқда экан. Бироқ уни амалиётга тўлиқ жорий этиш, одамларнинг кўникмасини шакллантириш муайян вақт талаб этишини ҳисобга олсак, аҳолини сарсон қилаётган бу каби салбий ҳолатлар ҳали-бери барҳам топадиганга ўхшамайди.

Ноилахон АҲАДОВА
«Mahalla»

«Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун Президент томонидан имзоланди.

Имтиёз ва имконият бўлса, НЕГА ТАДБИРКОР СОЛИҚДАН ҚОЧАДИ?



Иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун тадбиркорларга имтиёз ва имкониятлар берилиши билан бирга, уларнинг солиқ тўловларини ҳам тартибга солиш керак. Улар солиқларни ўз вақтида тўлаши, қонунларни «айланиб» ўтмаслиги зарур. Маълумотларга кўра, тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларини ноқонуний камайтиришга қаратилган шубҳали битимларни амалга оширган 396 та тадбиркорлик субъекти огоҳлантирилган. Хўш, қандай битимлар шубҳали ҳисобланади? Тадбиркорлар қонунни четлаб ўтишга уринишининг сабаби нимада?

Қандай битимлар шубҳали ҳисобланади?

— Солиқларни ноқонуний камайтиришга қаратилган шубҳали операцияларни амалга оширган корхоналарни аниқлашнинг мезони бор, — дейди **Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Мирзиёд Маҳкамов**. — Масалан, тадбиркорлик субъекти юридик манзиллини бир йил давомида уч ва ундан кўп ҳудудга ўзгартириши шубҳали ҳисобланади. Шунингдек, фаолият бошлаган даврдан бошлаб, қисқа муддатларда йирик миқдорда товар айланмасини амалга ошириб, расмий ишлаётган ходимлар сонини кам кўрсатиши, солиқ мажбуриятини бажармаган субъектларни ўзига қўшиб олиш натижасида банкротлик эълон қилиши, тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаларни камайтириши, шубҳали корхоналар рўйхатига киритилган субъектлар билан бир неча мар-

та операцияларни амалга ошириш шу мезоннинг ўлчовлари ҳисобланади.

Тадбиркор нега солиқдан қочади?

Тадбиркорларнинг айтишича, бизда улар тўлайдиган солиқлар сони кўп. Масалан, МЧЖ очган тадбиркор тушган пулдан 4 фоиз, шунингдек, ижтимоий тўлов учун 12 фоиз солиқ тўлаши керак. Шунинг учун кўпинча ишбилармонлар тўловдан қочиш йўлларини ахтаради. Бундан ташқари, айрим ҳудудларда, айниқса, олис туманларда ҳокимликлар томонидан ишбилармонлар ҳомийликка ихтиёрий-мажбурий жалб этилади. Агар мутасаддининг айтганини бажармаса, фаолиятида тўсиқларга учрашини билиб, улар бирон жойга мурожаат ҳам қилмайди.

Нима бўлган тақдирда ҳам қонун доирасида иш қўрилиши керак. Чунки пул айланмасини янада кўпай-

тириш ниятида атайлаб солиқдан қочишни ўйлайдиган ёки қонундан хабарсиз ишбилармонлар ҳам йўқ эмас. Шу боис ишбилармон, аввало, қонунларни пухта ўрганиши керак.

— Таъкидлаш керак, шубҳали корхоналар рўйхатига киритилган 396 та корхона ва уларнинг 10 мингга яқин контрагентларига тегишли хабарномалар юборилган, — дейди **М.Маҳкамов**. — Агарда улар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим қилсалар ҳамда ҳисобланган солиқ суммаларини тўласа, ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқмаслиги ва мазкур рўйхатдан чиқариш имконияти пайдо бўлади. Мазкур рўйхат тадбиркорлар ва аҳоли орасида қонуний бизнес юристининг нуфузини ошириш ҳамда ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан мурасасизлик ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади.



Кўчманчи тадбиркор солиқдан қочган ҳисобланадими?

— Ўтказилган ўрганиш ва таҳлил натижалари тадбиркорлик субъектлари ўртасида солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлашнинг ҳудуддан-ҳудудга кўчиш ёки бошқа субъектга қўшилиш каби схемалари бугунги кун амалиётида жуда кенг тарқалганини кўрсатди, — дейди **М.Маҳкамов**. — Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 декабрдаги 763-сон қарорига асосан, «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомга ўзгартиришлар киритилди. Унга мувофиқ, эндиликда бажарилмаган солиқ мажбурияти мавжуд тадбиркорлик субъектларининг юридик манзиллини ўзгартириш билан боғлиқ қайта рўйхатдан ўтиши солиқ органининг электрон хулосаси асосида амалга оширилади.

Бунда корхоналар БҲМнинг 300 баравари (73,5 млн. сўм)дан ортиқ солиқ қарзи мавжудлиги, солиқ ҳисоботлари белгиланган муддатларда топширилгани каби мезонлар бўйича текширилади. Агар тадбиркорлик субъекти мезонларнинг барча банди бўйича солиқ мажбуриятини бажарган деб топилса,

қайта рўйхатдан ўтказилади. Аксинча бўлса, қарздорлик бартараф этилгач, қайта рўйхатдан ўтиш бўйича Давлат хизматлари марказларига такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу тартиб 2021 йил 2 мартдан бошлаб қучга қиради.

Хулоса ўрнида

...Банкда ишлайдиган таъминот билан манзиллини ўзгартирган тадбиркорлик субъектини топиш учун тегишли маҳалла идорасига бордик. Кредит қарзини тўламаган тадбиркорни кўрсатилган манзилдан топишнинг имкони бўлмади. Маҳалла раисидан эса: «Бизда ундай тадбиркор йўқ», деган жавобни олдик. Янги тизим мана шундай ҳолатларда «кўринмас одам»га айланиб қоладиган ишбилармонларга тўғри йўлни кўрсатиб қўйса, не ажаб.

Ёдингизда бўлса, бундан икки йил аввал Давлат солиқ инспекцияси ходими тадбиркорга тамаки ва спиртли маҳсулотлар билан ноқонуний савдо қилишида раҳнамоликни таклиф этиб, эвазига 300 доллар сўраган эди. Қарс икки қўлдан чиққани каби солиқ тизимида ишлайдиган мутасаддилар ҳам бу борада ўз вазифасига ҳалол ёндашиши зарур.

**Боборавшан
ҒОЗИДИНОВ**
«Mahalla»

Миттилик касалига чалинганлар имтиёзли пенсияга чиқадими?

— Миттилик касаллигига чалинган шахслар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгामी?

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нуридин АЛИЕВ.
Сурхондарё вилояти.


Сурайё ҒАФФОРОВА, Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Албатта, Пенсия жамғармаси ҳисобида туриб миттилик (пакана) касаллигига чалинган шахслар имтиёзли пенсияга чиқиши мумкин. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида, гипофизар миттилик касалига чалинганлар (лилипутлар) ва гавада тузилишида мутаносиблик бузилган паканалар, эркаклар иш стажини камида 20 йил ва аёллар иш стажини камида 15

йил бўлган тақдирда умумий пенсияга чиқиш ёшини 15 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли равишда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши назарда тутилган (эркаклар – 42 ёшдан, аёллар – 25 ёшдан).

Қонуннинг 7-моддасида, умумий асосларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда иш стажини камида 25 йил ва аёллар 55 ёшга тўлганда иш стажини камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Банк тизими — давлат иқтисодиёти учун муҳим роль ўйнайдиган соҳа. Шу боис ушбу тармоқни ривожлантириш мақсадида уларни хусусийлаштириш борасида ишлар олиб борилмоқда. Аммо бизни бошқа бир масала, яъни банкларни хусусийлаштиришдан оддий одамларга бирон наф борми, деган савол қизиқтиради. Миллий тажрибада аввал ҳам «шахсий» банклар бўлган, янгилари улардан нимаси билан фарқ қилади?



БАНКЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШДАН ОДАМЛАРГА НИМА НАФ?

Қайси банклар хусусийлаштирилади?

Бугунги кунда давлат иштирокидаги банкларнинг мижозга йўналтирилганлик даражаси оширилмоқда. Ушбу вазифалар орасида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш ва тизимда давлат улушини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, улар давлат иштироки сақлаб қолинадиган ҳамда хусусийлаштириладиган банкларга ажратилди.

Банкларни хусусийлаштириш жараёни босқичма-босқич, яъни биринчи босқичда давлат улуши мавжуд бўлган банклар фаолиятини трансформация қилиш, иккинчи босқичда эса давлат акцияларини нуфузли хорижий инвесторларга сотиш

орқали амалга оширилади. Бу жараёнда ҳосил бўладиган иқтисодий бўшлиқларни тўлдириш, яъни барча аҳоли қатламларининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, банк хизматларининг ҳудудий қамровини таъминлаш мақсадида давлат иштироки учта банкда — Миллий банк, «Агробанк» ва «Микрокредитбанк» да сақлаб қолинади. «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асака банк», «Ипотека-банк», «Алоқа-банк», «Туронбанк» ҳамда «Қишлоққурилишбанк» хусусийлаштиришга тайёрланмоқда. Шунингдек, камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилиши кўзда тутилган.

Давлатнинг аралашуви чек қўйилади

Бу орқали банк секторига давлатнинг юқори даража-

даги аралашуви сезиларли равишда чек қўйилади. Бугунги вазият эса молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатишни талаб қилмоқда.

— Тўғри, республикамизда хусусий банклар шу кунгача ҳам бўлган, — дейди **Марказий банк департамент директори Акмал Назаров**. — Бироқ уларнинг банк хизматлари бозоридаги улуши бор-йўғи 15 фоизни ташкил этади. Тизимда давлат улушининг юқори миқдорда сақлаб қолиниши умумий ривожланиш ҳамда молиявий воситачи сифатида самардорлигига салбий таъсир кўрсатади. Давлат иштирокидаги банкларнинг халқаро молия институтлари кўмагида трансформация қили-

ниши ва хорижий стратегик инвесторларга сотилиши корпоратив бошқарув ва риск-менеджмент тизимини такомиллаштиради. Пировардида, халқаро тажрибага эга иштирокчилар билан бир қаторда, банк тизимида янги технологик ечимлар кириб келади. Уларнинг бизнес-модллари ўзгариб, мижозларга йўналтирилганлик даражаси ортади.

Кредитлар фоизи ҳам турлича бўладими?

Хусусий банклар сонининг кўпайиши тизимда рақобат муҳитини кучайтиради. Кучли рақобат мавжуд бўлган бозорда хизматларнинг сифати яхшиланади, нархлар арзонлашади. Маҳсулот ва хизматларнинг янги турлари пайдо бўлиб, масофавий банк хизматлари кўлами кенгайиб боради. Бундан эса, ўз навбатида, тадбиркорлар ва оддий аҳоли ҳам манфаат кўради. Бу дунё тажрибасида синалган усул.

— Банклар нега тўлиқ сотилади, дейдиган бўлсак, банк тизимига янги қарашлар, билим ва кўникмалар олиб келадиган инвестор керак, — дейди **А.Назаров**. — Тўғриси, ҳозирга қадар бу борада кўп ҳаракатлар бўлди. 10-20 фоизини сотишга уринишлар яхши самара бермади. Мантқан ўйлаб кўрилса ҳам, инвестор мулкнинг 20 фоизини олсаю, қолгани бошқа одамнинг қўлида бўлса, хорижлик инвесторнинг ишончи бўлмайди. Шу боис банкни тўлиқ сотиш керак. Бунда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати янада қулайлашиб, арзонлашиши кутилмоқда. Шунингдек, банклар-

нинг инвестициявий жозибадорлиги, хизматларнинг оммабоплиги ва сифати ортади. Ҳудудларга кириб бориши кенгайиб, барча аҳоли пунктларида турли молиявий хизматлар кўрсатилиши таъминланади. Бир сўз билан айтганда, энди банклар мижоз учун курашади.

Бунда биринчи галда ихчам банк хизматлари ташкил этилиши керак. Бу — асосий қисми хизмат ҳодимларидан иборат бўлган банк. Айни пайтда ҳудудларда 702 та худди шундай хизмат офислари ташкил этилган. Янги замонавий хизмат турлари яратилапти. Мисол учун, мобиль илова орқали кредит олиш мумкин. Бу эса мижозга сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга, вақтни ҳам тежайди. Мижоз овора бўлиб, банкка келиб-кетиб юрмасдан, илова орқали кредит олиши ва тўлов қилиши мумкин. Бундай хизмат турларини кенгайтириш борасида турли лойиҳалар тайёрланган.

Қолаверса, хусусий банкларда, биринчи галда, рақобат бўлади. Мижоз, албатта, тартибли ва ишончли хизмат турини, демакки, шундай банкни танлайди. Бунда ўз-ўзидан банклар фаолиятини баҳолаш мумкин. Оддий аҳоли учун фоизи кам ва узок муддатли кредит турлари ёки қарз бериш схемалари ишлаб чиқилади. Бир сўз билан айтганда, бу тизим энди йўлга қўйиларти, янгича усул қандай самара беришини эса вақт кўрсатади. Халқимиз эса доимо ўзи учун энг қулай воситачини танлашга ҳаракат қилиши тайин.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Микроқарзни қандай олиш мумкин?

— Микроқарзлар кимларга ва қанча миқдорда ажратилади? Уларни нақд кўринишида олиш мумкинми?



Санжар НОСИРОВ,
Марказий банк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш методологияси департаменти директори:

— Микроқарзлар банклар ва микрокредит ташкилотлари томонидан тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида фақат жисмоний шахсларга тақдим этилади. Унинг миқдори қарз олувчининг тўлов қобилиятига боғлиқ, аммо сумма 50 млн. сўм-

МЕНДА САВОЛ БОР...

Н.СОБИРОВА.
Сирдарё вилояти.

дан ошиб кетмаслиги керак. Микроқарз миллий валютада нақд ёки банк картасига ўтказиш орқали тақдим этилади. Шу билан бирга, банк картаси дебет ёки кредит картаси бўлиши мумкин. Нақд пулсиз шаклда олинган микроқарз банк картасидан фойдаланиш орқали товар, иш ва хизматлар учун тўлаш имконини беради.

Микроқарз бериш шартлари ҳақидаги маълумот билан банклар ва микрокредит ташкилотларининг расмий веб-сайтлари ёки уларнинг офисларига ташриф буюриш орқали танишиб чиқишингиз мумкин.



МАСЪУЛЛАР

нега ўзини қийналган одамлар ўрнига қўйиб кўрмайди?

Нукус тумани — Қорақалпоғистон Республикаси марказидан унча узоқ эмас. Шу боис Нукус шаҳрида юз бераётган ижобий ўзгаришлар бу туманни ҳам четлаб ўтмайди. Бироқ шундай деймиз, бунинг акси бўлаётган ҳолатларни кўриб, таъбимиз хира тортади. Айрим жойларда газ босимининг пастлиги, канализация муаммолари, ичимлик ва томорка суви танқислиги, йўлларнинг носозлиги, болалар боғчаси етишмовчилиги сингари кўплаб муаммолар туман маркази билан унчалик яқин эмасдек таассурот уйғотади.



деган ҳадик ҳам йўқ эмас. Ахир «қувурни машиналар синдириб кетган», деган гапнинг ўзиёқ одамни ўйлантиради-да!

Олис овулда боғча қачон қурилади?

Жийдали аҳолиси билан сўхбатлашар эканмиз, улар аҳоли учун нафақат ичимлик суви, балки томорқа еридан фойдаланиш учун ҳам оқова сувнинг яроқсизлиги, уйларнинг ёнгинасидан ўтган кичкина каналга носос қуриб бериш бўйича ваъдалар қилинган, унинг ижроси бажарилмаётгани, шунингдек, бу ерда боғча ёшидаги 200 нафардан зиёд бола борлиги, улар туман марказидаги боғчаларга боришга мажбур бўлаётгани, шу боис ҳудудда болалар боғчасини ҳам ташкил этишга зарурат борлигини айтишди.

Масъуллар нима дейди?

Икки йил бинойидек оқиб турган сувнинг бирдангина тўхтаб қолиши ва Жийдали аҳолисининг «водопровод» суви билан қачон таъминланиши бўйича саволимизга жавоб излаб, Нукус тумани сув таъминоти бўлими бош муҳандиси Амангелди Мамбетниязов билан боғландик.

— Мактаб атрофида катта қурилиш ишлари олиб борилганда, оғир юк ташийдиган машиналар бу ердаги қувурларни ёриб юборган, — дейди **А.Мамбетниязов**.

— Шу боис «водопровод» суви тўхтаб қолган. Бугунги кунда туманнинг 80 фоиз аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун 2,5 км.ли ичимлик сув тармоғи тортилади. Бу борада қурилиш ташкилотлари иштирокида тендер ўтказилиб, ғолиб ташкилотлар аллақачон ишга киришган.

Берилган ваъдаларни эшитиб, биз ҳам қувондик. Масала тез орада ижобий ҳал этилиши ҳаммани қувонтиради, албатта. Лекин ваъда беришга ўрганиб қолган мутасаддилар бу сафар сўзида турадимиз,

ичимлик суви йўқлигидан жабр чекиб келмоқда. Ўтган асрнинг 80-йилларида ҳудуд чеккасига қувур тортилган, лекин негадир бу сув кўп ўтмай келмай қолган. Одамлар эса тегишли идораларга мурожаат қилавериш чарчашган. Муаммога эътибор қаратилмагач, хонадон эгалари ер ости кранлари қазиб, сув чиқаришган. Бу сув ичишга яраш-ярамаслиги бўйича ҳеч кимда маълумот йўқ. Аммо кранларнинг аксариятидан шўр сув чиқиши аниқ.

— Кўпчилик шу босма кран сувидан фойдаланмоқда, — дейди **шу ерда яшовчи Гулсара Тилепова**. — Бу сув соғлигимга зиён етказаяётганини билгач, мана, неча йилдирки кўшни маҳалладаги «водопровод» сувидан ташиб келяпмиз. Айрим оилаларда олтишдан ўтган она-

хонларнинг ўзлари сув ташиб келишга мажбур. Чунки шўр сувдан ичаверсак, охири бир кун касал бўлиш ҳеч гап эмас. Туман ҳокимлигига қилган мурожаатларимиз эътиборсиз қолди. Улар дардимизни эшитиб, муаммони ҳал қилиш бўйича ваъда беришдан нарига ўтмаяпти.

Ҳудудда айна пайтда 286 та хонадон бор. Уларнинг барчаси сувсизлик муаммосини шундай энгишга ҳаракат қилмоқда. Ачинарлиси, 6-умумтаълим мактаби ёнгинасидан «водопровод» қувури ўтган, аммо сув йўқ. 2019 йилда бир муддат келган сув негадир қуриб қолган. Муассаса директори Оразгул Таированинг айтишича, ўқувчилар сувни ўзлари билан олиб келишга мажбур.

Туман аҳолиси мазкур муаммоларга ечим излаб, мутасаддиларга бот-бот мурожаат қилмоқда. Лекин бунинг барчаси бесамар кетяпти. Гўё масъулларнинг «кўзи кўр, қулоғи қар» бўлиб қолгандай. Жумладан, ҳудуддаги Баканшаклы овул фуқаролар йиғинида жойлашган Жийдали овули аҳолиси ҳам бизга ичимлик суви ва коммунал хизматдаги муаммолар ҳақида мурожаат қилди.

«Шўр сувдан ичишга мажбурмиз»

Бу овул туман марказидан бор-йўғи 300-400 метр узоқда жойлашган. Аммо ҳудуд марказдан 30-40 йил ортда қолиб кетгандек. Тўғри, овул аҳолисининг газ, электр энергиясидан муаммоси йўқ. Лекин анча йиллардан бунён

«Давлатга валюта сотишга мажбурманми?»

— Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб, товарларимизни экспорт қилмоқчимиз. Бироқ танишларимнинг айтишича, бунда валюта тушумининг бир қисмини давлатга мажбурий сотишим керак экан. Шу тўғрими?



Нурбек САЛОМОВ,
Давлат божхона қўмитаси масъул ходими:

— Йўқ, бу хато фикр. Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қувончбек ДЎСТУРОДОВ.
Тошкент шаҳри.


биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» фармони асосан, 2017 йил 5 сентябрдан мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинган. Шундай экан, бу борада сизнинг фаолиятингизга бирорта мажбурлов чоралари қўлланилмайди.

— Ҳудудимизда яшовчи 7 минг 700 нафардан зиёд аҳоли 12 та овулда истикомат қилади, — дейди **ийғин раиси Сабир Тўрекеев**. — Уларнинг 50 фойдасидан кўпроғида ичимлик суви танқислиги мавжуд. Шунингдек, газ, сув, йўл ва болалар боғчаларининг етишмовчилиги бўйичада келиб тушган мурожаатларни тегишли ташкилотларга юборганмиз. Келиб ўлчаб, лойиҳаларини чизиб кетишди. Босқичма-босқич ҳаммасини амалга оширилишига ваъда беришмоқда.

Мазкур масала бўйича тегишли мутасаддилар билан боғланганимизда, бу борада ишлар олиб борилаётганини айтишди. Биз ҳам, ўз навбатида, берилаётган ваъдалар тез кунларда ўз ечимини топишга ишониб қоламиз. Истардикки, масъуллар ўзларини қийналган одамлар ўрнига қўйиб кўрса, бир кун шундай муҳитда яшашни ўйлаб кўрса, ваъдалар, албатта, ваъдалигича қолиб кетмайди. Мавзуга эса яна қайтамыз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

РАИС



НОҲАҚ ИШДАН БЎШАТИЛГАНМИ?

Яқинда тахририятимизга Когон шаҳридаги «Хўжабарги» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулбахор Ҳасанова мурожаат қилди. Мурожаатда ёзилишича, Г.Ҳасанова 2020 йил март ойидан буюн маҳалла раиси лавозимида ишлаб келган. 23 декабрда ҳудуддаги бир хонадонда ис газидан заҳарланиш ҳолати бўлиб, 3 киши вафот этган.

Бу оила «Темир дафтар»га рўйхатга олинган бўлиб, пандемия даврида давлат, ҳомийлар, «Меҳр-саховат» жамғармаси томонидан ёрдам кўрсатилган. Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан оилга нафақа пули ва моддий ёрдам ҳам тайинланган.

Ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш бўйича маҳалла ходимлари ҳудудда хонадонма-хонадон юриб, тарғибот ишларини амалга оширган. Аммо фожиа содир бўлгач, мутасаддилар маҳалла фуқаролар йиғини раисини айбдор ҳисоблашган. Шаҳар ҳокимининг талаби билан раисга ихтиёрий-мажбурий тарзда ариза ёздирилган....

«Мени ариза ёзишга мажбур қилишди»

Биз вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида воқеа тафсилотлари билан танишдик. – Тўғри, қонуний жиҳатдан ўз аризам билан ишдан бўшадим. Аммо шунга мажбур қилишди-да, – дейди Г.Ҳасанова. – Ахир шаҳар ҳокими, ҳоким ўринбосари шуни талаб қилиб турса, бошқа чора борми? Барибир ишлагани кўйишмасди. Ўша куни ҳокимиятга мени ҳоким ўринбосари Мусаввира Шайдоева чақирди ва ҳоким ариза ёзишимни талаб қилаётганини айтди. Шу куни мажлис бўлиши керак эди, аммо бу мажлисга мени киришимни тақиқлади. Ариза ёзишдан бошқа иложим қолмади. Орадан бироз вақт ўтиб, хато қилганимни англадим. Шаҳар ҳокимининг

қабулига бориб, яна ўз ишимга қайтишимни сўрадим. Аммо ҳоким мендан хафалигини, ўзим ариза ёзганимни айтиб, ҳаммасига ўзимни гуноҳдор қилиб қўйди. Фаолиятимда қўпол хатоликлар қилмаганман, маҳалла аҳли ҳам ишимдан миннатдор эди. Мана, орада Когон шаҳар ҳокимининг ўзи ҳам ишдан бўшаб кетди.

Дарҳақиқат мақола тайёрлаш жараёнида Когон шаҳар ҳокими Ҳаким Ҳошимов Президентимиз ташрифи давомида вазифасидан бўшатилиди. Шундай бўлса-да, вазиятга бевосита дахлдор бўлгани учун унинг фикрини ҳам ўргандик. Собиқ шаҳар ҳокими маҳалла раиси аввалги фаолиятида ҳам қатор камчиликлар аниқланганини, маҳалла фуқаролари ундан норози эканини айтди. Аммо айнан шу камчиликларни тасдиқловчи бирорта ҳужжат тақдим эта олмади. Аксинча, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари томонидан собиқ раиснинг ўзини ишга қайта тайинлашни сўраб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири номига

ёзилган мурожаат келиб тушди (мурожаат илова қилинади).

Собиқ раиса қандай ишлаган?

Г.Ҳасанова фаолиятига янада холис баҳо бериш учун Когон шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мутахассиси Вазира Содиқова фикрини ҳам ўргандик.

– Юқоридаги ҳолатда ҳаммаси қонун доирасида амалга оширилган, – дейди В.Содиқова. – Маҳалла раиси ўз аризасига асосан, меҳнат қонунчилигига кўра ишдан бўшаган. Агар ростдан ҳам раҳбарлар томонидан мажбурлаш ҳолати бўлса, ўша пайтнинг ўзида курашиши керак эди. Бу мутахассиснинг фаолиятида жиддий камчиликлар кузатилмаган.

Раис ишга тикланиши мумкинми?

Бухоро вилоят ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Йўлдошали Жумаев бу масала шахсан вазир Раҳмат Маматов назо-

ратида эканини айтиб, Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифларидан кейин ҳолат билан ўзи шугулланишини, агар ишда камчилик кузатилмаган бўлса, албатта, ишига қайтаришини таъкидлаганди. Куни кеча бошқарма бошлиғи билан яна бир бор шу масалада боғландик.

– Ҳозирда ҳолат ўрганиляпти, – дейди



Йўлдошали Жумаев. – Фақат Президентимиз ташрифларидан кейин Когон шаҳар ҳокими ҳамда тўртлик ишдан бўшатилагани учун жараён бироз кечикяпти. Насиб этса, яқинда шаҳар ҳокими тайинланади. Шундан сўнг бу масалани ҳам кўриб чиқамиз.

Маълумки, маҳалла фуқаролари йиғини раиси қонун бўйича аҳоли томонидан сайлов орқали лавозимга қўйилади. Яъни кўрса-

тилган номзодлар халқ томонидан сайланади. Унда бу ишни шаҳар ҳокими тайинланиши билан боғлаш қанчалик қонуний?

– Ҳар қандай ҳолатда маҳалла фуқаролар йиғини раиси туман (шаҳар) ҳокими тавсияси билан сайланади. Агар ҳоким тавсияси бўлмаса, номзод сайловга қўйилмайди, – дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Г.Жон Исмоилов. – Юқоридаги вазиятда ҳам Когон шаҳар ҳокими тавсияси зарур. Агар ҳоким вазифасини бажарувчи бўлса, шу раҳбар тавсияси билан ҳам номзод кўриб чиқиши мумкин.

Юқоридаги ҳолат бўйича Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Маматовнинг фикрлари қуйидагича бўлди:

– Агар вазият юқоридагидек бўлса, раисни ишдан бўшатишга уларнинг ҳаққи йўқ. Бухоро вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғига топшириқ бердим. Масалани шахсан ўрганиб, натижасини айтади. Албатта, адолатли ҳал қиламиз. ***

Биз ҳам мутасаддилар ваъдалари бўйича муаммо тез кунларда қонун доирасида кўриб чиқилиб, ижобий ечим топишига умидвормиз. Тахририят бу мавзуга яна қайтади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ «Mahalla»

ҲИЙТИНГА БИНО ҚУРИШ



РАИСНИНГ ВАЗИФАСИМИ?

Пайриқ туманидаги қарийб 4 минг киши истиқомат қиладиган «Ҳймовут» маҳалласи тумандаги ўнлаб бошпанасиз йиғинлардан бири. Ўтган асрнинг 80-йилларида қурилган, Жўрабой қишлоғида жойлашган бинони туман ҳокимлиги маҳалла ихтиёрига берганига ҳам 8 ойдан ошди. Бинонинг нам тортиб, нұраб, тўкила бошлаган лойсувоқ деворлари, ойналарига елим қоғоз ёпиштириб қўйилган, ромларнинг бўёғи кўчиб кетган.

— 2020 йил 1 июнда шу эски бинони йиғин ихтиёрига олдиқ, энди уни капитал таъмирдан чиқара олсак бўлди, — дейди маҳалла раиси Раҳимжон Сўяров. — Аммо бу қийин масала. Маҳаллий бюджетда маблағ етишмайди. Лойиҳага кўра, бино икки қаватли бўлиб, унинг биринчи қаватида касб-ҳунарга ўқитиш маркази, иккинчи қаватида эса йиғин жойлашиши керак. Ҳокимликдагилар «ҳомий топиб, давлат-хусусий шерикчилик асосида қуриш» дейишяпти. Маҳалламизда эса унақа «чўнтаги бақувват» тадбиркорлар йўқ. Бунинг устига қурилиш қилган тадбиркор, албатта, шу объектдан моддий манфаатдор бўлгуси келади. Одамларга мурожаат қилиб, ҳашар усулида барпо этайлик, десам, бунга ҳам журъат қилолмаймам. Аммо шундай бўлса-да, ўзимча йиғин биносининг қурилишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Шу ниятда ўз маблағим ҳисобидан 15 мингга фишт қуйдириб, тайёрлаб қўйдим. Бундан ташқари, қарийб 20 тонна шағал-тош келтириб, маҳалла ҳовлисига тўқдирганман. Агар озгина моддий кўмак берилса, бино қурилишини бошлаб юборардик.

Лойиҳани амалга оширадиган тадбиркор топилмапти...

Шу ўринда бир савол туғилади: йиғинга бино қуриш масаласи қачондан раиснинг вазифасига кирди? — Йўқ, бу масала билан қурилиш ташкилотлари шуғулланади, — дейди Пайриқ тумани ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Шокир Болиев. — «Ҳймо-



вут» маҳалласига давлат-хусусий шерикчилик асосида янги бино қурилиши режалаштирилган, аммо ҳозирда шу лойиҳани амалга оширадиган тадбиркор топилмапти. Топилганлари ҳам бизнинг шартларимизга рози бўлмапти. Агар қурилишни амалга оширадиган тадбиркорни топа олсак, бу лойиҳа кейинги йиллардаги дастурга киритилади. Топа олмасак, яна келгуси йилга қолади. Бошқа иложи йўқ. Маҳаллий бюджетдан маблағ бера олмаймиз.

Битта маҳаллада 2,5 минг аёл ишсиз... (ми?)

Пастдарғом туманининг Нуробод туманига туташ чекка ҳудудида жойлашган «Янги авлод» маҳалласи ҳам масъуллар эътиборидан четда қолаётгандек гўё. Бу ерда яқин йиллар ичиде янги қурилган бинога кўзингиз тушмайди, кўчалар лой. Бундан ташқари, ҳудудда ичимлик суви муаммо. Кўпгина хонадонларга суюлтирилган газ баллонлари ҳали-ҳануз етиб бормаган. Борганлари ҳам бўшаб қолса, ўз вақтида алмаштирилмайдди. Ишсизлик ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

— Маҳалламиздаги мавжуд 2 минг 600 нафар хотин-қизнинг бор-йўғи 100 нафаригина иш билан таъминланган, холос, — дейди йиғин раисининг оилани

мустаҳкамлаш ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Мастура Худойқулова. — Шунинг эътиборига олиб, ҳудудимизда бирорта тикувчилик цехи очилу ниятида юрбимиз.

Маҳалла ҳудудидаги Гумбаз қишлоғида бир пайтлар ҳар бир хонадонга алоҳида қувурлар орқали ичимлик суви кириб борган. Бугун эса бу қувурлар муддатини ўтаб, эскириб қолган. Фаолларнинг айтишича, эски «водопровод» минораси қишлоғида бир пайтлар ҳар бир хонадонга алоҳида қувурлар орқали ичимлик суви кириб борган. Бугун эса бу қувурлар муддатини ўтаб, эскириб қолган. Фаолларнинг айтишича, эски «водопровод» минораси қишлоғида бир пайтлар ҳар бир хонадонга алоҳида қувурлар орқали ичимлик суви кириб борган. Бугун эса бу қувурлар муддатини ўтаб, эскириб қолган.

Шунингдек, қишлоқда йўловчиларга қонуний транспорт хизмат кўрсатувчи бирорта автомобиль ёки автобус йўқ. Ноқонуний ҳаракатланиб юрган айрим шахсий автомашинани ҳайдовчилари қишлоқ билан туман марказини боғлайдиган кўчага йўл ҳаракати хавфсизлиги ва транспорт бошқармаси ходимлари текширишга чиқибди, деган миш-мишни эшитиб қолса, қатнамай қўяр экан.

Масъуллар нима дейди?

— Ҳақиқатан ҳам, бу каби қатор муаммолар мазкур йиғин аҳолисини ташвишга солаётгани рост, — дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғи, сектор раҳбари Равшан Давиров. — Яқинда маҳалла аҳолиси билан учрашиб, юқорида қайд этилган барча масалалар юзасидан очилу мулоқот ўтказдик. Аҳолининг талаб ва таклифларини инobatга олган ҳолда, жорий йилги «Обод маҳалла» дастурига «Янги авлод» маҳалласини ҳам киритдик. Айни кунларда «Хончорбоғ» йиғинида шундай дастур ижросига киришилди. Шундан кейин навбат «Янги авлод»га. Дастурнинг бажарилиши жараёнида ички йўллар, ичимлик суви тармоғи, мактаб, боғча ва бошқа ижтимоий соҳа объектида тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилади, аҳолини суюлтирилган газ, электр энергияси билан таъминлаш яхшиланади, ҳудудни туман маркази билан боғловчи автобус қатнови йўлга қўйилади.

Раис нега ҳуноб?

Самарқанд шахридаги «Боғимайдон» маҳалласи раиси Тошпўлат Раҳматуллоевни тажанг ҳолда учратдик.

— Маҳаллага шаҳар молия бўлимидан мактабнинг 1-синфига борадиган болалар рўйхатини тузиш талаб қилинган эди, — дея гап бошлайди раис. — Январь ойи давомида турли ташкилотлардан топшириқ шунчалик кўп эдики, бунисини вақтида бажариш иложи йўқлиги учун молия бўлими ходимига халқ таълими бўлими орқали мактабнинг ўзига

муурожаат қилишликни сўрадим. Бу талаб бир неча марта такрорланди. Охири молия бўлими ходими телефон гўшагини бошқа бир кишига берди. Ўзини Рустам деб таништирган ходим нега топшириқни бажармаганимизни сўради. Мен ўзимизнинг юқори ташкилотимиз борлигини, нега у орқали эмас, тўғридан-тўғри ўзи бизга талаб қўётганини айтдим. У: «Сизга ойликни биз беряпмиз, шунинг учун талаб қиляпмиз» дея жавоб берди. Мен унга маош бюджетдан, яъни халқ маблағидан берилаётганини тушунтиришга уриндим. У кишининг таъкидлашича, маошимизни биз ана шу ташкилот борлиги учун олар эканмиз.

Наҳотки, шаҳар молия бўлимидек даргоҳда раҳбарлик лавозимида ишлайётган бу шахс у бўлмаса, бу ишни бошқа бир киши бажаришини, у ўзи иши учун халқнинг пулидан, яъни бизга ўхшаган солиқ тўловчиларнинг ҳисобидан маош олаётганини билмасми?! Самарқанд вилоят молия бошқармаси ахборот хизматидан берилган маълумотга кўра, мазкур ҳолда юзасидан бош бошқарма ходимнинг ушбу хатти-ҳаракати юзасидан хизмат текшируви тайинланган.

Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди, негаки, уларнинг ечими ортида одамлар тақдирини, оддий одамларнинг эртанги кунга ишончини туради. Шундай экан, юқорида тилга олинган муаммолар ҳам масъуллар ваъда берганидек, тез орада ижобий ечим топилушига ишонамиз ва бу мавзуга яна қайтамыз.

Ўрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»

Чет давлатларда турган фуқароларни сайловчилар рўйхатларига киритиш тартиби белгиланди.

ЧАНДИРДА

дастур ижроси қоғозда қоладими?

Дастурга киритилган ишлар нега 3 йилдан буён бажарилмаяпти?

Обод қишлоқ! Бу сўз бугун кўз ўнгимизда янги қиёфа, фаровон турмуш тарзини гавдалантиради. Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббус асосида чекка ва олис қишлоқлар аҳолисининг турмуш тарзи, ижтимоий шарт-шароитларини яхшилаш, мавжуд инфратузилма, коммуникация тармоқларини замон талабларига мослаштириш, маиший хизмат кўрсатиш сифатини тубдан ошириш, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, пировардида, одамлар турмуш фаровонлигини юксалтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш каби кўплаб ҳаётий масалаларни ўз ичига қамраб олган йирик дастурнинг амалга оширилаётгани одатий қарашларимизга ана шундай таъсир этди.

Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги фармони билан мамлакатимиздаги ҳар бир туманда (шаҳар) иккитадан, 2019 йилдан эса учтадан қишлоқда (маҳалла) дастур доирасида кенг қўлланми ишлар олиб борилиши белгиланган. Хўш, белгиланган тадбирлар қандай амалга оширилди?

Тан олиб айтиш керакки, «Обод қишлоқ» дастури асосида олиб борилаётган ишларни барча ҳудудларда бирдек, деб бўлмайди. Белгиланган чора-тадбирлар якунига етмай қолаётгани, бир қатор муаммолар мавжудлиги, бу эса аҳолининг турли эътирозларига сабаб бўлаётгани ҳам бор гап.

Чунончи, Миришкор туманининг Чандир қишлоғи ҳам обод қишлоққа айлантирилиши кўзда тутилган эди.

Бошида ишлар рисоладагидек бажарилди, кейин эса...

2018 йилда ана шу қишлоқ вилоят ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Обод қишлоқ» дастурига киритилиб, бу ерда ички имкониятлардан келиб чиқиб аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга, ҳудуд қиёфасини ўзгартиришга қаратилган қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши белгиланган эди.



Ўша пайтда катта ҳажмдаги ишлар режа қилиниб, уларни бажаришга киришилди. Бу саъй-ҳаракатлар учун вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кўплаб мутахассислар ва техника воситалари жалб этилди.

Натижада ҳудуддаги тўртта мактаб, битта мактабгача таълим муассасаси ҳамда қишлоқ участка шифохонасида жорий ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Анча олдин носоз ҳолатга келиб қолган сув йиғиш ва тарқатиш иншооти таъмирланиб, қишлоққа яна оби-ҳаёт олиб келинди. Шунингдек, аҳоли томонидан ноқонуний қурилган ва ҳудуд чиройига, инфратузилмасига салбий таъсир этаётган, деб ҳисобланган 404 та бино ва 17600 метр девор бузилиб, ўрни текисланди. Қишлоқ марказида тадбиркорлар томонидан бир нечта савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, ишга туширилди. 2 сотихли 12 та намунали турар жой

қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Аммо...

– Тўғри, бошида ишлар жуда жадаллик билан бошланганди, – дейди «Чандир» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исмат Авазов. – Лекин жуда севинган эканмизми, бошланган ишлар чала қолиб кетди. Масалан, маҳалламиз ҳудудидан 1995 йилларда қурилиши бошланган мактаб ўз ҳолича қолган. Биринчи қавати қурилган мактаб биноси қор-ёмғирлар тағида қолиб нурай бошлади. Фарзандларимиз ҳозир 4 километр узоқликдаги мактабга қатнаб ўқишга мажбур бўляпти. Энг катта муаммоларимиздан яна бири – қишлоқимизда бозор йўқ. Тўғри, ҳафтанинг жума куни эски гараж биносида ёйма бозор бўлади, лекин қишлоқда лой, ёзда чанг бу бозор санитария талабига мутлақо жавоб бермайди. Туман марказидаги бозорга 22-25 километр йўл босиб бориш керак. Йўл ҳаққи эса қиммат.

200 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланмади

Чандирда ободлик насимлари одамлар ўйлаганчалик бўлмади. Қишлоқ чирой очмади. Ахир, ваъдалар, режалар бошқача эди-да.

– Қишлоғимиз аёллари деярли уйда ўтиради, – дейди Исмат Авазов. – Тўғри, иккита тикувчилик цехи очилди. Уларда 20 нафар хотин-қиз ишляпти. Лекин дастур доирасида ҳудудда амалга оширилиши керак бўлган йирик лойиҳалардан бири – замонавий тикувчилик цехининг ишга туширилиши эди. У фаолият бошлаши билан қишлоғимиз ҳудудидоги «Маданият», «Истиқлол», «Янги ҳаёт» ва «Чандир» маҳаллаларида истиқомат қилаётган 200 нафар хотин-қиз иш билан таъминланиши кўзда тутилган эди.

Аммо қишлоқ хотин-қизларининг қувончига сабаб бўлган бу ташаббус амалга ошмади. Тикувчилик цехи учун мўлжалланган эски бино эса ҳамон ташландик, таъмирталаб ҳолида турибди.

Қишлоқда лой, ёзда чанг йўллар

Қишлоқдаги энг асосий муаммо эса йўлларнинг ачинарли ҳолатидир. Қишлоқда лой, ёзда тупроқ кўпчидиган бу йўллар аслида 2018 йилдаёқ таъмирланиб, тош-шағал ётқизилган ёки асфальт қопламали равион кўчаларга айлантирилиши белгиланганди.

– Тўғри, йўлларимизнинг ҳолати анча ёмон, – дейди «Янги ҳаёт» маҳалласи раиси Бобомурод Хўжамуродов. – Айниқса, қишлоқ марказини кесиб ўтган асосий автомобиль йўли жуда таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. У таъмирланса, бутун қишлоқ қиёфаси анча ўзгариб қоларди. Биз ҳам шунинг ҳаракатидамыз.

Қишлоқ одамларининг таъкидлашича, Чандир қишлоғи ҳудудидида жами

48 километр умумфойдаланув ва ички хўжалик йўллари мавжуд. Жумладан, умумфойдаланув йўли ҳисобланган «4 K278» автомобиль йўлининг 18 километр қисми қишлоқни кесиб ўтган. Дастур доирасида ушбу йўлнинг 2 километр қисми тўлиқ қайта асфальт қилиниши, қолган 16 километр қисми эса таъмирлаш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилганди. Шунингдек, йўл четидида 1 километр пиёдалар йўлакчаси қуриш, тунда ёритиш чироклари ўрнатилиши режалаштирилганди. Аммо бу ишларнинг бирортаси ҳам амалга ошгани йўқ.

Энди ўз-ўзидан савол пайдо бўлади. Хўш, Чандирда «Обод қишлоқ» дастури доирасида катта ишлар мақсад қилиндию, нега уларнинг аксари бажарилмади?

– Бу йил Чандирда катта ишлар бўлади, – дейди Миришкор тумани қурилиш бўлими бошлиғи Шавкат Тошматов. – Хусусан, йўл масаласига келадиган бўлса, жорий йилда туман икки қишлоқда 100 километр ички йўллар таъмирланиши тегишли дастурга киритилган. Шунинг ичидида Чандир қишлоғидаги 6 километр ички хўжалик йўллари ҳам бор. Бу ишлар учун республика бюджетидан маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Қишлоқ марказидан ўтган умумфойдаланувдаги автомобиль йўлининг 2 километр қисмини асфальт қилиш эса ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бу ишни тадбиркорларимиздан бири ўз зиммасига олган.

Халқимизни рози қилиш энг эзгу муддаомиз экан, демак, ҳар биримиз зиммамизга олган масъулиятни ҳис этишимиз, бурчимизни оқлашимиз керак. Амалга оширилаётган эзгу ишлардан мақсад битта: халқнинг оғирини енгил қилиш. Умид қиламизки, берилган ваъдалар бажарилса, кеч бўлса-да Чандир қишлоғи обод бўлади. Биз бунчи кузатиб борамиз ва бу мавзуга яна қайтамыз.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

Қурилиш соҳасида давлат харидларини ўтказишнинг янги тизими жорий этилади.



«ЎЗГАРТИШМИ ЁКИ ТИРИШ...»

Ёхуд қонун ҳужжатларидаги тил муаммолари қачон ечимини топади?

Бугун давлат тилига эътибор ҳар қачонгидан-да юқори. Шунга кўра, қонун ҳужжатлари ҳам давлат тили қоидалари асосида тайёрланиши керак. Бироқ қонунлар, турли идоралар томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлардаги айрим сўзлар бир неча хил кўринишда қўлланилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳужжатларнинг турлича қўлланилишига олиб келиши мумкин. Масалан, «Ўзгартириш – ўзгартиш», «шўъба – шўъба», «хом ашё – хом-ашё ёки хомашё», «атроф-муҳит – атроф муҳит» ва бошқалар шулар жумласидан.

Қонунда бирхиллилик бўлиши керак

Қонун, қарор, фармон, буйруқ ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда сўз қўллаш ва имло билан боғлиқ чалкашликлар учраб туради. Улар қанча тез тўзатилиб, чалкашликларга аниқлик киритилса, фақат фойда бўлади. Мисол учун, замонавий ўзбек тилида меъёрий ҳужжатлар сабаб-

ли оммалашган сўз — **ўзгартиш** ҳақида.

Она тили қоидалари бўйича «-тир» ва «-т» орттирма нисбат қўшимчаларидир. Улар баъзан ўринма-ўрин, маънодош ҳолатда ҳам ишлатилиши мумкин. Жумладан, «**ўзгармоқ**» феълида. Ушбу сўзнинг орттирма нисбати «**ўзгартир**» ёки «**ўзгарт**» бўлади. Тўғри, «ўзгарт» шакли замонавий ўзбек тилида ишлатилмайди, хи-

соб. Лекин **хато эмас**.

«Ўзгартиш» сўзи ана шу «**ўзгарт**» шаклидан ясалган ҳаракат номидир. У қонунчилик матнларида тамоман отлашган ҳолатда қўлланилган, алоҳида сўзга айланиб улгурди. Уни изоҳли луғатга алоҳида сўз сифатида киритса ҳам бўлади.

Бироқ ҳар не бўлса-да, юридик тилда хилма-хилликдан қочган афзал. Қонун ва қарорлар матнида ҳам биттасини: ёки **ўзгартириш**, ёки **ўзгартиш** вариантини танлаган афзал. Баъзида ҳатто битта қарор доирасида ҳам бир ўринда **ўзгартириш**, бошқа ўринда **ўзгартиш** қўлланган ҳолатлар бор.

Албатта, қонунлар ишлаб чиқилиш жараёнида бир неча чиғирқлардан ўтади, муҳокамалар қилинади. Аммо депутатлар орасида тилшунослар, муҳаррир ва мусаҳҳихлар ҳаммиша ҳам топилавермаса керак. Менимча, қонунлар ва бошқа муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишидан олдин тажрибали муҳаррирлар назаридан ўтказилса, тил ва имло билан боғлиқ саволли ўринлар анчагина камаяди.

Демак, сўзнинг «**ўзгартириш**» шакли ҳам, «**ўзгарттиш**» шакли ҳам тўғри. Бироқ расмий-ҳуқуқий матнларда, ҳеч бўлмаса, битта ҳужжат доирасида — ҳар хилликка йўл қўймаслик, улардан фақат биттасини ишлатиш афзалдир.

Нега ҳужжатлар бош ҳарф билан ёзилади?

Яна бир ҳолат: расмий ҳужжатларда, ёзишмаларда энг кўп кўзга ташланганидан хатолардан бири — қонун, қарор, фармон, фармойиш, буйруқ каби сўзларни бош ҳарф билан ёзиш. Ҳатто «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорда ҳам қонун сўзи гап ичида катта ҳарф билан ёзилган. Умуман, «lex.uz»даги расмий ҳуж-

Агар биз ҳурмат-иззат қиладиган тушунчаларни бош ҳарф билан ёзадиган бўлсак, катта ҳарф билан ёзиладиган сўзлар жуда кўпайиб кетади.

жатларга назар ташласангиз, юқоридаги сўзлар бир ўринда бош ҳарф, бошқа бир ўринда кичик ҳарф билан ёзилганига гувоҳ бўласиз.

Ҳўш, нега кичик ҳарф билан ёзилиши керак? Биринчидан, имло қоидаларига кўра, бу сўзлар бош ҳарф билан ёзилиши белгиланмаган. Иккинчидан, тўғри, қарор ёки фармонларни Президент ёки давлатнинг олий ташкилотлари раҳбарлари тасдиқлайди. Бироқ ҳужжатнинг ўзи олий ташкилот ёки мансабни аналтмайди.

Унда нега бош ҳарф билан ёзиш урфга кирган? Менимча, аввало, бунда рус тили таъсири бўлган. Чунки қонун, қарор, фармон, фармойиш, буйруқ каби сўзлар рус тилида ҳужжат номининг бошида келади ва, табиийки, биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади. Масалан: «Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан» — «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори». Номлар русчадан таржима қилинганда бу сўзлар бош ҳарфда ёзиб юборилган бўлиши мумкин. Мақола тайёрлаш жараёнида русча қонун ва қарорлар билан ҳам танишдим. Рус тилида юқоридаги сўзлар сарлавнини таркибида матн ичида ҳам бош ҳарф билан ёзилар экан.

Шунингдек, баъзилар бунини ҳужжатга ҳурмат сифатида талқин қилади. Бу

асос ҳам бўш. Агар биз ҳурмат-иззат қиладиган тушунчаларни бош ҳарф билан ёзадиган бўлсак, катта ҳарф билан ёзиладиган сўзлар жуда кўпайиб кетади. Ота, она, устоз, дўст, адолат, ҳақиқат, ҳалоллик, тўғрилиқ каби сўзларни уларни ҳурматлаганимиз сабабли эмас, имло қоидаларига амал қилиб кичик ҳарфда ёзамиз. Бадиий матнлардаги ўзига хосликлар бундан мустасно, албатта.

Қачон бош ҳарф билан ёзиш мумкин?

Саналган сўзларни жумла ичида бош ҳарф билан ёзишни бир ҳолатдагина мантикий асосласа бўлади. Қарор мисолида кўриб чиқайлик. Уша қарорнинг ичидагина, олдидаги сарлавҳа-изоҳни ташлаб, айна шу қарорни назарда тутганда бош ҳарф билан ёзиш мантикли. Масалан, «**Ушбу Қарорда назарда тутилган...**», «**Ишлаб чиқариш, савдо ва саноат соҳаларида Қарордан келиб чиқиб...**» каби.

Бундан ташқари, Конституция давлатнинг асосий қонунини бўлгани учун, гарчи имло қоидаларида алоҳида тартиб кўрсатилмаган бўлса-да, бош ҳарф билан ёзилиши керак. Олий бош қонун назарда тутилмаган ҳолатларда эса конституция сўзи кичик ҳарф билан ёзилади.

Давлат тилини ривожлантириш департаменти ва Адлия вазирлиги бу масалага эътибор қаратиб, узил-кесил ҳулоса берса, яхши бўларди. Тил ва имло бўйича ишлайдиган университет ва институтлар, мутахассисларнинг ҳам фикри жуда муҳим. Қонунчилик базасидаги имлонинг ҳам бирхиллаштириши керак. Балки имло қоидаларининг янги таҳририга аниқ бир қоида ҳам киритилар.

Ориф ТОЛИПОВ,
журналист.

Мавзуга оид маълумот:

МАНЗИЛ ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

Жой ва кўча номлари жумла ичида, бошқа сўз ва ибораларга боғланиб келганда вергул ишлатилмайди. Номлар «каттадан кичикка» тамойили асосида берилади. Масалан: «Мен Тошкент шаҳри Ҳамид Олимжон кўчаси 5-уй 18-хонадонда яшайман», «Қаҳрамонимиз Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Мираки қишлоғида туғилган».

Бу каби ўринларда жой ва кўча номлари орасида вергул ишлатиш хатодир. Нега? Чунки бу жумла ва бирикмалар таркибида кўринмас «-нинг» ва «-даги» қўшимчалари бор. Улар ғализликни кетказиш ва жумла равлонлигини таъминлаш учун тушириб қолдирилган: «Мен Тошкент шаҳри[нинг] Ҳамид Олимжон кўчаси[даги] 5-уй[даги] 18-хонадонда яшайман».

Кўп қаватли ўйдаги хонадон кўрсатилганда ўйдан кейин вергул қўйилган ҳолатлар тез-тез кўзга ташланади. «Давлат тилида иш юритиш» китобида бундай ўринлар вергулли ҳам, вергулсиз ҳам берилган. Гапда зарурат бўлмаса, тиниш белгисини ишлатмаган маъқул.

1 июлгача «Солиқчи-кўмакчи» тамойили асосида фермерларнинг даромад ва харажатларини автоматик шакллантириладиган электрон тизим жорий этилади.

МАЖБУРИЙ МЕХНАТ

ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИККА САБАБ БЎЛАДИМИ?



Ўқувчилик давримизда кузни пахта терими билан ўтказардик. Бу ўша вақт учун одатий ҳол эди. Бу қайсидир маънода биз, болаларнинг онгида билим олишдан кўра, пахта териш муҳим, деган дунёқараш шакллантирган, десам муболаға бўлмайди. Ўша вақтда пахта теримининг мажбурий меҳнат эканини тасаввур ҳам қила олмасдик. Чунки бу иллат бир аср аввал илдиз отган ва ҳамон давом этиб келаётганди.

Қандай ўзгартириш киритилмоқда?

Кейинги вақтларда болаларнинг, умуман, мажбурий меҳнатга жалб этиш билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратила бошланди. Аммо болалар билан боғлиқ мажбурий меҳнат фақат пахта мавсуми билан боғлиқ эмас. Шундай экан, унга қандай қилиб барҳам бериш мумкин?

— Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида вояга етмаган шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, уларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш, бундай ҳаракатларни содир этганларнинг жавобгарлигини сўзсиз таъмин-

лашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси кўриб чиқилди, — дейди **Ўзбекистон Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Абдуҳалим Холмаҳматов**.

— Қонун лойиҳаси билан **Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, Жиноят кодексига киритилаётган ўзгартиришга кўра, вояга етмаган шахсни меҳнатга бирон шаклда маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.**

Қолаверса, мазкур кодексда вояга етмаган шахсни Ўзбекистонда ғай-

риқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш учун жиноий жавобгарлик, шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодексига қўшимча киритилиб, мазкур жиноятнинг тергов ички ишлар органига тегишли экани белгиланмоқда.

Албатта, қонуний жавогарликни кучайтириш яхши, аммо масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор. Бу ҳам бўлса, мажбурий меҳнат ва ҳашарнинг фарқи! Куни кеча Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги 13-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мажбурий меҳнатга жалб қилинганни ҳақида хабар тарқалди. Таъкидланишича, мактаб директори «шанбалик»да ўқувчилар оғир юмуш бажармаслиги мажбурий меҳнат ҳисобланмайди, деб ўйлаган.

Тиланчилик ҳам мажбурий меҳнат эканини биласизми?

Дарҳақиқат, биз болани ёшлигидан билим олиш билан бирга, меҳнатга ўргатишимиз керак, деймиз. Унда ўзи ўқиётган мактабнинг ён-атрофини тозалаш бўлишига чорлов ҳам мажбурий меҳнат деб баҳоланиши қанчалик тўғри?

— Албатта, болалар учун жамоа бўлиб энгил меҳнат, ҳашарда қатнашиши уларнинг тарбиясига ижобий таъсир қилади, — дейди **ҳуқуқшунос Хуршид Равшанов**. — Қонунчиликка шундан келиб чиқиб, вазиятни баҳолаш имкони киритилса бўлади. Лекин айрим ҳолларда истисно бор жойда қонунни «айланиб ўтиш» йўлини топиб олиш ҳам мумкин бўлади. Шу жиҳатдан мактаблардаги ҳар қандай турдаги мажбурий меҳнатга барҳам бериш керак. Агар тарбия маъносиде болаларни ҳашарга жалб этиш зарур бўлса, ота-онаси билан бирга маҳаллалардаги «шанбаликка» чиқса ҳам бўлади.

Юртдошларимиз орасида ўтказилган кичик сўровномада аксарият иштирокчилар болалар учун ҳар қандай турдаги мажбурий меҳнатга қарши эканини билдирди. Аммо юртдошларимизнинг аксарияти кўча-кўйда тиланчилик қилиб юрган, арзон «сальфетка» сотаётган болаларнинг мажбурий меҳнат қилаётгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Зеро, бола ўз ихтиёри билан ҳеч қачон тиланчилик қилишга ёки ниманидир сотишга чиқмайди. Хўш, мана шундай масалаларда нега қонун ишламай қолади?

— Қонун ижодкори халқ

бўлгани каби унинг ҳаётда ўз аксини топишини таъминлайдиган куч ҳам мамлакат фуқаролари ҳисобланади, — дейди **Х.Равшанов**. — Афсуски, айрим ички ишлар ходимлари ҳам юқоридаги каби ҳолатларга бефарқ қарайди. Қачонки, халқимизда мана шундай ҳолатларга мурасасиз муносабатни шакллантирмамас эканимиз, бирон натижага эришиб бўлмайди.

Хулоса ўрнида

Дарҳақиқат, халқимиз орасида бундай ҳолатга мурасасиз муносабатни шакллантириш зарур. Шу ўринда Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ҳақидаги хабардан иқтибос келтирсак: «Депутатларнинг фикрича, қонун қабул қилиниши мажбурий меҳнатга тўлиқ чек қўйилишига, вояга етмаган шахсларнинг манфаатларини таъминлашга, бу борада Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари бажарилишига ва шу тариқа давлатнинг турли баҳолаш индексларидаги рейтингни кўтарилишига хизмат қилади».

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: болаларнинг мажбурий меҳнатига барҳам бериш нима учун керак, хурматли депутатлар?! Индекслардаги кўрсаткични яхшилаш муҳим, буни инкор этмаймиз. Аммо болаларимизнинг ҳеч қачон қарам бўлмай, ўз вақтида билим олиб, мустақил бўлиб ўсиши ундан ҳам муҳимроқдир. Масалага шу мезон асосида ёндашсак, қонунларимизнинг ҳаётдаги ифодаси ҳозиргидан ҳам яхшироқ бўлади.

**Боборован
Ғозидинов
«Mahalla»**

ИИБ ходими кўчада ҳужжат сўрашга ҳаққи борми?

— Кўча-кўйда юрган ички ишлар ходимлари тўхтатиб, ҳужжат сўрашга ҳаққи борми? Бундай вазиятда ўзимни қандай туттишим керак?

Тўлқинжон ЮНУСОВ.
Сирдарё вилояти.

Ҳамидулла ЗИЁЕВ, ҳуқуқшунос:

— Ички ишлар ходимлари ҳужжатларни текшириш учун кўчада ҳар қандай тўхтатиши мумкин. Масалан, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, ходим сизни қидирувдаги шахс деб гумон қилса, тўхтатиб ҳужжатларингизни текшириш ҳуқуқига эга. Агар ёнингизда шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, ҳуқуқ-тартибот органи ходими шахсингизни аниқлаш мақсадида 3 соатгача ушлаб туриши мумкин. Ҳужжатларингиз борасида муаммо бўлмаса,

сизни дарҳол кўйиб юбориши шарт. «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, ички ишлар ходими, энг аввало, унвони, лавозими, исм-фамилиясини айтиб, фуқаронинг талабига кўра, хизмат гувоҳномасини тақдим этиши шарт, шундан сўнг тўхтатиш сабаби ва мурожаат мақсадини айтади. Агар сизни патруль-пост хизмати ходими тўхтатса, у хизмат нишонига эга бўлиши ва хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шарт, сиз эса уни суратга олиш ёки маълумотларни ёзиб олиш ҳуқуқига эгасиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Тошкент шаҳрида «Янгиҳаёт» индустриал технопарки ташкил этилади.

МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИНИ ҲИМОЯСИ ҚАЧОН КУЧАЙТИРИЛАДИ?



Меҳнат мигрантлари кўп ҳолларда ҳуқуқий ҳимоя ва шарт-шароитлар масаласида қийинчиликларга учрайди. Айниқса, пандемия муносабати билан ўтган йили жорий қилинган карантин чекловлари даврида хорижда ишлаётган юртдошларимиз қатор ноқулайликларга дуч келишди.

Албатта, Ўзбекистон ҳукумати қараб турмади, уларга керакли ёрдамларни беришга ҳаракат қилди. Гап шундаки, бунгача улар кўп қийинчиликларни бошдан кечиришди. Аслида бу меҳнат муҳожирларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида мукамал тизим йўлга қўйилмаганини англади. Шу боисдан ҳам тирикчилик мақсадида ватанидан, яқинларидан олисда юрган фуқароларимиз турли камситишлар, зўравонликлар, ҳақсизликлар нишонига айланишади.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги маълумотига кўра, ўзбек меҳнат муҳожирларининг аксарияти Россия ва Қозғистон ҳудудида малака талаб қилинмайдиган соҳаларда иш билан банд ҳисобланади. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан ўтказилган тадқиқотлар давомидида ушбу давлатларга, асосан, кам таъминланган оила аъзоларининг бориши, даромади юқори уй-хўжаликлари вакиллари эса кўпроқ Туркия, Жанубий Корея ва АҚШга йўл олиши аниқланган.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнги йилларда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан солиштирганда энг кўп пул жўнатмалари қабул қилувчи мамлакат бўлиб келмоқда. Бу дегани, халқимизнинг даромадида меҳнат миграцияси орқасидан келаётган пуллар салмоқли ўрин тутаяпти. Шундай экан, чет элда ишлаб юрган юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси

учун қандай қафолатлар яратилапти?

Иш ўрни шу ернинг ўзида қафолатланади

— Бугунги кунда 1,5 млн.дан ортиқ фуқароларимиз Россия Федерациясида меҳнат муҳожирлиги сифатида ишлашяпти, — дейди



Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазир Нозим Ҳусанов. — Давлатимиз томонидан уларни ҳар томонлама ҳимоялаш, қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили ишчи гуруҳлар тузилиб, Екатеринбург, Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск, Уфа, Қозон шаҳарларидаги ватандошларимизнинг шарт-шароитлари ўрганилди ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўлида иш олиб бориляпти. Биринчи масала — уларга мос иш ўринлари топиш бўлса, иккинчиси — ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш, жумладан, меҳнат шартномалари тузиш ва бошқаларда ёрдам беришдир. Ҳозирги кунда яна бир йўналишда иш олиб бориляпти. Россиянинг 17 та шаҳрида юртдошларимизни касбларга ва тилга ўргатиш бўйича ўқишларни йўлга қўйдик.

Айни пайтда рус диёрида ишлаш истагидаги инсонлар учун янги имконият, имтиёзлар йўлга қўйилмоқда.

Яъни улар шу ерда туриб Москванинг бир нечта корхонасида онлайн тарзда суҳбатдан ўтишади. Бу иш билан таъминланишни олдиндан қафолатлаш имконини беради.

Январь ойида эса Россиянинг бир нечта иш берувчиларини Ўзбекистонга таклиф қилдик. Ҳозирда 2 та йирик қурилиш компанияси — «Пик-индустрия» ва «Технострой» вакиллари юртимизда ўзларига керакли мутахассисларни танлаш бўйича иш олиб боришяпти. Хоҳишларига кўра, малакалари текширилиб, Москва ва бошқа йирик шаҳарлардаги қурилиш объектларига танлаб олишади. Уларда электр пайвандчи, газ пайвандчи, монтажчи ва бошқа соҳалар бўйича 6700 нафар мутахассисга талаб бор. Ижобий томони — юртдошларимиз билан ким меҳнат шартномаси тузганини, уларга қандай шароитлар яратиб берилаётганини аниқ биламиз, саломатлиги суғурта қилингани, йўл харажатлари қопланиши қафолатли бўлади.

Махсус жамғарма нимага хизмат қилади?

Яна бир янгилик — хорижда қийин аҳволда қолган меҳнат мигрантларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилмоқда. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ахборот хизмати маълум қилишича, жамғарма маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан шаклланти-

риб борилади.

Жамғарма хорижда қийин аҳволда қолган меҳнат мигрантларга бир қатор йўналишлар бўйича хизматлар кўрсатади. Хусусан, хорижий иш берувчиларда мавжуд бўлган бўш иш ўринларини таклиф қилиш, Ватанга қайтариш учун авиа ёки темир йўл чипталари ҳақини тўлаш, вафот этган шахс жасадини урф-одатларга кўра тайёрлашда 1000 АҚШ долларигача хизматлар ҳақини ва Ўзбекистонга олиб келиш учун чипта ҳақини тўлашда кўмак кўрсатади.

Меҳнат бозорида тезроқ ўрин эгаллашларини таъминлаш лозим

— Пандемия вақтида қисқа муддатли чораларни амалга ошириш фавқулодда зарур муаммоларни ҳал қилишга ва шу орқали муҳожирларнинг фақат маълум қатламга ёрдам беришга хизмат қилади, — дейди Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази эксперти Ҳасанжон Мажидов. — Шундан келиб чиқиб, ташқи миграция жараёнларини коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият талабларига мослаштириш, пандемиянинг меҳнат миграцияси жараёнларига салбий таъсирини юмшатиш ва пандемиядан кейинги истиқболда ташқи миграция жараёнини рағбатлантириш лозим. Хусусан, пандемия билан боғлиқ инқироз туфайли мажбурликдан ватанга қайтган фуқароларнинг меҳнат бозорида тезроқ ўрин эгаллашларини

таъминлаш мақсадида уларнинг ортирган малака ва кўникмалари тўғрисидаги ахборотни жамлаган маълумотлар базасини яратиш (Бангладеш, Шри-Ланка ва Миср тажрибаси) зарур. Шунингдек, бундай юртдошларимизга қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни имтиёзли асосда ажратиш, улар томонидан амалга оширилмаган тадбиркорлик лойиҳаларига банкларнинг шерикчилик шартлари асосида иштирок этишини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи йўналиш эса — фуқароларнинг чет элда меҳнат фаолиятини олиб бориш даврида уларнинг ижтимоий ҳимоясини ошириш ва манзилли миграция йўналишларини яратишдир. Жумладан, икки ва кўп томонлама келишувлар асосида муҳожирларнинг пенсия ва соғлиқни сақлаш тизими хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бу орқали хавфсиз миграция жараёнини таъминлаш бу борада муҳим аҳамиятга эга. ***

Мухтасар айтганда, мазкур соҳадаги ишлар самарали амалга оширилса, иқтисодиёт тармоқларини малакали ва тажрибали ишчи кучи билан таъминлаш билан бирга, аҳолининг кенг қатламлари ва меҳнат муҳожирлари учун муносиб иш ва яшаш шароитларини яратиш, улар учун ижтимоий ҳимоя ва меҳнат қонунийлигини таъминлаш имкониятлари вужудга келади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот институтлари ташкил этилди.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА

РАҚОБАТ МУҲИТИ ҚАНДАЙ
ТАЪМИНЛАНАДИ?

Бугунги кунда ёшларимизнинг олий таълим олиш имкониятлари ошди. Бу ўзгаришлар йилдан-йилга тобора кўзга ташланмоқда. Мисол учун, илгари қабул ўринлари чекланган бўлса, кейинги йилларда супер контракт асосида таълим олиш имконияти пайдо бўлди, хорижий университетлар билан ҳамкорликда қўшма факультетлар очилди.

Олий таълимдан мақсад, энг аввало, сифатли билим бериб, етук мутахассисларни тайёрлашдир. Шу маънода тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар бу борада ижобий натижаларни беряптими? Гувоҳи бўляпмизки, Давлат тест маркази тест синовларидан паст балл олиб, ўқишга киролмаган ёшларимиз контракт тўлови қиммат бўлган юртимиздаги хорижий таълим муассасаларига осон қабул қилинмоқда. Бу нимадан далолат беради? Йигит-қизларимизда эскидан қолган дипломли бўлиш истагидан фойдаланиш мақсадига ўхшаб кетади. Аслида улар олий таълим сифатини оширишга қаратилган рақобатни юзага келтириш мақсадига ташкил этилган.

Замон ўзгаришларига қарамай, халқимиз онгида яшаб келаётган эскича тушунчадан халос бўлиш қийин кечяпти. Ҳўш, олий ўқув юртаримизнинг нуфузини ошириш, ёшларимизни малакали кадрлар этиб



тарбиялаш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда? Умуман, бу борадаги муаммолар нималардан иборат?

«2+500» ва «8+1000» лойиҳалари ишлаб чиқилди

— Ўтган йили 84 та олий таълим муассасаси фаолияти таҳлил қилиниб, уларнинг умумий, соҳавий ва асосий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича рейтинги тузилди, — дейди **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси раҳбари Улуғбек Тوشкенбоев**. — Рейтинг натижаларига кўра, миллий ОТМларда барча индикаторлар бўйича ўсиш кўрсаткичлари қайд этилди. Хусусан, фан доктори ёки профессор унвонига эга профессор ўқитувчилар 11 фоизга, фан номзоди илмий даражаси ёки доцент унвонига эга профессор ўқитувчилар 10,1 фоизга, диссертация ҳимоялари (шу жумладан, берилган профессор ёки доцент унвонлари) 41,1 фоизга, дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи ОТМлардан илмий даража олган профессор ўқитувчилар улуши эса 13,1 фоизга ошди.

Бундан ташқари, Таълим инспекцияси томонидан 2030 йилгача халқаро рейтингларда 2 та олий таълим ташкилотини — биринчи 500 та ўриндаги, 8 та олий таълим ташкилотини — биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим ташкилотлар рўйхатига киритиш учун тегишлича «2+500» ва «8+1 000» лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Мазкур янгилик орқали олий таълим ташкилотларини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўрнидаги олий таълим ташкилотлари рўйхатига муносиб ўрин эгаллашларини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Чиройли номланган курслар ортида эски мазмун ётади

— Ўзбекистонда замонавий бизнес-таълимнинг ривожланиши учун бутун олий таълим тизимининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва ошириш зарур, — дейди **Жанубий Кореянинг Пусан чет тиллар университети профессори**

Азамат Акбаров. — 1999 йилдаёқ Жаҳон банки давлатларнинг билимларга асосланган иқтисодга ўтиш схемасини белгилади. Олий таълим тизими фаолиятининг мақсади эса инсон капиталини ривожлантириш ва миллий инновацион тизимни шакллантиришдан иборат.

Таълим хизматларига бўлган талабнинг ошиши ўқув муассасалари сонининг ортишига олиб келибгина қолмай, адолатсиз рақобатни ҳам юзага чиқаради. Таълимнинг нотизим олиб борилиши хавфи мавжуд, яъни ўқитиладиган курслар мажмуаси соҳа ўқитувчиларининг бор-йўқлигига асосланиб танланади. Кўп ҳолларда чиройли номланган курслар ортида объектив шаклда эски мазмун ётади. Дастурларни шакллантириш жараёнида аксар олий ўқув юрталари билимлар тизими ҳақида йўламасдан, балки таълим хизматларининг компетент бўлмаган истеъмолчисининг талабларини қондиришга уринишади.

Жаҳон таълим тизимига интеграциялашиш мақсад қилинган

Таълим сифати илмий тадқиқотлар савияси, кўлами билан ҳам белгиланади, ОТМларда эса бу кўрсаткичлар ўқитувчиларнинг илмий даражаларига боғлиқ. Тўғриси айтиладиган бўлсак, бу даража етарли савияда эмас. Халқаро рақобатли таълим майдонга чиқиш, чет эл агентликларидан аккреди-

тациядан ўтиш илмий даража савияси баланд ўқитувчилар ўтказадиган дарсларнинг сифати юқори бўлишини талаб қилиши табиийдир.

Олий таълим олдида турган яна бир вазифа Болонья декларацияси талаблари билан интеграциялашиш ва бу талаблар даражасидан юқорироқ натижалар кўрсатишдан иборат. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси олий таълим ривожланишининг энг муҳим йўналишлари мамлакатнинг жаҳон таълим тизимига интеграциялашиш мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиққан.

Миллатнинг интеллектуал бойлигидан унумли фойдаланиш университет, академия ва турли соҳалар тадқиқот муассасаларини тижорат туридаги тизимларга — инновацион ва тадқиқот университетларига интеграция қилиш йўли билан ҳал қилиниши мумкин. Бундай ёндашув фанларга, муаммо ва лойиҳага махсус йўналтирилган ўқитиш технологиялари мавжуд инновацион таълимни ривожлантиришни ўз ичига олади. Шу билан бирга, биринчи курсдан бошлаб амалиётга йўналтирилган, муайян келгуси фаолият соҳасига мўлжалланган мутахассис тайёрлаш таълим рақобатбардошлигини оширади. Бундан бошқа замонавий талаблар ҳам борки, барчасига жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан хорижий давлатларда олинган дипломларни тан олиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йилда шу мазмунда жами 4441 та мурожаат келиб тушди ва уларнинг 1361 таси қаноатлантирилди, 576 та ҳужжат эса махсус синовларсиз, тўғридан-тўғри тан олинди. Шу билан биргалликда коронавирус пандемияси сабабли ҳамюртаримизга қўлайлик яратиш мақсадида хорижий дипломларни тан олиш бўйича синов жараёнлари илк маротаба вилоятларда ташкил этилди. Мазкур амалиёт тизимли равишда такомиллаштирилиб, кейинги йилларда ҳам давом эттирилиши режалаштирилган.

«USM Telecom» ва «МегаФон»

Ўзбекистон бозорига кириб келмоқда.

ФАН ОЛИМПИАДАСИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛЯПТИ?

Ёхуд 5-синф ўқувчиси 7-синф математика масаласини қандай ечиши мумкин?

– Яқинда фан олимпиадасининг туман босқичида қатнашдим. Лекин менга 10-синф дарслигидан кўра, 11-синф дарслигидан кўпроқ саволлар тушди. Бу қанчалик мантиққа тўғри? – дейди ўқувчилардан бири Ойгул Соатова.

Дарҳақиқат, бу ҳақда ўз яқинларимдан ҳам эшитдим. Айтишларича, яқинда математика фан олимпиадасининг туман босқичида қатнашган 5-синф ўқувчисига 7-синф математика фани масалаларидан ҳам саволлар тушган экан. Ростдан ҳам, 5- ёки 6-синф ўқувчиси юқори синф дарсликларидаги саволларни қандай ечиши мумкин? Ёки бизнинг мактабларда ана шундай кучли ўқувчилар ўқийдими? Балки фан олимпиадасида қатнашадиган ўқувчилар махсус тайёрланарми? Унда оддий ўқувчилар-чи?!

Ана шундай саволларга ойдинлик киритиш мақсадида



Халқ таълими вазирлиги Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти директори Умид РАҲМОНОВга мурожаат қилдик.

– Юқоридаги каби саволлар айнан Қўқон университети ташаббуси билан «Қорақўл Зиё» нодавлат таълим муассасаси билан ҳамкорликда илк марта математика фанидан мактаб ва академик лицей ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Қўқон олимпиадаси»да қатнашган ўқувчиларда туғилмоқда, – дейди **Умид Раҳмонов**. – Негаки, Қўқон университети томонидан якуний босқич ғолибларига имтиёзли ўқиш имконияти ва автомашина тақдим қилиниши ўқувчилар ўртасида бу олимпиадага қизиқишни янада ошириб юборди. Шу боис ўқувчилар сонининг кўплиги учун олимпиада синфларни учта гуруҳга ажратган ҳолда ташкил қилинмоқда. Шу ўринда айтиб ўтишимиз керак, **вазирлигимиз тизимида ўтказиладиган фан олимпиадалари**, асосан, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 1-, 2-, 3-курс ўқувчилари ва умумтаълим мактабларининг 9-, 10-, 11-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилиб, ҳар бир синф учун алоҳида ташкил этилади. Ғолиблар 76-100 балл тўплаган ўқувчилар орасидан аниқланади.

Олимпиада масалалари кўпинча мантикий фикрлашга, ўқувчиларга ностандарт ёндашуви талаб қилади. Олимпиадага тақдим қилинадиган масалаларни шундай кўринишда бериш мумкинки, бунда синфлар (5-7) унчалик ҳам рол ўйнамайди. Масалан, 1234567891011... натурал сонлар кетма-кет ёзилган. Шу қаторнинг 1000-ўрнида қандай рақам турибди? Бу турдаги топшириқлар ўқувчиларни фикрлашга ундайди, алгоритм тузишни ўргатади.

Қолаверса, олимпиадага тайёрлайдиган ўқитувчилар, тренералар ўқувчиларга олимпиада саволлари ҳақида ҳам кенгроқ тушунча бергани мақсадга мувофиқ. Чунки кўп ҳолларда бундай топшириқлар дарсликда йўқ мазмундаги эътирозларга дуч келаемиз. Буни ҳамма тушунишини истардим, Олимпиада – бу ҳамма учун эмас, бу айнан иқтидорли, салоҳияти юқори, билимли ўқувчилар учун. Афсуски, бунга айрим ҳолларда ўқувчилар, уларнинг ота-оналари тушунишни исташмайди.


Халқаро тажриба қандай?

– Айрим ривожланган хорижий мамлакатларда ҳамда халқаро олимпиадаларда ёш чегараларига кўра олимпиадалар ўтказилади, мисол учун 12-14 ёш оралиғидаги ўсмирлар учун (айни бу ёш бизнинг мактаб тизимимизда 5-6-7-синфларга мос) ташкил этилади, – дейди **У.Раҳмонов**. – Қолаверса, кўпгина олимпиадаларда ўқувчиларнинг юқори ёш чегараси белгиланади, куйи ёш чегараси эса белгиланмайди. Унда иқтидори бор, салоҳияти юқори куйи синф ўқувчилари ҳам ўз хоҳишига кўра қатнашади.

Бизда ҳам иқтидорли ва салоҳиятли ёшлар жуда кўп, уларни топиш, аниқлаш, улар билан ишлаш ва илм-фан соҳасига йўналтириш ҳамда ихтисослаштирилган мактабларга жалб қилиш лозим.

Ўқитувчилар нима дейди?

– Ҳар бир фан олимпиада саволлари бошқа ҳудудлардан танланган ҳакамлар томонидан дастурга мос тарзда тузилса ҳаққонийлик янада ошарди, – дейди **Паркент туманидаги 49-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Саодат Миржалилова**. – Шунингдек, ҳар бир туман олимпиадаси ҳакамлари ўз ҳудудидаги эмас, бошқа ҳудуддаги ўқувчилар билимини баҳолашса ўқитувчи ва ўқувчиларнинг норозилиги камайарди. Чунки фан олимпиадаларининг туман босқичларидаги ҳакамларнинг аксарият қисми шу ҳудудлардан танлангани учун таниш-билишчилик бўляпти. Натижада ҳаққонийлик камайиб, билимчилар четда қолиб кетаяпти.



Умид Раҳмоновнинг таъкидлашича, бу масала юзасидан ишлар олиб бориляпти. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларига транспорт ва қўшимча харажатларни қоплаб бериш масаласи ҳам кўрилмоқда.

– Ҳаттоки, ҳакамларга соатбай ҳақ тўлаш тизимини жорий қилмоқчимиз, – дейди **Умид Раҳмонов**. – Ҳозирги кунда ҳакамлар ҳайъатининг родини камайтириш, инсон омили иштирокини қисқартириш мақсадида олимпиаданинг туман босқичларида фақат тест топшириқларидан иборат назорат материаллари қилишни тақлиф қиляпмиз. Чунки куйи босқичлардаги муаммолардан асосийси, ҳакамлар ҳайъатининг ёзма ишларни текширган даги ёндашуви.

Олимпиада ўтказиш тартиби такомиллаштирилади

Айни кунда фан олимпиадаларини ўтказиш тартиби тўғрисида янги низом ишлаб чиқилмоқда. Унга кўра, олимпиада ғолиблари маълум балдан юқори (ҳозирда 76 балл) олган ўқувчилар орасидан эмас, балки баллар кетма-кетлигида аниқланади.

– Олимпиадалар учун назорат материаллари тузишда ҳамкорлик қиладиган мутахассисларга ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари учун алоҳида ҳақ тўланади (ҳозирда ҳақ тўланмайди), – дейди **У.Раҳмонов**. – Ўқувчиларга олимпиада якунига кўра, ечимлар, албатта, кўрсатилади ва тушунтирилади. Келгусида аудиторларни кузатув камералари билан жиҳозлаш, қолаверса, ота-оналар, блогер ва журналистлардан иборат кузатувчилар жамоасини шакллантириб, уларга олимпиада жараёнларини кузатиб бориш имконияти яратилади. Шунингдек, барча фақарлардан олимпиадаларни бир пайтда эмас (ҳозирда барча фақардан ҳар бир синф кесимида бир пайтда ўтказилади), балки

сифатли ва назорат остида шаффоф ва адолатли ўтказишни таъминлаш мақсадида фанлар бўйича турли муддатларда ўтказилади.

Бундан ташқари, олимпиадаларда ўқувчилар учун янги форматдаги титул варақларидан фойдаланиш йўлга қўйилади. Халқаро олимпиадаларга саралашни шаффоф ва адолатли ўтказиш учун эса ёзма ишларнинг нусхасини ўқувчиларга (уларнинг ўқитувчиларига ҳам) бериш амалиёти жорий қилинмоқда.

Рағбат етарлими?

Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, халқаро ва республика фан олимпиадалари ғолибларини рағбатлантиришнинг янги тизими ҳамда янги турдаги (онлайн, республика ҳамда нодавлат) олимпиадалар ўтказиш йўлга қўйилди. Агар ўқувчи асосий фан (математика, физика, кимё, биология, информатика ва АТ) олимпиадаларида республика босқичида 1-ўринни қўлга киритса 11 млн. 150 минг сўм, қўшимча республика фан олимпиадалари ғолиби 22 млн. 300 минг сўм, Халқаро фан олимпиадасида олтин медални қўлга киритган ўқувчи эса 111 млн. 500 минг сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилади...

Кўриниб турибдики, билим олишга иштиёқи бор ўқувчилар учун ҳам, билимли, тажрибали ўқитувчилар учун ҳам рағбатлар етарли. Демак, барчаси ўз қўлимизда: ўқувчилар пухта билим олишса, ўқитувчилар кучли билим беришса, мутасаддилар эса олимпиадаларнинг шаффоф ва адолатли ўтишини таъминлай олишса, бўлгани – барчаси ўз ўрнида бўлади.

Рустам ЮСУПОВ
«Mahalla»

Мақтабларда

«ОЛТИН МЕДАЛЬ»

ТИЗИМИ ҚАЙТА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИМИ?



Кўпчилик эслади: авваллари мактаб битирувчиларини рағбатлантириш, фанларни ўзлаштиришга қизиқтириш мақсадида «олтин медаль» билан тақдирлаш тажрибаси амал қилган. Бу медалнинг имтиёзи эса исталган олий таълим муассасасига имтиҳонсиз кириш ҳисобланган. Бу тажриба ўз даврида қанчалик самара берди? Бизнинг-ча, ёмон эмас. «Олтин медаль» билан битирганларнинг кўпчилиги кейинчалик мамлакатга фойдаси тегадиган катта лавозимларни эгаллашди. Улар орасидан кўплаб олимлар, машҳур ёзувчилар етишиб чиқди.

Аммо негадир бу тажриба кейинроқ тўхтатиб қўйилди. ОТМга қабул қилишнинг тест синови тизими жорий этилди. Давлат тест маркази мазкур тажрибани бошқача кўринишда қайта тиклаш ташаббуси билан чиқмоқда. Бу тўғрисидаги қарор лойиҳаси муҳокама учун жамоатчиликка эълон қилинган. Ташаббускорларнинг фикрича, янги тизим мактабда фанларни ўзлаштириш жараёнига ижобий таъсир ўтказиши.

Бу эски тизим эмас...

Лойиҳага кўра, 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб, ОТМга кириш имтиҳонларида мактаб битирувчиларининг сўнгги олти йиллик баҳолари ўртача кўрсаткичини инобатга олиш режалаштирилмоқда.

— Бу собиқ иттифоқ давридаги «олтин медаль» тизими эмас, — дейди **Давлат тест маркази мутахассиси Фарҳод Мирзаев**. — Лойиҳага кўра, ўртача кўрсаткич тест синовлари тугагач, танловдан олдин қўшилиши тақлиф этилган. Бундан 2022-2023 ўқув йилидан

бошлаб, умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасалари ва касб-ҳунар мактаблари битирувчиларининг шаҳодатномаси (диплом иловаси)га мажбурий 11 йиллик таълимнинг сўнгги 6 йиллик баҳолари ўртача кўрсаткичи киритилиши режалаштирилди. Таълим муассасалари ва касб-ҳунар мактабларига масъул вазирилари ва идоралар 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб, ўз битирувчиларининг сўнгги 6 йиллик баҳоларини акс эттирувчи электрон платформа яратди. Баҳолар электрон платформага ҳар ўқув йили учун июнь ойида киритилади.

Ўртача кўрсаткич қандай ҳисобланади?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ҳолатда мактаб ўқувчиси баҳосининг ўртача кўрсаткичини ҳисоблашда битирувчининг 6-11-синфлардаги йиллик баҳоларининг умумий йиғиндиси ҳар бир синфдаги ўқиган фанлар сонининг умумий йиғиндисига нисбати олинади. Ўрта махсус

таълим муассасалари ва қабули 9-синф негизи асосида амалга ошириладиган касб-ҳунар мактаблари (колледж, лицей) битирувчилари баҳосининг ўртача кўрсаткичини ҳисоблаш эса 6-9-синфлар ҳамда 1-2-босқичдаги баҳолар кесимида аниқланади.

— Лойиҳа муҳокамадан ўтса, 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб, ушбу кўрсаткич ОТМга кириш имтиҳонларида инобатга олинади, — дейди **Фарҳод Мирзаев**. — ОТМга қабул тестлари тугагач, белгиланган муддатда абитуриентларнинг тест синовида тўплаган балларига уларнинг ўртача кўрсаткичлари қўшилади, шундан кейин ўқишга танлов амалга оширилади. Агар абитуриент имтиҳонда максимал баллнинг 30 фоизидан кам балл тўпласа, ажратилган квота доирасида танловда иштирок этолмайди.

Қабул жараёнида абитуриент томонидан тақдим этилган шаходатномадаги ёки диплом иловасидаги баҳолар билан махсус электрон платформага киритилган баҳолар ўртасида тафо-

вут аниқланса, у ҳолда абитуриентнинг кейинги ҳолати кириш имтиҳонларида (талабалikka қабул қилинган бўлса) талабалikka қабул қилинган таълим йўналиши доирасида қайта кўриб чиқилади. Агар киритилган ўзгаришлар туфайли абитуриент тўплаган балл қабул чегарасидан пастлаб кетса, мазкур абитуриент олий таълим ташкилотига қабул қилинмайди.

Билимли ўқувчи имтиҳондан кўрқмайди

Масала жамоатчилик томонидан турлича талқин қилинмоқда. Айримлар аслида билимли ўқувчи имтиҳондан кўрқмаслиги ва ҳамма қатори ундан ўтавериши керак, деган фикрни берса, бошқалар лойиҳа ростидан ҳам мактабларда ўзлаштириш, давомаднинг олиши, шунингдек, ўқитувчиларнинг обрўсини кўтаришга хизмат қилишни айтишмоқда.

— Менимча бу нотўғри ташаббус эмас, — дейди **Олтириқ туманидаги 1-умумтаълим мактабининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Адиба Пўлатова**. — Бу айрим ўқувчилар, ота-оналар томонидан ўқитувчини менимча ҳолатларига барҳам беради. Масалан, кейинги пайтларда юқори синф ўқувчиларининг устозларини беҳурмат қилиши, ҳатто уларга қўл кўтариш ҳолатларига гувоҳ бўляпмиз. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг уй вазифаларини бажармаслик ҳолатлари ҳам яқунланади. Уларда мактаб таълимига қизиқиш уйғонади. Қолаверса, кўпинча ота-оналар юқори синфдаги фарзандини мактабдан олиб, репетиторга бериш ҳолатлари ҳам учрайди. Бундан бола

фақат ўзи танлаган йўналиш учун мавжуд фанлар бўйича билим олади, холос. Қолган фанларни ўзлаштирмайди. Аммо таълим дастуридаги барча предметлар бирдек муҳимлигини ҳисобга олсак, бу нотўғри йўл ҳисобланади. Тақлиф этилаётган лойиҳа эса юқоридагиларга барҳам бериши мумкин.

Албатта, бу педагогнинг фикри. Лойиҳа мазкур касб эгалари манфаатларига мос келиши мумкин. Аммо айрим ота-оналар ўзгача фикрда.

— Илгариги «олтин медаль»нинг ростидан ҳам фақат билимли ўқувчилар олган, деб ҳисоблайсизми, — дейди **Тошкент шаҳри Яшнобод туманидан Саида Эшмўминова**. — Кўп ҳолларда «олтин медаль» мансабдорлар ва пулдорларнинг болаларига насиб қилган. Агар ҳозир шунга ўхшаш янги тизим қилсак, соҳада яна коррупция авж олиши мумкин. Ота-оналар фарзандининг баҳосини кўтариш учун ўқитувчиларга совга таший бошлаши мумкин. Ота-оналар фарзандининг баҳосини кўтариш учун ўқитувчиларга совга таший бошлаши мумкин. Ота-оналар фарзандининг баҳосини кўтариш учун ўқитувчиларга совга таший бошлаши мумкин. Ота-оналар фарзандининг баҳосини кўтариш учун ўқитувчиларга совга таший бошлаши мумкин. Ота-оналар фарзандининг баҳосини кўтариш учун ўқитувчиларга совга таший бошлаши мумкин.

Бизнинг-ча эса, таълим, олий таълим даргоҳига ўқишга кириш тизимини ростидан ҳам ислох қилиш пайти келган. Демак, ривожланган давлатлар тажрибасида синовдан ўтган усулларни соҳага жорий этиш зарар қилмас керак. Фақат бунда коррупцияни жиловлаш тизимини ҳам жиддий ўйлаб кўрмоқ лозим.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Сайловлар октябрь ойида ўтказиладими?

— Президент сайлови санаси ўзгариши ҳақида эшитдим. Бу маълумот расман тасдиқландими?

МЕНДА САВОЛ БОР...

Раъно ШОКИРОВА.
Сирдарё вилояти.

Нуриддин ҲОЛИҚОВ,
хуқуқшунос:

— Президент томонидан 2021 йил 8 февралда имзоланган тегишли қонунга кўра, эндиликда Президент сайлови, Олий Мажлис, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида

ўтказилиши белгиланди. Шунингдек, сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари эса туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ўқувчи мобил дастур яратилди.



НИКОТИНЛИ СНЮС нега мактабларгача кириб боряпти?

Таълим ва тарбияни бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис мактабда болаларнинг билим олиш билан бирга, тарбиясига ҳам эътибор қаратилади. Ҳарқалай, бирон ўқувчининг ноҳўя хатти-ҳаракатидан кейин мактаб директорию, синф раҳбаригача жазога тортилиши шундай ҳулосага келишга сабаб бўлади. Аммо ўқувчиларнинг тарбияси билан ўқитувчилар қанчалик шўғуллана олади? Агар етарлича тарбия бера олаётган бўлса, нима учун ўқувчилар орасида турли кўнгилсиз ҳолатлар рўй бeryпти?

мони ҳал этиш учун бирон чора кўрилганми?

— Тошкент шаҳар ИИББ томонидан снюс(никотинли қопчалар)ни сотиш ва реклама қилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш тўғрисида таклиф берилди, — дейди **Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг масъул ходими Нилуфар Исахонова**. — Бу ташаббусимизни Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўллаб-қувватлади. Энди биргаликда снюс сотилишини тартибга солишга айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, таркибида никотин бўлган маҳсулотларни тамаки маҳсулотларига тенглаштириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни бошладик.

Сўхбатлар вақтида ўсмирлар бунинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқлигини таъкидлашади, чунки маҳсулот таркибида жуда кўп миқдорда никотин борлигини билишмаган. Боз устига, снюслар савдоси очик, эркин, уларни сотиб олиш осон. Қонунчиликдаги ўзгаришлар мана шу каби бўшлиқни тўлдирди. Зеро, масалани ҳал этиш учун, аввало, қонуний асос бўлма-са, бирон жиддий натижага эриш бўлмайди. Шунинг учун ҳозирча ота-оналар назоратни кучайтириши, ўқитувчилар ўқувчиларда бўлаётган ўзгаришларга эътибор қилиши зарур.

рини идрок этмайди. У ҳарфин, пасив ва саволларга жавоб бермайдиган бўлиб қолади. Агар вақт ўтказиб юборилса, бола кейинчалик никотинга қарам бўлиб қолади. Бу эса болаларнинг соғлиги билан боғлиқ муаммоларнинг бошланиши демакдир. Шунинг учун ҳам ота-оналар ва ўқитувчиларни хушёрликка чақиритишимиз, фарзандларимизни бундай кўнгилсизликдан сақлашимиз зарур.

Психолог Зебунисо Аҳмедованинг айтишича, фарзанди снюсдан фойдаланаётганини билиб қолган ота-оналар бола билан профилактик сўхбат ўтказиши, унга таркибида тамаки бўлмаган, аммо никотинли маҳсулотлардан, айнан шу снюсдан қандай зарар кўриши мумкинлигини тушунтириши, болани кузатиб бориши, унга эътибор бериши, спортга, соғлом турмуш тарзига жалб қилиши керак.

Хулоса ўрнида

Ўтган йиллар давомида таътил вақтида ўқувчининг қилган хатоси сабаб мактаб директори ишдан кетган вазиятлар ҳам кузатилди. Лекин кейинчалик Халқ таълими вазирлиги ўқитувчиларни химоя қилиб, бундай вазият учун улар жавобгар эмаслигини айтиб чиқди. Бу тўғри қарор, аммо бизда ҳамон ўқитувчининг таълим ва тарбиядаги вазифалари аниқ кўрсатиб берилмаган. Исталган ўқитувчи билан сўхбатда шу ҳақда савол берсангиз, у ўтадиган дарс вақтини ва тўлдириши зарур бўлган ҳужжатларни санаб беради. Демак, бу борада аниқ кўрсаткичларни ҳисобга олган тизим ишлаб чиқиш фурсати етган. Шундагина ота-она фарзандим мактабда тарбия олади, деган қарашдан тийилиб, хушёр тортади. Ўқитувчи эса фақат дарс ўтиб, таълим берсам бўлди, деган қарашдан фориг бўлади.

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ тайёрлади.



ортиқча қоғозбозлик деярли қамаймагани аниқ. Демак, тизимдаги бу жиҳатни яна бир бор жиддий кўриб чиқиш зарур.

Қонундаги бўшлиқ сабабми?

Майли, Халқ таълим вазирлиги барча имкониятни қилиб берган, ўқитувчининг масъулиятсизлиги сабаб юқоридаги каби кўнгилсиз ҳолатлар юз бeryпти, деб ҳисоблайлик. Лекин фарзандларимиз соғлигига жиддий хавф тўғдирадиган никотинли қопчалар савдосини кимдир назорат қилиши керак эмасми? Бу муам-

ишлашга ортиқча вақти йўқ. Негаки, ҳамон ортиқча қоғоз тўлдирибдан кутула олмадик. Бир сафар ўзим билан шундай ҳолат рўй берган: ўқувчиларимдан бири анчадан буён тамаки чекар экан, лекин бундан хабарим йўқ эди. Ўртоқлари эса «чақимчи» бўлиб қолмаслик учун бунинг сир сақлаган. Бунинг учун фақатгина ўқитувчини тўла айбдор деб бўлмайди.

Албатта, биз ўқитувчини тўла айблашдан йироқмиз, лекин ўқувчининг мактабда ўтказадиган вақти учун ким жавоб беради? Таълим ва тарбия алоҳида мавзуми? Бундай саволларга Халқ таълими вазирлиги одатдагидек, ҳужжатларнинг қисқаргани, ўқитувчи тарбиячи ҳам экани ҳақида умумий гапларни истаганча айтиши мумкин. Аммо

Ўқитувчи ҳужжат тўлдирадими, ўқувчини тарбиялайдими?

Масалан, яқинда Тошкент шаҳрида ички ишлар органларининг «Давомат» тадбири давомида айрим мактаб ўқувчиларининг ёнидан никотин қопчалари топилгани кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Хўш, улар қандай қилиб мактабгача кириб борди?

— Юқори синф ўқувчилари ўтиш даврида бўлгани сабабли улар доимо назоратда бўлиши талаб этилади, — дейди **Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 37-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулноз Лолаева**. — Бу ўқитувчидан икки ҳисса кўпроқ масъулият талаб қилади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ўқувчидаги ўзгаришларни доим ҳам билиб олишининг имкони йўқ. Чунки ўқитувчининг ўқувчилар билан

Буюмни алмаштиришда қўшимча тўлов тўлайманми?

— Ўтган йили газ плитаси сотиб олган эдим. Аммо орадан 3 ой ўтгач, унинг носозлиги маълум бўлди. Уни бошқасига алмаштириб олмақчи эдим, дўконда нархи ошганини айтишди. Яна қўшимча пул тўлашим керакми?

МЕНДА САВОЛ БОР...



Хуршид РАҲМАТОВ.
Тошкент шаҳри.



Аъзам ҚУРБОНОВ,
Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш агентлиги директор ўринбосари:

— Нуқсонли товар аини шундай маркали маҳсулотга алмаштириб берилган вақтда товарнинг нархи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди. Агар алмаштирилиши керак

бўлган товар нархи унинг ўрнига берилмаётган товар нархидан паст бўлса, истеъмолчи нархдаги фарқни қўшимча равишда тўлаши лозим, аксинча бўлса, истеъмолчига нархдаги фарқ қайтарилди.

Бундай ҳисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган тақдирда, унинг талаб қўйилган пайтдаги нархи, нархи пасайган тақдирда эса харид қилинган пайтдаги нархи қўлланилади.

Снюслар қанчалик зарарли?

— Снюслар ёшлар орасида «мода»га айланиб бoryпти, — дейди **олий таълим вазирлиги ва таълим қўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг ўқитувчи билиб олиши унчалик мушкул эмас. Бола таркибида никотин бўлган маҳсулот таъсирига тушса, ўз аҳволини назорат қиллолмайди. Дарсларни, ўқитувчиларнинг топшириқла-**



Чет эл ҳақида эшитганмиз. Агар ота-она фарзандини урса, бола махсус идорага телефон қилади. Қарабсизки, ўн дақиқада полиция, ижтимоий ҳимоя бўлимлари ходимлари, маҳаллий муниципалитет раҳбарияти хонадонга етиб келишади. Ҳолат ҳатто катталарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишгача ҳам бориб етиши мумкин. Шу боис одамлар болаларини тарбия нуқтаи назаридан шепатилаб қўйишга ҳам чўчишар экан. Зеро, оилада куч ишлатиш тўғрисидаги хабар ошкор бўлса, ота-онанинг тақдири ижтимоий ҳимоя бўлимлари ходимлари ваколатига ўтиб кетади.

«БОЛА ота-онасидан

шикоят қилиб, «Ишонч телефони»га қўнғироқ қиладими?

Бу тўғрими ёки нотўғри, аниқ айтиш қийин. Ҳар бир миллат, ҳар бир жамиятнинг ўз ҳақиқати, тарбия усуллари бор. Аммо яқинда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ходимлари шунга ўхшаш тизимни Ўзбекистонда ҳам қўллаш бўйича масалани муҳокама қилгани биздаги ота-оналарни ҳам ҳушёр тортиргани рост. Ҳўш, ўзи нима гап?

Болалар устидан зўравонлик кўпайиб бораптими?

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида тез-тез болалар устидан зўравонлик, уларга турли — жисмоний, руҳий таъйиқлар ўтказилаётгани тўғрисида хабарлар муҳокама қилиняпти. Масалан, яқиндагина Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида яшовчи вояга етмаган қизнинг ўғай онаси томонидан мунтазам хўрлаб келингани бутун жамиятни ларзага солди. Қизчанинг маҳалла идораси, ҳатто ҳокимият, ички ишлар ходимларига қилган мурожаатлари ҳам узок вақт эътиборга олинмаган.

Бу каби воқеаларни яна санаш мумкин. Тошкентлик бир эрак тўрт ёшли қизини оиласини ташлаб кетган онадан қасд олиш учун уриб, аёвсиз тепкилагани, икки болага ўлдириб билан дағдаға қилган она, Самарқандда олти ёшли ўғлини бўғиб ўлдирган ота, Қўқонда етти ёшли ўғлини ўлдириб, бута ортига яшириб кетган ёлғиз она ва ҳоказо... санайверсанг юрак эзилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, оилада болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш учун, албатта, нима-

дир қилиш керак. Эҳтимол, ташкил қилиниши назарда тутилаётган болалар учун «Ишонч телефонлари» масаланинг ечими бўла олар.

Янги тизим ўзинима?

Ҳўш, ўзи бу режа қандай ишлаши назарда тутилмоқда?

— Бу мавзунинг ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Мониторинг ва баҳолаш бўлими раҳбари Жанар Сағимбаева ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда муҳокама қилиб чиқдик, — дейди Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Котибияти мудирини Саидбек Азимов. — Бу «Ишонч телефонлари» боланинг қонуний вакиллари ва тўғридан-тўғри Омбудсманнинг бола ҳуқуқлари бўйича Вакилига мурожаат қилиш имкониятини яратиш учун ташкил қилинмоқда. «Ишонч телефонлари»ни жорий этиш орқали Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятини тақомиллаштириш, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти устидан самарали парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Лойиҳага кўра, «Ишонч телефонлари» орқали 12 соат давомига мураккаб турмуш шароитига тушиб қолган болалардан мурожаатлар қабул қилиш ҳамда уларни ўз ҳуқуқларига оид ишончли, аниқ ахборотлар билан таъминлаш режалаштирилган.

Боланинг ақли етармикан?

Тизим ишга тушгач,

«Ишонч телефонлари» рақами болалар учун кўринарли бўлган ҳудудлар — боғчалар, мактаблар, лицей ва коллежлар, истироҳат боғларида осиб қўйилади. Телевидение орқали тарғиб қилинади. Аммо муаммо шундаки, бола бу телефонга қўнғироқ қилиш керак эканини тушуниб етармикан?

— Нега етмайди, деб ўйлайсиз, — дейди психолог Зебунисо Аҳмедова. — Бошқа мамлакатларда ақли етмапти экан, нега бизнинг болалар бунини тушунмаслиги керак? Албатта, тушунишади. Эътибор берсангиз, ҳозир болалар 4-5 ёшидан уяли алоқа воситаларидан фойдаланишни ўргана бошлашади. Бу ерда гап бошқа нарсада. Жараённинг болалар психологиясига қандай таъсир ўтказишади. Эътибор берсангиз, ҳозир болалар психологиясига қандай таъсир ўтказишади. Яъни ўзбек оилаларида хоҳлаймизми-йўқми, тарбия жараёнида баъзан «енгил шапати» усули бор. Бунинкор қилиб бўлмайди. Қўнғироқ қилиб, кимнидир ота-онага қарши ёрдамга чақириш имкони эса болада жазосизлик туйғусини кучайиб кетишига олиб кетиши мумкин. Ота-онанинг «авторитети»га зарарли таъсир ўтказиши эҳтимоли катта. Шу боис бу тажрибани амалиётга жорий этаётганда тарбиянинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш лозим. Қўпол зўравонликни нозик тарбиядан ажратиб олиш керак. Менимча, бу борада ота-оналар тарбиясига кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

«Бола меники, ишингиз бўлмасин»

Дарҳақиқат, болалар устидан зўравонликнинг олдини олишда айнан ота-

оналар тарбияси муҳимлиги шубҳасиз. Бу борада маҳалла раислари, маҳаллий ҳокимликлар алоҳида иш олиб бориши лозим.

— Айрим ҳолларда кўчакўйда, жамоат жойларида боласини беайб турткилаётган оналар, оталарга кўзим тушиб қолади, — дейди Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги «Бўстон» маҳалласи раиси Шокир Мамашаев. — Дакки берсақ, «бола меники, ишингиз бўлмасин», деган жавоб эшитамиз. Аммо бола биргина ота-онаникимикан? «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган нақл бежиз айтилмаган. Туғилган ҳар бир гўдакда ўша маҳалла, одамлар, жамият, миллат, давлатимизнинг ҳам ҳаққи бор. Ҳаққи ҳам бор, мажбурияти, бурчи ҳам бор. Болани ҳамма ҳимоя қилади. Қонун ҳам. Ёш ота оналарга шуни яхшилаб тушунтириб қўймоқ лозим.

Етим болаларни ким ҳимоя қилади?

Бу ўринда кейинги пайтларда юртимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бошқа қатор ташаббуслар ҳам илгари сурилаётганини айтиб ўтиш керак. Жумладан, ҳозирда Вазирлар Маҳкамасининг «Бола ҳимояси» ягона электрон дастурий мониторинг тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Лойиҳа 2020 йилда республика бўйича 11 минг 764 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар аниқлангани муносабати билан ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, лойиҳа ҳозирда рўйхатда

бўлган 9 минг 731 нафар вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутади.


— Таҳлиллар ижтимоий ҳимояга муҳтож чин етимлар, ота-онаси чет элга кетган, ажрашган ҳамда нотинч оилалар фарзандлари баъзан назоратсиз ва қаровсиз қолаётганини кўрсатмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умиджон Жабборов. — Оқибатда бундай болалар жиноят кўчасига кириб қолиши, айрим ҳолларда эса балоғатга етмаган ёшлар ўртасида эрта туғуруқ, ўз жонига суиқасд қилиш каби салбий ҳолатларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Масалан, биргина Бухоро вилоятида чет элга чиқиб кетган, ажрашган ва бошқа муаммолари бўлган 17 минг 330 нафар фуқаронинг назоратсиз ёки қаровсиз қолган 4 минг 73 нафардан ортиқ болаларини тўла-тўқис ижтимоий муҳофаза қилишда узилиш ва айрим камчиликлар юзага келган. Шу боис лойиҳага кўра, «Бола ҳимояси» электрон дастурий таъминот тизими ишлаб чиқилиб, тажриба тариқасида Бухоро вилоятида муваффақиятли ишга туширилди.

Бизнингча ҳам, болалар устидан зўравонликнинг олдини олиш борасида, асосан, маҳалла фаоллари, маҳаллий ҳуқуқ идоралари кўпроқ ишлаши керак. Қўни қўшни, танишларнинг локалдигини бартараф этмоқ, масалага жамоатчилик фикрини шакллантирмоқ зарур.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

БОЛА ЎҒИРЛАШ

билан боғлиқ статистика нега юритилмайди?



— Уйдан кетиб қолган ёки бедарак йўқолган болаларнинг аксарияти оиласида жанжал аримайдиган ёки ота-онаси ажрашган ёхуд уларнинг хориждалиги учун вақтинча қариндошлари қўлида тарбия топаётган ўспиринлардир, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ахборот хизмати бошлиги ўринбосари, подполковник Нилуфар Исахонова. — Уларни уйдан қочишга ундаган ягона сабаб эса — катталарнинг уларга нисбатан эътиборсизлиги, ўз боласига нисбатан бўлган совуққонлик. Чунки тўқис оила бўлса-да, боласи билан тил топиша олмаган ота-оналар ҳам бор. Тошкентда йўқолган болаларнинг аксарияти танишиникига, ўртоғиникига кетишади. «Ўзбекчилик» деймизу, аммо вилоятларда кўп гувочи бўлди, фурсат ўтиб кетиб, мурожаат қилишганида, баъзан, афсуски, кеч бўлади. Шу боис ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, мурожаат қилишни кечиктирмаслик зарур.

Эрталаб фарзандини мактабга кузатиб қўйган ота-она борки, унинг уйга эсон-омон қайтиб келишини интиқ кутади. Агар болажон сал кечикса, хавотирга тушмаган кимса топилмаса керак. Энди тасаввур қилинг, дилбанди кўчага ўйнаб-кулиб чиқиб кетганча уйга қайтиб келмаса-чи? Боласи ҳақида ҳеч қандай хабар бўлмаса, ота-она изтиробларининг чеки бормикан?!

Мавҳумлик ақлдан оздиради...

Ота-она учун фарзандидан ажралиш энг оғир азоб бўлса, жигарғушасининг бедарак йўқолиши ақлдан оздиргудек мавҳумлик, даҳшатли аросат экани ҳаммага аён. Аммо, минг афсуски, болалар билан боғлиқ бундай ҳолатлар учраб туради, уларнинг аксарияти кейинчалик топилса-да, айримлари мутлақ бедарак кетади.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги «Озод» маҳалласида яшовчи 5 яшар қизчанинг зўрланиб, кейин ўлдирилгани барчани ларзага солганди. Суд ҳукми билан жиноятчи 19 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Аммо бир онанинг фарёди ёки мурғак гўдакнинг қанчалар қийналиб жон таслим этганини ўйлаган киши жунбушга келиши тайин.

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги «Тошлоқ» маҳалласида юз берган яна бир воқеа ҳам шов-шувлар-

га сабаб бўлганди. Ўшанда 8 яшар қизчани ўғирлаб кетмоқчи бўлган эркак маҳалладошларнинг ҳушёрлиги, ҳудуддаги бегона шахсларни назардан қочирмаслиги сабабли ушланганди. Қуни кеча Янгийўл шаҳрида ўқувчи қизни ўғирламоқчи бўлган, бироқ шу атрофдаги одамларнинг эътибори сабаб қочиб кетган нотаниш шахс тўғрисидаги маълумотлар яна бир бор ҳаммани сергаклантириб қўйди.

— Ҳозирги кунда юртимиз бўйлаб бола ўғирлари пайдо бўлгани тўғрисидаги ёлғон маълумотлар кенг тарқалмоқда, — дейди Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Шохруҳ Ғиёсов. — Ушбу маълумотлар ҳақиқатдан йирок. ИИБ асоссиз маълумотларни тарқатиб, ваҳима уйғотаётган кимсаларни аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўрмоқда. Айтиш керакки, юртимизда болалар ўғирланиши жуда кам ҳолатда содир бўлади. Кўпинча болалар ота-онаси-

га билдирмай, ўз ихтиёри билан уйдан чиқиб кетиб қолади. Улар топилганда, бунга турли омиллар сабаб бўлгани ойдинлашади.

Албатта, бола ўғирлаш, уларнинг уйни ташлаб кетиши билан боғлиқ ҳолатларнинг ўзига хос сабаб ва оқибатлари мавжуд. Аммо юртимизда бу борада аниқ статистик маълумотлар эълон қилинмаган. Ички ишлар вазирлиги бундай ҳолатлар кам учраши сабаб бу борада алоҳида маълумот юритилмаслигини билдирди. Бу каби ҳуқуқбузарлик одам ўғирлаш, одам савдоси каби жиноятлар қаторига киритилади.

Бизнингча, бундай статистика юритилиши керак. Зеро, бу каби жиноятларни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Рақамлар орқали аҳолини янада ҳушёрликка чорлаш, болаларга бўлган эътиборини кучайтириш, бефарқлик кайфиятини қайтаириш мумкин.

Бола нега уйдан қочиб кетади?

Шундай ҳолатлар бўладими, айнан ўспирин ёшида болаларнинг уйга келмай қўйиши ёки йўқолиб қолиши кузатилади. Бу пайтда ҳар бир ота-онадан эътиборлироқ бўлиш талаб этилади. Хўш, бола нега уйдан бош олиб чиқиб кетиши мумкин? Бунга қандай омиллар сабаб бўлмоқда?

Ҳушёрлик — энг муҳим жиҳат

Айтиш керакки, болаларнинг ўғирланиши, бедарак йўқолиши, сотилиши ва одам савдоси қурбони бўлиши билан боғлиқ даҳшатлар бирор мамлакатни четлаб ўтаётгани йўқ. Статистика маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили ўртача 8 миллион нафар бола бедарак йўқолади. Бу — шунча оиланинг қувончи чилпарчин бўлди дегани. Пайғамбаримиз (с.а.в.) болаларни «жаннатнинг райҳонлари» деб атаган эканлар. Ана шу гулу райҳонлар — бегуноҳ, ўзини ҳимоя қила олмайдиган, беғубор болаларнинг таҳқирлаш, ўғирлаш, азоблаш, сотиш, ҳатто ўлдириб қўли бораётганларни одам деб аташга ҳам тил бормади.

Юртимизда бундай ҳолатга ҳеч ким бефарқ эмаслиги қувонарли, албатта. Бола йўқолгани эълон қилиниши билан деярли ҳамма ўз ёрдамини таклиф этади. Бу юртошларимизнинг эзгу ишларга ҳисса қўиши истаги кучли эканидан, ўзганинг дардига бефарқ эмаслигидан, энг асосийси, келажагимиз эгалари — мурғак авлодга чексиз меҳр ва ғамхўрликка, бола билан бир қаторда унинг оила азоларига ҳам психолог ёрдами кўрсатилади. Психологлар ҳулоасига кўра, ҳам бола, ҳам унинг оиласидаги муҳит ўрганилиб, боланинг уйга қайтиши унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги аниқланса, бола уйга қайтарилмаслиги ҳам мумкин.

Нилуфар
БАХТИЁРОВА.

Одам ўғриси қандай жазоланади?

— Айрим ҳолларда одам ўғирлаган билан боғлиқ жиноятлар ҳақида эшитиб қоламиз. Айтинг-чи, бундай ишни қилган шахслар қандай жазоланади?



Хуршидбек РУЗИЕВ,
Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, подполковник:

— Одам ўғирлаш 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар ўша ҳаракат вояга етмаган шахсга нисбатан,

МЕНДА САВОЛ БОР...

С.ОДИЛОВА,
Тошкент шаҳри.

ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, бундай шахслар 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилинади. Бу ҳолат ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, оғир оқибатларга сабаб бўлса, 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Кўшма Штатлар охириги тўрт йилда амал қилган «Америка — биринчи» деган сиёсатдан воз кечиб, анъанавий иттифоқчилик ришталарини ва дунё билан ҳамкорликни тиклайди, дипломатияни марказий ўринга қўяди. Шу мақсадда янги президент сўнги икки ҳафта ичида мамлакатнинг энг яқин дўстлари — Канада, Мексика, Буюк Британия, Германия, Франция, НАТО, Жанубий Корея ва Австралия раҳбарлари билан гаплашган.

АҚШ дунёга бош бўлишга тайёр... (ми?)

Пандемиядан тортиб, икким ўзгариши ва ядро қуроллари тарқалишига — бу глобал муаммоларни фақат бир ёқадан бош чиқариб ҳал қилиш мумкин. Бу эса дипломатиядан бошлади. Унинг асосида эркинлик ҳимояси, имкониятлар очиб бериш, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига ҳурмат, ҳар бир инсонни қадрлаш ётади. Ушбу позиция Трамп маъмуриятининг «Америка — биринчи» доктринасидан тубдан фарқ қилади. Байденнинг айтишича, олдинги сиёсат АҚШнинг глобал майдондаги нуфузини пасайтирган. Байденга ишонилса, АҚШ «дунёга бош бўлишга тайёр, чекиншига эмас. Душманларига қарши туришга тайёр, иттифоқчиларидан юз ўгиришга эмас. Қадриятларини ҳимоя қилишга тайёр».

АҚШ қочқинларни яна қабул қилади

АҚШ ташқи сиёсати ҳақида гап борар экан, БМТ билан ҳамкорликка устувор аҳамият қаратмоқчи. Трамп маъмурияти БМТнинг турли идоралари юритувчи дастурларга ажратиладиган миллионлаб доллар пулни тўхтатиб қўйган. Натижада ташкилотнинг тинчликпарвар фаолияти, фаластинлик қочқинларга бераётган ёрдами, аёлларнинг репродуктив саломатлиги билан шуғулланувчи дастурлар жиддий молиявий кўмасиз қолди. Трамп иқлим ўзгаришига қарши курашни мақсад қилган Париж иқлим битимидан ҳам чиқди. Байден ҳокимиятга келиши билан Трампнинг халқро сахнадаги айрим қарорларини бекор қилди. Кузатувчиларга кўра, Байден ташқи сиёсати БМТ Бош қотиби Антониу Гутерришга каттароқ роль ўйнашга имкон беради.

Байденнинг ўтмишдоши Трампдан ташқи сиёсатдаги қарашлари буткул тескари. Масалан, аини пайтда АҚШ Мудофаа вазирлиги глобал ҳарбий стратегия ва қўшинлар жойлашувини қайта кўриб чиқмоқда. Бунинг доирасида Саудия Арабистони бошчилигида Яманда кечаётган ҳарбий амалиётларни қўлаб-қувватлаш ва қурол сотиш тўхтатилади. Давлат департаменти ҳусийларни террорчи ташкилотлар рўйхатидан олиб ташлаш ҳақида Конгрессни хабардор қилган. Трамп маъмурияти сўнги дақиқада, Байден ишга киришишидан бир кун олдин ҳусийларни

ва Фаластин ўртасидаги тинчлик музокаралари «икки халқ — икки давлат» тамойили асосида давом эттирилиши мумкин. Бундан ташқари, йилига 125 минг қочқинни қабул қилиш қарори эълон қилинди. Трамп даврида бу рақам 15 минг минг эди.

Россия ва Хитой билан муносабатлар қандай бўлади?

Президент Байденнинг таъкидлашича, Россиянинг сайловларга аралашуви, кибер ҳужумларни амалга ошириши, ўз фуқароларини заҳарлаши каби агрессив ҳаракатларига кўз юмиш даври ўтди. «Россияга нисбатан жазо чораларини қўллашда, манфаатларимизни ҳимоя қилишда иккиланмаймиз. Шерикларимиз билан маслаҳат қилиб, коалиция бўлиб ҳаракат қилсак, бу чоралар янада самарали бўлади», — дейди Байден.

Ташқи сиёсат билан шуғулланувчи айрим таҳлилчилар Байденнинг Путинга реалистик ёндашувини ижобий баҳоламоқда. Шу билан бирга, у икки давлат миллий манфаатлари учун муҳим бўлган ва чала қолган ишларни ҳам олға юргизишга уринмоқда. Айрим экспертлар назарида, АҚШ ва бошқа мамлакатлар учун Навалний ҳамда Россияда инсон ҳуқуқларининг паймол бўлаётгани мавзусини кўтариш муҳим, аммо кўп нарсани кутмаслик керак. Оқ уйга ким келишидан қатъий назар, Россия — АҚШ муносабатларида ижобий ўзгаришлар юз бермайди.

Ташқи сиёсатга доир нутқида Байден Хитойни «энг жиддий рақиб» деб атаб, Пекин билан турли мавзулар бўйича ора-

ни очиқ қилиш кераклигини таъкидлади. Шу билан бирга, манфаатлар муштарақ бўлган ҳолларда АҚШ Хитой билан ишлашга тайёр. Жо Байден Хитой билан аввалги президент Дональд Трамп сингари савдо уруши олиб бориш ўрнида дунёнинг иккинчи рақамли иқтисодиёти билан халқаро қоидалар асосида рақобатлашишга ваъда берди.

Байденнинг сўзларига кўра, икки мамлакат ўртасида низога айланиб кетмайдиган рақобат бўлиши лозим. Икки давлатни ким бошқараётганидан қатъий назар орада рақобат давом этади. Ҳаммаси юқорида ўтирган раҳбарлар оқилона қарорлар қила олишига боғлиқ бўлади. Байден тарафидан тарифларни энгиллаштиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат қаршиликка учраши тайин. Чунки Хитойга нисбатан қатъий позицияни Конгрессдаги ҳар икки партия қўллаб-қувватлайди.

Эрон тақдири қандай кечади?

Эрон ҳукумати Европа Иттифоқи Техрон ва АҚШнинг ядро дастурига доир халқаро битимга қайтишига ёрдам бериши мумкинлигига ишора қилмоқда. Эрон Ташқи ишлар вазирлиги Мухаммад Жавод Зариф АҚШнинг CNN телекомпаниясига берган интервьюси чоғида Европа Иттифоқи ўртага тушса, Эрон битимга Вашингтон билан бир пайтда қайтиши мумкинлигини айтди. Вашингтон бу ғояга муносабат билдирмади ҳозирча. Давлат қотиби Антони Блинкен ўтган ҳафта Қўшма Штатлар шартномага қайтиши мумкинлигига ишора қилди.

Жо Байден президентликка келиши билан АҚШ маъмуриятининг Эронга

доир баёнотлари юмшанган бўлиши мумкин, аммо минтақада таранглик ҳамон мавжуд. Эронда июнь ойига белгиланган президент сайловлари Техрон ва Вашингтоннинг сиёсий ҳисобкитобини қийинлаштириши мумкин. Консерватив сиёсатчилар президент Ҳасан Рўхонийдан ядровий битимдан тубунлай воз кечиши билан талабларни бир пайтда бажарсин, дея тақлиф бермоқда. Айрим маълумотларга кўра, Оқ уйнинг янги раҳбари аввалги президентнинг Эрон билан ядровий келишувдан чиқиш тўғрисидаги фармонини бекор қилиши ҳам мумкин.

Жо Байден маъмурияти ядровий келишувга қайтиш учун қадам сифатида иқтисодий санкцияларни сақлаб қолган ҳолда Эроннинг молиявий аҳволини энгиллаштириш йўллари кўриб чиқмоқда. «Блумберг» агентлиги манбаларининг маълумот беришича, муҳокама қилинаётган йўллардан бирида коронавирус пандемиясига қарши курашиш учун Эронга Халқаро валюта жамғармиси томонидан қарз берилиши ҳамда мамлакатга халқаро инсонпарварлик ёрдами етказилишига тўсиқ бўлаётган тақиқларни юмшатиш кўзда тутилмоқда. Ҳар ҳолда Эрон Америка санкциялари сабабли нефть экспортида 100 млрд. доллар миқдоридagi даромаддан маҳрум бўлди.

Абдували САЙБАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

«қора рўйхат»га киритган эди. Эътибор бундан буён тинчлик музокараларини қайта бошлашга қаратилади.

Айни пайтда АҚШ глобал ҳарбий стратегиясини ҳам қайта кўриб чиқяпти. Германиядаги қўшинлар сонини камайтириш бўйича Трамп даврида қабул қилинган қарор ижроси тўхтатилган. Бу АҚШ ташқи сиёсатини меъёрига қайтарши, яъни иттифоқчилар билан яқин ҳамкорлик йўлини танлаш демакдир. Озодлик ороли — Кубадан иқтисодий санкциялар олиб ташланиши, Исроил

Кузатувчиларга кўра, Байден ташқи сиёсати БМТ Бош қотиби Антониу Гутерришга каттароқ роль ўйнашга имкон беради.



Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ:

САНЪАТ, БУ — ШИРИН АЗОБ

Мисраларни ўқи-боқ кўшиқ оҳанги қалбингизда жанг-жанг сочган, бўлса не ажаб. Ҳа, бу ўша нафақат санъатимиз, балки қалбимиз олтин фондидан ўрин эгаллаган жангдор, лирик овоз соҳиби Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВнинг «Ажаб сирлар» кўшигидан олинган парча.

*Ажаб сирлар, ажаб сирлар...
Ажаб сирлар бормиш субҳи сабода,
Умр аке этармиш оқар дарёда,
Умид юлдузлари порлар самода,
Мен бахтим топгайман қай дилрабода?
Бизни ҳам севгучи бордур дунёда...*

Ҳар гал кишини сел қилгучи, мушоҳадага ундовчи бу каби ижод намуналарини Ўзбекистон халқ артисти репертуарида кўплаб топиш мумкин. Ўзбек санъатида ўз ўрнига, йўли ва такрорланмас овозига эга, ёнимиздаги афсона билан суҳбатимиз ижодга меҳр, унинг машаққатлари, ижод намуналарининг яратилиш тарихи ҳақида бўлди.

— Ҳеч ким ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Санъатга меҳр туғма, Тангри томонидан юктирилган бўлади, — дейди **Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов**. — Қалбадаги бу иштиёқни эса ҳеч нарса билан чеклашнинг илоҳи йўқ. Болалигимизда радио пластинкаларида эшитган кўшиқларини хиргойи қилиб юрардик. Фахриддин Умаров, Комилжон Отаниёзовнинг кўшиқлари бизни тарбия-

лаган. Санъат даргаларининг ижодини кузатиб, уларга ҳавас қилиб, ўз устимизда ишлаганмиш, шу зайл ҳавасимиз истеъдод даражасида шаклланган.

Санъат: кеча ва бугун — қай бири салмоқли?

— Ҳар бир даврнинг ўз ижодкори, ижрочиси, бастакори, нафасию тингловчиси бор. Ҳозир ва кечани таққослаб, ижодкор, бастакор, хонанда ёки шоирнинг даражасини белгилаш нотўғри. У ўзи яшаётган муҳитга мос ижод қилади. Тингловчи қабул қилгандими, демек ижодкор ўз йўлида ҳақ. Кимдир бугунги ёш хонандалар, кимдир аввалги давр ижрочилари ижодини ҳурмат қилади, уни тинглаб ҳордиқ чиқаради, руҳий озуқа олади. Бу замон зайли, инсон ҳамиша замонга мослашиши керак.

«Ажаб сирлар» қандай яралган?

— Шеър кўлимга тасодифан келиб қолган. Мурод Раҳмон қаламига мансуб «Ажаб сирлар» шеъри «Тошкент оқшоми» газетасида чиққан экан. Газета саҳифасидан шеърни ўқидим. Ундаги ҳар бир сўз юрагимга етиб борди, меҳрим тушди. Шу тариқа халқимизга манзур бўлган кўшиқ дунёга келди. Кўшиқ учун шеър танлашда шоирнинг залвори ҳеч нарсани ҳал қилмайди.



ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон халқ артисти 2020 йил халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари ҳамда жамоатчилик ишларидаги кўп йиллик самарали иштироки учун «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Мисраларни ёш йигит ёки қиз ёзганми фарқи йўқ, муҳими у инсон қалбига етиб борса бас.

Машаққатнинг ширини

— Санъат — машаққат, дегани. Машаққатлиги шундаки, сиз ўзингиз ҳис қилган, юракдан кечирган туйғуларни тингловчига етказиб беришингиз, кўшиққа жисмингиз билан сингиб кетишингиз лозим. Оҳанг, кўшиқ сўзи, нолалар, уларнинг уйғунлигини таъминлаш осон эмас. Бу машаққатнинг ўзига хослиги ҳам шунда, ҳар гал машаққат чекасизу қайта-қайта бу ширин машаққатни ҳис қилишни хоҳлайверасиз. Кўшиқ тайёр бўлиб, куйлаб қалбингиз яйраганда эса буларнинг бари унут бўлади.

Ҳар кимнинг ўз ўлчови бор

— Санъаткорни мақом чархлайди. Мақомни яхши билган инсон бошқа йўналишларни осон ўзлаштиради. Янги ижод намуналари яратаверади. Мақом ўзбек санъатининг пойдевори, ким уни ўрганса, пойдевори мустақкам санъаткор бўлиб етишади.

Санъатни ҳар ким турлича тушунади. Санъат — харом, деган гаплар ҳам эшитамиз. Одамларнинг ўз онгу шуури, тафаккури бор, худди шундай қарашлари ҳам ниҳоятда субъектив. Бу унинг фикри, қараш ва таърифи. Менинг фикримча, санъат одамни фақат эзгуликка чорловчи восита. Яхши кўшиқ эса қалб шифокори, руҳ ороми ва дил малҳамидир.

Тил, миллат танламайди, бироқ...

— Миллий санъатни оммалаштириш ниҳоятда мураккаб жараён. Чунки, бутун дунё инглиз тилида кўшиқ тинглайди. Ҳар бир ҳудуднинг ўз санъати бор. Масалан, турк санъатини ҳам дунё миқёсига чиққан, дея олмаимиз. Уларнинг санъатини шарқ мамлакатлари яхши билади, севиб тинглайди. Худди шундай, ўзбек санъати ҳам қардош халқлар қалбига яқин. Санъат

миллат ва тил танлаймайди, дейишади. Тўғри, у миллату тил танламайди, бироқ менталитет танлайди. Бизнинг оҳанглар дунёқараши, турмуш тарзи бизга яқин бўлганларгагина ором-мароқ беради. Турли халқаро фестивал ва танловларда чет элликларнинг ўзбек миллий мақомини ҳузур қилиб эшитишганига кўп гувоҳ бўлганман. Улар учун миллий куйларимиз, фольклоримиз ниҳоятда қизиқ.

Нега ижод қилмай кўйдингиз?

— Ҳар нарсанинг меъёри бўлгани яхши. Ижодда ҳам бу ақидага амал қилиш керак. Шу боис 2011 йилда катта саҳнадаги фаолиятимни яқунладим. Чунки ижодда кўзлаган мақсадимга эришдим. Кўшиқларимиз озми-кўпми халқимиз қалбидан жой эгаллади. Ҳануз севиб тинглашади. Энди навбат ёшларга!

Садоқат
МАХСУМОВА
суҳбатлашди.

ДАРВОҚЕ...

Нуриддин Ҳамроқулов Тошкент театр ва рассомчилик институтида таълим олган. Ижодий фаолиятини Андижон театрида бошлаб, Ҳайдар («Нурхон»), Равшан («Равшан ва Зулҳумор») каби образларни яратган. Аънавий ва замонавий хонандалик йўлларини ўргангач, Андижон вилоят филармониясида яккахон хонанда сифатида иш юритди. Европа ва Осиё мамлакатларидаги гастрол концертлари эса кўпчилик томонидан эътироф этилган.

НЕГА БОЛАЛАР ОЗУҚАСИ 2 БАРОБАР ҚИММАТ?



Яқинда сурхондарёлик оила учун эгизакларини боқишга қийнаётгани сабабли ёрдам сўраб мурожаат қилди. Она сўради эгизаклар учун етарли эмаслиги табиий. Отанинг даромади эса кунига 45 минг сўмни ташкил этар экан ва бу болаларга қўшимча озуқа воситаси сотиб олиш учун камлик қилади...

Бугун она сўради етишмаслиги, бола ривожланишидаги камчиликлар ва бошқа турли сабабларга кўра болалар қўшимча озуқа билан парваришланмоқда. Тан олиш керакки, бунга ҳар қандай қўшимча озуқа кўриб етмаётгани йўқ. Боиси бундай маҳсулотларнинг нархи арзон эмас. Хўш, нима сабабдан эҳтиёж катта бўлган болалар озуқалари жуда қиммат?

– Талаб юқори бўлган болалар "каша"си импорт қилинади, шу сабабли маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан ички бозорда 2-3 баробар қимматга сотилади, – дейди **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бошқарма бошлиғи Отажон Пирмонов**. – Аслида болалар озуқа воситаларини ишлаб чиқариш ўзимизда ҳам йўлга қўйилган. Бироқ



ва бу иқтисодий зарар. Ана шундай иқтисодий зарарларнинг қиймати ҳам белгиланган нарх ҳисобидан қолланади.

Нархлардаги тафовут

Нархларнинг қиммат белгиланишининг яна бир сабаби, биз билган «Макро» ва «Корзинка»ларда бу турдаги маҳсулотларга устама нархлар кўп қўйилишида. Солиштирадиган бўлсак, 400 грамлик NAN оптипро маҳсулотига «Макро» супермаркетда 85 минг 990 сўм, «Барака» маркетларида эса 77 минг 890 сўм (фарқи 8100 сўм ёки 10 фоиздан ортиқроқ).

Худди шу маҳсулотнинг 800 граммлиги Россиянинг интернет магазинларида 72 минг сўмни ташкил этади, бизда эса 154 минг сўм. Бундан ташқари, 400 грамм микдоридagi NAN superma HM 140 минг сўм, PreNAN 145 минг сўм, NAN геоаллергенний 120 минг сўм, NAN безлактоза 100 минг сўмдан сотилмоқда.

Харидор нархлар қимматлигини айтса, сотувчининг жавоби битта, «хориждан келтирилади». Импорт қилинса, унда икки баробар қиммат бўлиши керакми?

Аслида болалар озуқасига ҳеч қандай

қўшимча тўловлар (акциз ва божхона бож) белгиланмаган. Демак, бундай важдлар шунчаки баҳона. Нима бўлганда ҳам фарзанд жондан азиз. Унинг саломатлиги, яхши ривожланиши учун ота-она нима керак бўлса олади, борини беришга тайёр бўлади. Бироқ тан олиш керак, бугун болалар озуқасига эҳтиёж, асосан, ёш оилаларда кузатилмоқда.

Бир ойда қанча NAN керак?

Ёшлар оилавий ҳаётини эндигина йўлга қўя бошлаган бўлса, боз устига фарзанд кўрган она ишлаш олма-са, қандай қилиб яшаши, боланинг эҳтиёжини қондириши мумкин? Ахир фалон сўмга олинадиган маҳсулот мунтазам берилганда 3-5 кунга базўр этади. Ўртача 4 кунга етган тақдирда ҳам бир ойда камида 8 қадоқ болалар озуқаси олиш керак. Энг арзони 85 минг сўм деб қаралса, бошқа харажатларни ҳисобламаганда болага биргина NAN учун бир ойда 680 минг сўм керак бўлади.

– Фарзандимни тўйдиришга сутим етмагани сабабли кунига бир, баъзан икки маҳал қўшимча озуқа берман, – дейди **жиззахлик ёш она Зарнигор**

Ғоибназарова. – Мунтазам бермаганим учун битта NAN бир ҳафтага етади. Лекин нархлари чиндан ҳам қиммат.

Баъзи оилаларнинг сотиб олишга пули етмайди ва болани оддий печенини сувга ивйтиб бериб боқишади. Аммо печенилар кўп ҳолатларда бола қорнини дам қилади. Қорни дамланмаслиги, енгил ҳазм бўлиши, витамин ва қўшимча моддалари борлиги сабабли ҳам NAN бериш болани ривожланишида фойдали.

Барқарорлик таъминладими?

Болалар қўшимча озуқаларига бўлган талаб, нархларни барқарорлаштиришга бўлган эҳтиёжни оширади. Хўш, қачон бундай маҳсулотлар нархи барқарорлашади? Бу бўйича бирор иш қилинганми?

– Нархларнинг арзонлашиши учун айнан шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак, – дейди **Отажон Пирмонов**. – Ушбу маҳсулот турини ишлаб чиқариш бўйича таниқли бренд компаниялар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Нитана, НПП ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунингдек, оналарда физиологик ҳолатини яхшилаш ва оналар сўтини кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижросини амалга ошириш ишлари олиб борилган. Бу масалага бўлган эътибор ўз самарасини бера бошлади. Масалан, импорт қилинадиган болалар қўшимча озуқа маҳсулотларини чакана сотиш нархи 2019 йил-

да 200 минг сўмгача кўтарилган бўлса, ҳозирда бу анча пасайганини кўриш мумкин.

Ички маҳсулотта талаб қандай?

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида «Дармон-фарм» хусусий корхонаси томонидан болалар кашасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Маҳсулотлар турли хил табиий мевалар ва ундаги витаминлардан фойдаланиб тайёрланмоқда. Шунингдек, республикада ўртача 100 тонна атрофида болалар озуқаси тайёрлаш учун керакли составлар, куруқ сут ва бошқа маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилади. Шундай экан, хорижий фирмалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилса мамлакатимизга ҳам фойда келтиради. Асосийси, бренд фирмалар маҳсулотини билан сифат жиҳатидан тенглаша оладиган болалар озуқа воситалари ишлаб чиқарилса бўлган. Ана шунда нархлар барқарорлиги таъминланади. Бу бўйича дастлабки қадам қўйилган. Фақат ривожлантириш қолган, халос.

Ёш оналар саломатлигини яхшилаш ва бундай озуқаларга бўлган эҳтиёжини камайтириш энг тўғри йўл. Бироқ талаб бор экан, тақлиф қилинадиган нархларни аҳолининг турмуши шароитини инобатга олган ҳолда белгилаш лозим. Зеро, бу фарзандларимиз саломатлиги учун хизмат қилишини унутмайлик!

Ноилахон АҲАДОВА
«Mahalla»



улар импорт қилинаётган таниқли жаҳон брендинга эга маҳсулотлар билан етарли даражада рақобатбардош эмас. Нисбатан нархнинг юқорилиги бу бозор иқтисодиёти, яъни уларда кўрсатиб ўтилган ярқоқлик муддатида истеъмол қилинмаса, сотувдан олинади

Тез-тез қайталанувчи томоқ оғриқлари, асаб зўриқиши асорати, узоқни хира кўриш, ҳуснбузарлар эса ўзини борица қабул қила олмаслик ёки кучли қўрқув таъсирида авж олади. Киши саломатлигидаги бундай ўзгаришларга ғам-ташвишлар, хафагарчилик, аламзадалик, қўрқув каби психологик омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу борада илм-фан касаллик руҳий ҳолатга боғлиқлигига нима дейди?

ҲАЯЖОН ВА



ёмон хаёллар хасталикни чақирадими?

Илм-фан психологик ҳолатнинг инсон танасига таъсири инкор этмайди. Аксарият ҳолларда ҳиссиётларимиз, ўй-хаёлларимиз турли хасталикларга туртки бўлиши мумкин. Масалан, муҳим йиғилиш олдида кўпчилик қаттиқ ҳаяжонланади. Айниқса, йиғилишда нутқ сўзлаш керак бўлса ёки лойиҳа тақдими режа қилинса, ҳис-ҳаяжон икки карра ортади.

Бундай пайтда киши беихтиёр «Гапира олмасам-чи?», «Уддалай олмасам-чи?..», дея хавотирга тушади. Натижада онгости санаб ўтилган ҳолатлардан бирини танлайди ва

унга мос равишда безовталикларни пайдо қилади. Мисол учун, ўз-ўзидан томоқ оғриб қолиши мумкин ёки аллергия, ҳуснбузар тошиши кузатилади. Сизнингча, аввалги кунларда соппа-соғ юрган одам нима сабабдан ўзини ёмон ҳис этиши мумкин? Психосоматика ушбу ҳодисани ўй-хаёллар таъсирида юзага келган дейди.

Хасталикка чалиниш ўй-хаёллар билан боғлиқми?

Шифокорлар психик оғирлик қандли диабет,

бронхиал астма ва яна бир қанча касалликларни келтириб чиқариши мумкин, деб ҳисоблашади. Шунингдек, одам ўзига ўзи хасталикни тўқиб чиқариши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Баъзан бу ҳақиқий касалликка олиб келади.

Дейлик, бош оғригидан азият чекаётган одам оғриқсизлантирувчи дорилардан фойдаланса, ўзича жиддий патологияларни тахмин қилади: «бошимда ўсма бор бўлса керак», деб хавотирланади. Ҳар сафар у шу ҳақда ўйлаганида онгости ахборотни маъқуллайди. Кўп ўтмай, ҳақиқатан ҳам, жид-

дий безовталиқ келиб чиқиши мумкин.

Тўғри, тиббиётда ўсма касалликлари тамоман бошқа сабаблар билан юзага келади. Аммо психосоматика мутахассислари ушбу ҳодисани инсон ўй-фикрлари билан боғлашади. Шунинг учун ҳам доимо шифокорлар беморларга яхши нарсаларни ўйлаш, кайфиятни кўтаришни тавсия этади.

Танадаги оғриқлар-чи?

Инсон танаси нафақат ташки, балки ички омилларга ҳам ўта таъсирчан мураккаб тузилмадир. Психосоматика нуқтаи назардан ёндашилса, танамиздаги оғриқлар ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Бунга инсоннинг ҳиссиётлари ҳам таъсир қилиши мумкин.

Масалан, сурункали бош оғриғи кучли зўриқиш, асабийлик, ҳар нарсага қийинчилик билан эришиш, шошқалоқлик, натижадан қоникмаслик ҳиссиётлари сабаб пайдо бўлади. Атрофдагиларга нисбатан аламзадалик, кимнидир кечира олмаслик юки сабаб эса бўйин соҳасида оғриқ бўлиши мумкин. Елка

оғриклашиши, бел оғриғи, тизза қотиб қолиши, ҳатто ангина, аллергия каби хасталикларнинг келиб чиқиши ҳам инсон психологиясига боғланади.

Хусусан, ўзини ёлғиз сезиш, меҳр-этиборга ташналиқ, ўз «мен»ига ҳаддан ташқари ишонич,

иккиланиш, ўзига нисбатан ишончсизлик каби ҳислар ва ҳолатлар танада юқоридаги оғриқлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Салбий таъсир қиладими?

Психосоматика назарияси негизини ғазаб, қўрқув, хафа бўлиш, қизиқиш, хурсандчилик каби ҳиссиётлар ташкил этади. Дастлабки учтаси киши саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Асабийлашганда, бирор кимдан ранжиганда, кучли қўрқувни сезганда юрак соҳасида сиқилиш, нафас етишмаслиги ҳолатлари кузатилади. Бу ҳам сўзимизни исботлайди.

Даволаш мумкинми?

Қачонки, хасталикка аниқ ташхис қўйилса ва физиологик муолажа давомида руҳиятни соғломлаштиришга ҳам эътибор қилинсагина натижага эриша бўлади.

Бу иш билан одатда, тиббий психолог, психоневролог мутахассислар шугулланишади. Муаммони аниқлаш учун махсус сеанслар ўтказилади. Онгости яширинган ҳолатлар ўрганилади. Бемор ўз муаммосини тан олса ва уни қабул қилсагина, мутахассис ёрдамида муолажа давом эттирилади. Руҳиятни тетиклаштириш барча касалликларни даволашда ижобий самара беради.

Зарифбой ИБОДУЛЛАЕВ,
Асаб ва руҳият тиббий-психологик ёрдам маркази директори, профессор

Ўсмир болага қандай ёрдам бериш мумкин?

– Айни пайтда фарзандим ўсмирлик даврига қадам қўймоқда. Юриш туриши ва муамласида ҳам ўзгаришлар бўляпти. Айтингчи, ўсмирлик даврини бошдан кечириётган болага ота-онани қандай ёрдам бериши мумкин?

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қосим АБДУЛАЗИЗОВ.
Тошкент шаҳри.


Радик КАШАПОВ,
Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери шифокори, олий тоифали уролог:

– Болалик билан хайрлашиб, аста-секин ўсмирлик даврига кириб бораётган ўғил болаларнинг характеридаги жиддий ўзгаришларга жисмоний ва жинсий жиҳатдан улғайиш жараёнининг фаоллашуви сабаб бўлади. Бу ёшдаги болалар дунё аҳлига улғайиб қолгани ҳақида жар солгиси келаверади. Оқибатда улар психик жиҳатдан зўриқиб, характери кескин тарзда ўзгаради.

Болаларимизнинг бундай зиддиятли ҳолатлардан тезроқ қутулишида оилавий муҳитнинг таъсири катта. Ота-она оилада ўзаро тотувлик, ҳурмат ва самимийлик ҳукмрон бўлишини таъминлаб берса, ўсмир ўзининг ички зиддиятларини бирмунча юмшатиши,

фёъл-атворини ижобий томонга ўзгартириши мумкин.

Оилавий муҳит оғир бўлса, ўсмирларнинг фёъл-атворидаги салбий хусусиятлар янада кескинроқ кўриниш касб эта бошлайди. Болалар бебош бўлиб, кўчанинг таъсирига тушиб қолиши мумкин. Демак, фарзандларнинг келажак тақдирини оила муҳити, ота-она ибрати ва тарбиясига боғлиқ эканини асло унутмаслик лозим.





ФОЛБИНГА ИШОНИБ, Яратганга осий бўлманг!

Афсуски, бугун сеҳр-жоду, фолбину азайимхон, иссиқ-совуқ қилувчилар сафи кенгайиб борапти. Таассуфки, мўмай даромад топиш илинжида баъзи олғир «жинкашлар» турли хўйла-найранглар ишлатиб, одамларнинг пулини олиш билан овора. Содда мижозларни хоҳлаган кўйига солиб, бир марта ўқиш билан тузаладиган беморга ҳам: «Камида уч марта ё етти марта ёки қирқ бир марта келинг. Охиргисда хўроз олиб келасиз» деб текинтомоқлик қилмоқда. Бордию, ҳар қанча ўқишига қарамай, бемор даво топмаса: «Энди фолбинликни бўйинингизга олмасангиз, тузалайсиз» деб ўзига ҳамтовоқ бўлувчи фолбинлар сонини орттираётганлар ҳам талайгина.

«Ғайб калитлари Унинг хузуридадир...»

Фолбинлик, бу — келажакдан, ғайбдан хабар беришдир. Ғайб илми Аллоҳга хос бўлгани учун уни даъво қилиш — исломдаги гуноҳи кабиралардан биридир. Сеҳр ва фолбинликнинг ҳар бири гуноҳ жиҳатидан бир-биридан кам бўлмагани учун ҳар иккиси ҳақида бир ҳадиси шарифда умумлаштириб келтирилган. Расулulloҳ (с.а.в.)



дедилар: «**Кимда-ким сеҳр-жоду қилувчи ёки фол очувчига бориб, унинг айтаётган гапларига ишонса, Муҳаммадга нозил қилинган (ислом дини)га куфр келтирибди**» (Имом Аҳмад ривоятлари).

Фолбинлар кўпроқ келажакда рўй берадиган ишларни билишларини даъво қилади. Бу эса шарият ҳукми бўйича динни тарк этиш ҳисобланади. Чунки ғайбни фақат Аллоҳ таолонинг ўзигагина билади. Ким уни билишни даъво қилса, диндан чиққан бўлади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «**Ғайб (яширин иш ва нарсалар) калитлари Унинг хузуридадир. Уларни Ундан ўзга билмас...**» деб марҳамат қилган (Анъом сураси 59-оят).

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу «Фолбин — сеҳргардир, сеҳргарлик эса кофирлик аломатларидандир», деганлар.

Юқоридаги оят ва ҳадиси шарифлардан маълум

бўлишича, сеҳр-жоду, баъшоратчилик ва бошқа иссиқ-совуқ қилиш каби ишлар шариятимизда қаттиқ қораланган. Хаттоки айрим ҳадиси шарифларда келтирилишича, ушбу ишлар ҳалокатга олиб борувчи амаллардан экан. Шунинг учун бу ишларни ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Келажакдан фол очсаю, ўзи камбағал яшаса...

Фолбинларнинг олди-га борган кишилар турли мақсад билан боришади, уларнинг аксари ўз келажagini билишга қизиқади. Аммо оддий бир фаросат билан ўйлаб кўришмайдики, бораётган жойларида ўтирган одам худди ўзлари каби бир одам. Агар фолбин бўлиб, келажакни билса, нима учун турли конларга, лотореяларни ўйнаб бойиб кетмаган? Нима учун камбағал ва хор бўлиб яшамоқда? Ғайбни биладиган одамга яраша-

дими бу ҳолат?!

Афсуски, фолбинларнинг жамият ва оилалар тинчлигига раҳна солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Турли «дуохон», азайимхон ва улар каби бошқа шахслар хузурига бориб, ҳам вақтини, ҳам нақдини сарфлаш билан бирга, Яратганга осий бўлаётган юртдошларимиз ҳали-ҳануз учраб турибди. Уларнинг орасида фарзандларимизнинг тарбиясида ўринлари катта бўлган аёлларнинг кўплиги ташвишимизни яна ҳам орттиради. Жамиятда юз берадиган ажралишларнинг катта қисмига айнан шулар сабабчи бўлади, десак, хато қилмаймиз.

Айнан фолбинлар сабаб эр-хотинлар ўртаси бузилиб кетаётгани каби қариндош-уруғ, кўни-қўшнилар муносабатлари ҳам ёмонлашмоқда. Инсон бошига тушган кулфати, мусибати ёки ўзига етган хасталик сабаб фолбинлар хузурига боради. Улар эса бу ишларни овсинингиз, кўшинингиз ёки фалончи сизга қарши ўқитгани, иситма-совутма қилгани сабаб бўлди, деб ўзларини топқир қилиб кўрсатади. Натижада қариндош ва маҳалладошлар орасига совуқчилик тушади. Бу борада динимиз кўрсатмаларига амал қилмасак, имонимиз мукамал ва Аллоҳнинг олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Ҳозирги пайтда фол очишнинг турлари сон-саноксиз бўлиб кетди. Карта билан, қушларга хат тортириш билан, қўлнинг кафтига қараб, суратга қараб ва ҳоказо. Юқорида айтилганидек, буларнинг ҳаммаси — куфр ишлардир. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «**Кимда-ким фолбинга бориб, ундан бирор нарса сўрасаю ва унинг айтганига ишонса, унинг 40 кунлик намози қабул бўлмайди**», — деганлар. Бу ҳадиси шарифда фолбинга бориш оқибатида қилинган ибодатларни ҳам қабул бўлмаслиги айtilмоқда.

Шумланишдан сақланиш керакми?

Кўпинча шумланиш ёки бирор нарсани беҳосият



Зайниддин ШОНҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти бош имом-хатиби.

деб ҳисоблаш одамларда учраб туради. Динимизда бунинг муолажаси берилган. Бунинг учун Аллоҳ таолога таваккул қилиш ва унинг қазои-қадарига имон келтириш керак. Агар шунда ҳам инсоний табиати ғолиб келиб, шумланиш давом этса, бу нарсага энгилиб юравермасдан таваккул қилади.

Бу борада ушбу ҳадис ривоят қилинган: «**Уч нарсадан ҳеч ким саломат бўлмайди: гумон, шумланиш ва ҳасад. Агар гумон қилсангиз, рўёбга чиқарманг, шумлансангиз қайтманг ва ҳасад қилсангиз, ўзингизни тийинг (ҳасадни рўёбга чиқарманг)**» (Имом Абдурраззоқ «Мусаннаф»да ривоят қилганлар).

Шунинг учун ёқмаган нарсани кўрганда, инсон: «**Эй Аллоҳ, яхшиликни келтирувчи ҳам, ёмонликни дафъ қилувчи ҳам ўзингиз! Сендан ўзга куч ҳам, қудрат ҳам йўқ!**» — деб айтиши буюрилган. Бу ҳақда Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «**Кимда ушбу шумланишлардан бири пайдо бўлса, (Эй Аллоҳ, ёмонлик ҳам яхшилик ҳам фақат сендан. Сендан ўзга илоҳ йўқ), деб айтсин**» — деганлар.

Демак, мусулмон киши сеҳр-жоду қилувчилар, фолбинлар, азайимхон ва «дуохон»ларга бормаслиги ва ишонмаслиги кераклигидан ташқари, уларни хузурига етаклаши мумкин бўлган шумланишдан ҳам сақланишлари лозим бўлар экан.

Жинларнинг таъсиридан қандай сақланиш мумкин?

Жинларни инсонлар кўра олмайди. Чунки улар жуда тез ўзгара олиш қобилиятига эгадир. Киши билмаган ҳолида қайноқ сув сеппиб юбориб, бавл қилиб ва ҳоказо ишлар билан уларга озор етказганида жинлар унга зарар бериш билан интиқом олади.


Жинлардан сақланишнинг йўли эҳтиёткорликдир. Улар кўпинча шомдан кейин, яъни қоронғи тушаётган маҳалда чиқишади, чиқиндиҳоналарда озиқланади. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулulloҳ (с.а.в.) бундай дедилар: «**Хуфтонда идишларнинг устини ёпиб, мешлар оғзини боғлаб, эшикларни тамбалаб ва болаларингизни (уйда) ушлаб ўтирингиз, чунки (шу вақтда) жинлар атрофга тарқалишади...**» (Имом Бухорий ривояти).



Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво хайъати.

Ўзбекистонда «Ҳалол» стандартини жорий этиш янада такомиллашади.

«ИСЛОМ ТАМАДДУНИ ДАРҒАЛАРИ» ХИЁБОНИ БАРПО ЭТИЛАДИ



Давлатимиз раҳбарининг яқинда Бухоро вилоятига ташрифлари чоғида Сайфиддин Боҳарз зиёратгоҳи худудидида «Исломотамаддуни дарғалари» хиёбонини ташкил этиш борасида тўхталиб, икки ой ичида мазкур зиёратгоҳ концепциясини ишлаб чиқиш хусусида тегишли мутасаддиларга топшириқ берган эдилар.

Албатта, ташкил этилажак ушбу муборак масканнинг айнан Сайфиддин Боҳарз зиёратгоҳида жойлаштирилишида ўзига хос рамзий маъно бор. Негаки, азалдан ислом маърифати марказларидан бири сифатида донг таратган Бухоро ҳали IX асрда машҳур фақиҳ Абу Хафс Кабир Бухорий (767-838)нинг закоси тўғрисида «Куббат ул-ислом» – «Исломотамаддуни» шарафига ноил бўлган эса, тарихимизнинг энг мураккаб даврлари – мўғуллар мустамлакаси чоғида шайх Сайфиддин Боҳарз (1190-1261)нинг юксак маънавий жасорати тўғрисида шариф макомини олди.

Сайфиддин Боҳарз ким эди?

Кубровийлик тариқатининг йирик намояндаси, мутасаввуф ва шайх Сайфиддин Боҳарз 1190 йилда Хуросоннинг Боҳарз қишлоғида таваллуд топган. Ҳирот ва Нишопур шаҳарларидаги мадрасаларда таҳсил олган. Буюк фақиҳ, шайхулислом Бурхониддин Марғинонийнинг (1123-1197) «Ал-Ҳидоя» китоби юзасидан у кишининг ўғли Жамолдиндан дарс олган. Сўнгра Хоразмга келган.

Сайфиддин Боҳарз Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Кўҳна Урганчда Нажмиддин Кубро таҳаллуши билан танилган улуғ шайх, кубровийлик тариқатининг асосчиси Аҳмад ибн Умар Хивакийдан тасаввуф таълимотини ўрганган. Орадан йиллар ўтгач, унинг шогирди сифатида кубровийлик тариқатини ривожлан-

тирган. Ундан кубровийликнинг ҳинд шоҳобчаси – Фирдавсия бошланади. У Мовароуннаҳр ва Туркистонда ҳадис илмини ёйган ва уни ривожлантирган.

Ривоятларда келтирилишича, Боҳарз устозлари таҳоратда азоб чекмасин деб, офтобага сув олиб, бағирларига босиб, юрак тафи билан уни иситиб, кечаси билан останада турганлар. Устозлари шогирди бу риёзатидан таъсирланиб, «Башорат бўлсин сенгаки, подшоҳлар сенинг отинг рикобидан бўлмай», дея дуо қилган эканлар.

Абдурахмон Жомийнинг қайд этишича, Нажмиддин Кубро шогирдларига: «Энди юртингизга боринг. Шарқдан фитна олови келмоқда, кўп ўтмай у ҳамма ёқни куйдириб кул қилади», дейди.

Бухорога ташриф

Нажмиддин Кубро фатвоси билан Боҳарз Бухоро томон йўл олади. Бухорога етиб келганида шаҳар батамом ёниб бўлган, истиқомат қиладиган жой ҳам қолмаган. Боҳарз одамларни йиғиб, уларга «Саҳиҳи Бухорий»ни ўқиб беради. Жомийнинг ёзишича, Боҳарз бу ерда қирқ йилдан ортиқ яшайди. Ҳаттоки, Сайфиддин Боҳарзнинг халқ ўртасидаги кучли нуфуздан чўчиган мўғул ҳукмдорлари у билан ҳисоблашишга мажбур бўлишади.

Чингизхон номидан Мовароуннаҳрни идора қилган Маҳмуд Ялавоч Бухорога «қилон» (ҳар бир одам бошига солинадиган бир дирҳамлик ер солиғи) тўловини йиғиш учун келади. Асли хоразмлик бўлган Маҳмуд Ялавоч Сайфиддин Боҳарз ҳузурига қиради. Шайх салобатидан Ялавоч солиқ сўраш ўрнига унга минг дирҳам ҳадя қилади. Боҳарз эса бунга қиё ҳам боқмайди.

Умуман, шайхнинг маънавий кудрати,

чексиз ботиний кучи кўплаб бухороликларни мўғулларнинг қонли қирғинидан асраб қолади. Масалан, 1238 йилда Маҳмуд Торобий бошчилигидаги кўзғолон муваффақиятсиз яқун топгач, кўплаб кўзғолон иштирокчилари қирғин қилинади. Фақатгина уларнинг Боҳарз ҳузурига паноҳ сўраб келганларигина омон қолдирилади.

Халқ, ҳаттоки, мўғуллар орасида ҳам тобора обрўси ошиб бораётган шайхнинг нуфузи, албатта, истилочиларни безовта қилмай қолмасди. Натижада, Олтин Ўрда хонининг акаси Бойқу Боҳарзни занжирбанд қилиб, Самарқандга олиб келишни буюради.

Боҳарз Самарқандга бораётиб: «Мен бу хорликдан кейин бир иззат келишини кўрмоқдаман», – дея башорат қилади. Боҳарз шаҳарга яқинлашганда соппа-соф юрган Бойқу тўсатдан вафот этади. Бу ҳолни шайх кароматига йўйган мулозимлар уни қўйиб юбориб, ўша жойнинг ўзида мусулмонлиқни қабул қилади.

Мўғул хонларини мусулмон қилган шайх

«Тарихи Банокатий» асарида келтирилишича, мўғул ҳоқонлари Мунке, Хулуку, Хубилайларнинг онаси, Чингизхоннинг келини, унинг тўнғич ўғли Тулуунинг беваси Суярукүктани бека (тахминан 1190-1252) номи ҳам Боҳарз билан боғлиқ.

Асли христиан динида бўлган керайтлар маликаси Суярукүктани бека Бухорода Хония мадрасаси ва хонақоҳ қурдириб, унга жуда кўп қишлоқларни вақф қилган ҳамда Сайфиддин Боҳарзни мударрис ва мутавалли қилиб тайинлаган.

Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда шайхнинг ўрни катта бўлган. Чингизхоннинг



набираси, Олтин Ўрда хони Беркахон (1209-1266) ҳам унга эътиқод қилиб, XIII асрнинг 50-йилларида Бухорога келган ва пирга мурид тушиб, ислом динини қабул қилган. У мўғул ҳукмдорлари орасида биринчилардан бўлиб, ислом динини қабул қилди.

Беркахон мусулмон бўлгач, ўзига Баракахон номини олган ва Шимолий Кавказдан то Сибиргача чўзилган улкан давлати худудида ислом динини жорий қилиб, масжид ва мадрасалар қурдирган. Унинг қўлида кўпчилик мусулмон бўлган. Бу воқеадан сўнг Сайфиддин Боҳарзга «Шайх ул-олам» (Олам шайхи) унвони, Бухоро шаҳрига эса шариф макомини берилган.

Улуғ шайх маънавий мероси

Боҳарз фикҳий ихтилофларнинг, ҳадис ва оятлардаги гўзал сўз ва ибораларнинг билимдон эди. У Бухоро шаҳри яқинидаги Калободда мадраса қурдирган. Араб ва форс тилларида «Аллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи», «Ишқ ҳақида рисола», «Хилватдаги воқеа», «Рубоийёт», «Рўзнома», «Васиятнома» ва бошқа асарлар ҳамда тўртликлар ёзган. Боҳарз бир неча замондош олимларга ўз номидан дарс беришга ижозат берган.

Соҳибқирон ихлоси

Улуғ шайх 1261 йилда Бухорода вафот этди. У Бухоронинг шарқий қисми – Фатҳобод мавзе-

ийдаги Қарши дарвозаси рўпарасида дафн этилди. Қабри устига мақбара қурилган. Сайфиддин Боҳарз мақбарасининг кичик гўрхонаси XIII асрнинг 2-ярмида бунёд этилган бўлиб, унда шайхнинг икки ўғли, шунингдек, невараси ва эваралари ҳам дафн қилинган. Гўрхона қуйида эса улуғ пир пойи остида дафн этишларини сўраган мўғул ҳукмдори Баёнқулихоннинг мақбараси мавжуд.

Соҳибқирон Амир Темур Бухорога ташриф буюрганда шайхнинг қабрини албатта зиёрат қилган. Ҳаттоки, унинг фармони билан мақбара обод қилиниб, зиёратхона ва шарқий пештоқ бунёд этилган. Бугунги кунда мазкур зиёратхонадан мажид сифатида фойдаланилмоқда. Шайх қабри устидаги ёғоч сағананинг ясалиш услуби, зарҳал бизаклари Амир Темур даври ёғоч ўймакорлиги санъатининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади.

Айни пайтда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан зиёратгоҳ худудида замонавий масжид биноси ҳамда «Исломотамаддуни дарғалари» хиёбонини барпо этиш мақсадида лойиҳалаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса мазкур табаррук масканнинг янада чирой очишига, ёшларимизнинг улуғ маънавият дарғалари меросидан баҳраманд бўлишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

Ўзбекистондаги болалар боғчаларида дастурлашни ўргатадиган роботлар пайдо бўлади.

ЎЗБЕК ШАХМАТИДА ЯНГИ ТИЗИМ: НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

«Ўзбекистонлик гроссмейстер қиз энди АҚШ номидан дона суради», «Унга шахмат федерацияси босим ўтказган», «Маҳоратли шахматчи опа-сингиллар иқтидори қадрланмади, етарли шароитлар яратиб берилмади», қизлар миллий терма жамоадан четлаштирилгани кейинчалик бу уларнинг ўз ташаббуси экани ҳақидаги масъулларнинг изоҳлари...

Хуллас, ўзбек шахмати атрофидаги турли «деди-деди»лар. Авваллари фақат спортда коррупцияга йўл қўйилмайди, чунки бунинг ҳеч имкони йўқ, деб ўйлардим. Ахир майдонда ким маҳоратли, тажрибали ва кучли экани ойдинлашади-қолади-да. Бироқ серия каби давом этган юқоридаги воқеликдан сўнг майдонга қадар келинадиган йўлнинг доим ҳам «тоза» бўлмаслигини тушундим.

Шу шов-шувлар ҳовури босилмай туриб, Президентимизнинг «Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ҳужжатда спорт турини ривожлантиришнинг аниқ тизими яратиб берилди. Қарор юзасидан батафсил маълумот



олиш учун **Ўзбекистон Шахмат федерацияси бош котиби Суннатилло БОЗОРБОВ** билан мулоқотда бўлдик.

— *Жорий йил қабул қилинган ҳужжатда шахматни ривожлантириш дастурлари аниқ белгилаб берилди, — дейди Суннатилло Бозорбоев.* — Қарор лойиҳасини соҳа мутахассислари билан б ой муддатда ишлаб чиқдик. Эндиликда ҳар бир вилоятда биттадан шахмат спорт мактаби ташкил қилинади. Спорт тури бўйича дастлабки билимга эга бўлган ўқувчи у билан жиддий шугулланишни истаса, вилоятдаги шахмат мактаби мураббийларининг селекция режасига асосан саралаб олинади. Бундан ташқари, йил давомида ҳар ойда бир марта ўтказиладиган разряд турнирларида мураббийлар кузатувлар олиб бориб, иқтидорлиларни аниқлаб боради. Кейинчалик халқаро майдонларда ҳам натижа кўрсатганлар Халқаро шахмат академиясига қабул қилиниб, профессионал тарзда миллий терма жамоа таркибидеги иштирокини бошлайди. Бу кўйдан энг юқори кўрсаткичга гача бўлган жараёни қамраб олади.



— **2018 йил қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори амалиётга тўлиқ тадбиқ этилдимми?**

— 2018 йил қабул қилинган қарор ижросини таъминлашда бир нечта муаммоларга дуч келгандик. Унда мактабларда ўқитилиши белгиланган шахмат дарслари нечинчи синфларга, нечи соат, қайси фан ўрнига ўргатилишига аниқлик киритилмаганди. 150 та таълим муассасасини эса Халқ таълими вазирлиги танлаб берган. Ваҳоланки, уларнинг аксариятида шахматни ривожлантириш потенциали мавжуд эмасди. Янги қарор асосида мингта мактабни ҳамкорликда танлов асосида саралаяпмиз. Синфлар, соатлар, қайси фан соатидан олиниши каби саволларга ҳам жавоб аниқ. Чунончи, ўқув дарслиги бўйича Рустам Қосимжоновнинг «Сехрли шахмат» китоби асос қилиб олинган ўқув методик дастур ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг сентябрь ойидан мактабларга мазкур қўлланмалар етказиб берилди.

Қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда Арманистон, Россия, Канада, Эрон, Хитой, Грузия давлатлари тажрибалари ўрганилди. Масалан, Арманистон мактабларида шахмат дарслари ўтиш самарали ташкил этилган. Россияда эса шахматчиларни тайёрлаш, селекция ишларини сифатли олиб бориш бўйича тажриба юқори. Хитойда профессионал шахматчилар билан ишлаш, Эронда давлат томонидан шахмат соҳасига берилган эътибор, уни ташкил этиш тизимлари ўрганилди.

— **Шахматни омма-лаштиришга қандай**

омиллар тўсиқ бўляпти?

— Федерация ва академия фаолияти ҳомийлар кўмағида шакллантирилган. 2020 йилда пандемия сабаб аксарият ҳолларда ёрдамлар кўрсатилмади. Натижада тажрибали мураббийлар четга чиқиб кетишга мажбур бўлди. Чунки улар ўз вақтида моддий қўллаб-қувватланмади. Энди қарор билан мураббийларни давлат томонидан рағбатлантириш тизими йўлга қўйилиши белгиланди. Спорт тури ривожланишига тушув бўлаётган асосий муаммо молиявий имкониятлар билан боғлиқ эди. Селекция қилиш учун жойларда ишларни ташкил этиш, тажрибали мураббийларни тарбиялаш ва ушлаб қолиш, уларга яхши ҳақ тўлаш — буларнинг барчаси маблағга бориб тақалади. Мутахассисларнинг етишмаслиги, уларни тайёрлашнинг тизими мавжуд эмаслиги ҳам аниқ ҳақиқат эди. Жисмоний тарбия ва спорт университети ва унинг Фарғона филиалида шахмат йўналиши ташкил этилиши, олий таълим муассасаларида талабдан келиб чиқиб, ҳар йили қўшимча квоталар ажратилиши мутахассисларга бўлган талабнинг бир қисми қопланишига замин яратади. Федерациянинг ҳудудий бўлимлари фаолияти эса жамоатчилик асосида иш юритган. Кимдир у ерда фақат фидойилик ёки шахматга бўлган муҳаббат сабаб ишларди. Ҳужжатда бу жиҳатга ҳам эътибор қаратилган, яъни ҳудудий бўлимлар фаолияти молиялаштирилиши назарда тутилган.

— **Қарорда «Маҳалла кубоги», «Шахматчи оила» каби турнирлар ташкил этилиши белгиланган. Ваҳоланки, бундан аввал ҳам «Биз — ақл-идрокли оилаларимиз» спорт мусобақалари ўтказилган. Аммо самара**

кутилганидек бўлмади. Янги мусобақаларнинг тақдирини аввалгисидек бўлмайди?

— Бу каби турнирлар аҳоли орасида спорт турига қизиқишни ошириш мақсадида ташкил этилади. Эндиликда ҳудудларда 3 та турнир ўтказилади. Айтиш мумкин уларнинг ўтказилиш тартиби, низомлари ишлаб чиқилипти. Масалан, «Шахматчи оила»да бир оиладан 3 нафар аъзо қатнашади. Юртимизда шахматга оилавий қизиқувчилар кўп. Профессиналлар доирасида ҳам Ёқуббоевлар, Синдоровлар оиласи бунга ёрқин мисол. Ҳаваскор сифатида шахмат ўйнайдиганларни рағбатлантириш, улар сафини кенгайтиришга хизмат қилади. Турнирлар самара бериши масаласига келсак, жойларда ўзибўларчиликка йўл қўйилмас, маҳалла босқичиданоқ сифатли ўтказишни таъминласак, кўнгилдагидек натижага эришамиз. «Маҳалла кубоги»да ёш тоифасидан қатъи назар жамоалар қатнашади. Мусобақаларни 10 мингга яқин маҳаллада юқори даражада ташкил этиш учун эса ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиришимиз керак. Ҳудудлар кесимида ҳакамларимиз етарли эмас. Шу боис ҳакамлар таъриш учун семинарлар ўтказишни режалаштиряпмиз.

— **Нима учун гроссмейстерларимиз чет элга чиқиб кетяпти? Ёки шахматчиларимиз орасида соғлом рақобат муҳити шакллантирилмаганми?**

— Шахматчилар орасида соғлом рақобат муҳити шаклланган. Спорт тамойиллари шахматда ҳам амал қилади. Гроссмейстерларнинг четга кетиши уларнинг шахсий эҳтиёжлари билан боғлиқ. Бизда мусобақада голиб бўлган шахматчилар ҳомийлар томонидан имкон даражасида рағбатлантирилади. Олимпиада ўйинлари голибларини рағбатлантиришнинг эса аниқ тизими мавжуд. Шахматда бу тизим йўқ эди. Эндиликда шахматда ҳам рағбатлантиришнинг тизимини ишлаб чиқаяпмиз. Тизим тўғри ташкил этилса, гроссмейстерларимиз моддий манфаат кўзлаб четга чиқиб кетмайди, назаримда.

Садоқат МАХСУМОВА
суҳбатлашди.

АМИР ТЕМУР

ТЎХТАМИШДАН НЕГА ХАВФСИРАГАН ЭДИ?



Амир Темурнинг Олтин Ўрда билан муносабатлари унинг ташқи сиёсатидаги муҳим йўналиш ҳисобланган. Амир Темур бу давлат билан фаол ташқи алоқа олиб борганининг бир қанча сабаблари бор. Жумладан, Шимолий Хоразм ва Оқ Ўрда Мовароуннаҳрга чегарадош эди. Темур эса тузаётган янги мамлакатига Олтин Ўрда хавф солишини сезарди. Шунинг учун ҳам у Хоразм ва Олтин Ўрда ҳудудида юз бераётган сиёсий воқеаларни сергаклик билан кузатди.

М.Абдураимовнинг ёзишича, Ўрускон Сирдарёдан Волга бўйларига келиши билан Олтин Ўрдада Ботухоннинг акаси Ўрда Ичен авлодидан саналган янги хонлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди. Тўйхўжа ўғлон Ўрускон томонидан қатл этилгач, унинг ўғли Тўхтамиш ҳам ўз ҳаётидан хавфсираб, қудрати оламга таралаётган Амир Темур давлатидан паноҳ топди. Бу вазият эса Амир Темурга жуда ўнг келди, чунки у Олтин Ўрда хони ўзига тарафқаш, тобе бўлишини анчадан буён орзу қиларди.

Бизнингча, у ана шу истакларни амалга оширишни Тўхтамишхон сиймосида кўрди. Соҳибқирон унга мадад сўраб келаётган Тўхтамишни ҳар хил қимматбаҳо совғалар билан қарши олди. Низомиддин Шомий бу ҳақда шундай ёзади: «Тўхтамиш ўғлон келганда, амирлар уни Темур қабулига олиб киришди. Ҳазрати олийлари уни етарлича ҳурмат-эҳтиром билан қарши олди. Уни Самарқандга бошлаб бориб, шоҳона зиёфат берди. Тўхтамиш ва унинг йўлдошларига муносиб совға-саломлар улашди, тилла ва (қимматбаҳо) безаклар, мол ва газмол, от ва хачир, чодир, ноғора ва байроқ ҳамда жанговар кўшин берди. Ўтрор ва Саврон вилоятига ҳоким этиб тайинлади».

Бу орада Темурнинг Бухородаги қароргоҳига Ўрусконнинг элчилари келиб, Тўхтамишни топширишни талаб қилади. Темур бу таклифни қатъий рад этди ва тез орада ўзи жангга киришини айтади.

Соҳибқирон Ўрусконга қарши курашмоқ учун Сиғоқ яқинига келиб жойлашди ва об-ҳавонинг ёмонлиги, яъни қаҳратон қиш, ёгингарчилик туфайли ортга қайтиб, бир неча ой Кешда қолди. Ўрусконга қарши юришда Тўхтамишни йўлбоши қилиб олади, лекин вазият ўзгариб, аввал Ўрускон, кейинроқ эса унинг ўғли Тўқтақийё вафот этади.

Тўхтамиш хоинлик қилганми?

Оқ Ўрда билан тахт учун курашлар натижасида Тўхтамишхон кўшинлари учинчи марта енгилди. Амир Темур Тўхтамишнинг ҳарбий лаёқатига шубҳаланиб қолган бўлса-да, унда тахтга ўз одамини қўйиш, мағлубият учун ўч олиш истаги кучли эди. Тўхтамиш Амир Темур ёрдамида хонлик тахтга ўтирган бўлса ҳам ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Темурга номигагина бўйсунарди, қулай пайт келиши билан мустақил бўлиб, унинг ҳокимиятидан юз ўгириб кетиш ниятида юрарди.

М.Абдураимов Тўхтамиш бошқараётган Олтин Ўрда давлати Рус князликлари ёки Амир Темур давлатига ўхшаб мустақам заминда, ўз халқининг табиий ўсишига боғлиқ равишда эмас, курама ва хўжаликлараро тарқоқ заминда бунёд этилганини алоҳида таъкидлайди. Бизнингча ҳам бу ҳол Тўхтамишга анча мураккабликлар туғдириши мумкин эди.

Амир Темурнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан Олтин Ўрда тахтига ўтирган Тўхтамиш рус князликлари устидан номигагина эмас, тўла-тўқис ҳукмронлик ўрнатиш учун Жўчи улуси кучларини оширишга аҳамият берди ва рус феодал князликларининг Москва атрофида бирлашишига тўсқинлик қилди. Олтин Ўрда ва рус тарихидан аёнки, мўғул хонлари, хусусан, Тўхтамиш ҳам рус ерларида ва тўб феодал ажралишига бўлган ҳаракатларини қўллаб-қувватларди. Жўчи улусининг нуфузи, таъсири тушиб боришига йўл қўймаслик учун у бутун кучгайратини аямай сарфлади.

Ўз ҳукмронлигини мустақамлаш учун у Озарбайжон ва Эронга ҳам кўз тикди.

Низо нимадан чиққан?

Олтин Ўрда ва Амир Темур ўртасидаги низо Соҳибқироннинг Олтин Ўрдадан бўладиган хавфни бартараф қилишга ва мўғуллар даврида шимолий тармоғи кучайтирилган Буюк Ипак йўлини эгаллашга бўлган саъй-ҳаракати туфайли чиққан. Ҳар икки томон ҳам ана шу масала юзасидан муҳолифатчилик қиларди.

Бу даврда Буюк Ипак йўлининг муҳим тармоқларидан биттаси, бу – икки давлат ҳудудидан бевосита ўтган. Бу йўлларнинг бири – Рус, жанубидан Қора ва Қизилқум, Каспий денгизи соҳиллари бўйлаб, иккинчиси – Каспийдан жануброқдаги Шом, Кичик Осиё, Кавказорти, Эрон, Самарқанд орқали ўтган. Беркахон давридан бери Олтин Ўрда хонлари дастлабки савдо йўлини эгаллаган бўлса-да, иккинчисини ҳам қўлга олишга, жилла курси кесиб ташлашни, биринчи навбатда, бой Табриз шаҳрини эгаллашни орзу қилардилар.

Тўхтамишхоннинг Табризни босиб олишига эронликлар, аввал, жалойирлар ва Амир Темур қарши чиқди. Темур собиқ жалойирлар ҳукмронлигидаги Озарбайжонга ўзига қарам улус тариқасида кўз тиккан. Шундай қилиб, 1385-1386 йилларда олтин ўрдаликларнинг Озарбайжон ва Табризга бостириб олиш қарорини Олтин Ўрда хони ва Самарқанд амири ўртасида ихтилоф туғилишига сабаб бўлган. Улар ўртасида жанг чиқишига иккинчи сабаб, Дашти Қипчоқнинг шимолий қисмини эгаллашга бўлган интилиш билан боғланади.

Яна бир сабаб...

Амир Темур ва Тўхтамиш ўртасида алоқа бузилишига яна бир сабаб, Хоразм масаласи борасида келиб чиққан. Чунки, Хоразм XIV асрнинг 60-йилларигача Олтин Ўрданинг таркибий қисми ҳисобланиб келган. Тўхтамишнинг Озарбайжонга юриши Амир Темурнинг Хоразмнинг ўз тасарруфига киритгани учун бир қасос эди. Амир Ҳусайн ва Сароймулкхоним мўғул уруғиданлигини ҳисобга олган ҳолда ва Ибн Арабшоҳ фикрига таяниб, М.Абдураимов яна бир иккинчи даражали сабабини амир Ҳусайннинг ўлдирилишидан келиб чиққан деб тахмин қилади.

Амир Темур ғалабаси

Тўхтамиш Амир Темурнинг ташқи юришлари билан банд бўлганидан фойдаланиб, Каспийнинг ғарбий соҳили бўйлаб ўтган қадимги йўл – Дарбанд орқали Амир Темур давлатига юриш қилади. Бу воқеалардан кейин Амир Темурнинг сабр косаси тўлади. У хавфли душманга айланган Тўхтамишга қарши 1388, 1391 ва 1394-1395 йилларда уч марта юриш қилади ва уни энгиб ўз мақсадига эришади.

Амир Темур Олтин Ўрдани энгиб уни холдан тойдиради, Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғини бутунлай издан чиқаради, Эрон ва Озарбайжоннинг дахлсизлиги ва бошқа мақсадларини амалга оширади.

Амир Темур Тўхтамишхонни энгиш билан дунё сиёсий харитасида муҳим ва катта ўзгаришлар ясаб, рус князликларининг кейинги тараққиёти ва бирлашув жараёнларининг бошланиши учун замин яратди.

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,
тарих фанлари доктори



УЙ-ЖОЙ

Ипотека кредити фоизларини бозор белгилайди_(ми?)

— Ипотека кредити бўйича янги тартиб белгилангани, энди фоизлар бозор талаби асосида шакллантирилиши ҳақида эшитдим. Шу тўғрими?

Мафтуна ШУКУРОВА.
Тошкент шаҳри.



Акмал НАЗАРОВ,
Марказий банк департаменти раҳбари:

— Ҳукуматнинг 2021 йил 5 февралдаги қарори билан

Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратилиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Унга кўра, ипотека кредитлари 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга бозор (фоиз) ставкасида аж-

ратилади. Улар учун аннуитет тўловлар тартиби татбиқ этилади ва имтиёзли давр белгиланмайди. Фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда ўзгарисиз қолади.

Бунда кредитлар қишлоқ жойларда ва шаҳарларда — 1 ва 2 хонали квартиралар учун 240 млн. сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 320 млн. сўмгача, Тошкент шаҳрида — 1 ва 2 хонали квартиралар учун 264 млн. сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 352 млн. сўмгача берилади.

ТРАНСПОРТ

«Права»ни исталган ҳудуддан олиш мумкинми?

— Энди техник кўрик ва «права» олиш исталган ҳудудда амалга оширилиши ҳақида эшитдим. Шу тўғрими?

Камилжон АБИЛОВ.
Тошкент шаҳри.



Шохрух ГИЎСОВ,
Ички ишлар вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, шундай. 2021 йилги Давлат дастурига кўра, эндиликда автоматотранспортни техник кўриқдан ўтказиш экстерриториаллик принципи асосида йўлга қўйилади. Яъни бундай кўриқни энди доимий яшаш жойидан қатъий назар, исталган ҳудудда амалга ошириш имконияти яратилади. Шу билан бирга, янги автоматотранспортни техник кўриқдан ўтказиш бўйича талаб ҳам бекор қилинади.

Бундан ташқари, барча рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим(бўлима)ларида ҳамда 20 та Давлат хизматлари марказларида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш (шу жумладан, алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини бериш) фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъий назар амалга оширилади.

ИМТИЁЗ

Ижтимоий солиқни қандай тўлаш мумкин?



Шухрат ДАВРОНОВ,
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси иж-рочи директори ўринбосари:

— Маълумки, ҳозирда ўзини ўзи банд қилиш мумкин бўлган фаолият турлари 67 тани ташкил этади. Мобиль илова («soliq» иловаси) орқали рўйхатдан ўтиш бепул қилиб қўйилди. Уларни ҳисобга олиш орқали банд аҳоли нима иш билан шуғулланаётгани, яъни қанча фуқаро сартарош, этикдўз, аравакаш, тикувчи, бозорда кунлик даро-

мадга эга эканини аниқлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан йилга БҲМнинг камида бир баравари миқдоридан ик-тиёрий тартибда тўланган ҳисобот даври бир йиллик иш стажига ҳисобланади. Юқоридаги йўналишлар бўйича фуқаролар томонидан тўловларни амалга ошириш истаги бўлса, «Click» ва «Рауте» мобиль иловалари ёки жойлардаги банкларнинг махсус кассалари орқали тўловларни амалга ошириш мумкин.

— Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ижтимоий солиқни қаерга ва қанча миқдорда тўлашлари керак?

Нуриддин ШАРИПОВ.
Тошкент вилояти.

ТАДБИРКОРЛИК

Бу йил ҳам иссиқхона учун субсидия бериладими?

— Ўтган йили қўшним иссиқхона учун давлатдан субсидия олган эди. Бу йил мен ҳам иссиқхона ташкил қилмоқчиман. Субсидия бериладими?

Иброҳим ПЎЛАТОВ.
Қашқадарё вилояти.

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Давлатимиз раҳбарининг «Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига мувофиқ, 2020 йил 20 майдан бошлаб Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилмоқда.

Бунда улар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, етказиб берувчи ташкилотлар ва томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун — БҲМнинг 30 бараваригача, сўғориш воситалари харид қилиш учун — БҲМнинг 10 бараваригача, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун — БҲМнинг 3 бараваригача, қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиши учун — БҲМнинг 10 бараваригача миқдорда ажратилади.

Мазкур амалиёт бу йил ҳам давом эттирилади. Бунинг учун сиз ҳудуддаги бандликка кўмаклашиш марказига ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

МЕХНАТ ҲУҚУҚИ

Интизомий жазо қанча муддат ичида қўлланилади?

— Ходимнинг 1,5 ой аввалги ноҳўя хатти-ҳаракати учун кечикиб интизомий жазо қўллаш мумкинми?

Нурали СОБИРОВ.
Наманган вилояти.

Фаррух ЖЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Меҳнат кодексининг 182-моддасида интизомий жазоларни қўлланиш тартиби белгилаб қўйилган. Унга кўра, интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ноҳўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсатиб бўла олмайди.

Интизомий жазо бевосита ноҳўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади. Лекин юқоридаги ҳолатда ноҳўя хатти-ҳаракат аниқланганига 1,5 ой бўлгани сабабли иш берувчи сизга нисбатан интизомий жазо қўллай олмайди.

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi»
масъулияти чекланган жамияти

Бош директор
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Санжар ИСМАТОВ

Нашр навбатчиси: Р. Юсупов
Навбатчи: Б. Фозидинов
Саҳифаловчилар: И. Болтаев
Ш. Бароқов

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192

Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоиси келишилган нарҳда. **Нашр кўрсаткичи: 148**

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.